

Б.Қ. ҲАМДАМОВ, Ф.Р. ИСЛОМОВ,
А.З. АВЛОҚУЛОВ

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ

“IQTISOD-MOLIYA”

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**Б.Қ. ҲАМДАМОВ, Ф.Р. ИСЛОМОВ,
А.З. АВЛОҚУЛОВ**

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ

Ўқув кўланма

Тошкент
“ИQTISOD-MOLIYA”
2008

КИРИШ

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг қарор топиши, кўп укладли иқтисодиётнинг вужудга келиши барча жабҳада бўлгани каби, бухгалтерия ҳисоби борасида ҳам улкан ўзгаришларнинг содир бўлишига олиб келди. Кейинги йиллар мобайнида халқаро андозаларга тўла-тўқис жавоб берувчи бухгалтерия ҳисоби тизимини яратиш борасида кўпгина ислохотлар олиб борилмоқда. Бухгалтерия ҳисобидан фойдаланувчилар доираси анча кенгайиб бораётганлиги, интеграция жараёнлари чуқурлашаётганлиги, қўшма корхоналар барпо этилаётганлиги, жаҳон молия бозорига чиқарилаётган сармоялар, ишчи кучи ва валютанинг айрим мамлакатлар ўртасида эркин ҳаракатланиши зарурлиги бухгалтерия ҳисоби тизимини жаҳон андозаларига мослаштиришни кўчиришни янада кучлироқ талаб қилмоқда. Қолаверса, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро талабларга мувофиқ ўзгартириш кейинги вақтларда Ўзбекистон учун ҳам тобора долзарб вазифага айланмоқда. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида республикада халқаро андозаларга тўла-тўқис мос келувчи бухгалтерия ҳисобининг миллий андозалари ишлаб чиқилмоқда ва амалиётга кенг татбиқ этилмоқда.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий андозалари «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун асосида ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу андозалар бухгалтерия ҳисоби шакллари ва усуллари танлашда корхоналарнинг мустақиллигини кенгайтирибгина қолмасдан, ҳисоб ахборотининг ишончлилиги учун уларнинг масъулиятини ҳам оширмоқда.

Бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилишда халқаро тамойилларга асосланган ҳисобварақлар режасининг қабул қилиниши навбатдаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Мазкур ҳисобварақлар режаси, бир томондан, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро андозаларга яқинлаштиради, иккинчи томондан, бухгалтерия ва солиқ ҳисоблари ўртасидаги муаммоларни барҳам топтиришга кўмаклашади.

Бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиниши, энг аввало, хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисоботни тўғри тузиш ва ўз вақтида тақдим этилишини такомиллашувига хизмат қилмоқда. Бугунги кунда молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш бўйича меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, улар ёрдамида молиявий ҳисоботни тузишни халқаро талабларга яқинлаштирди.

Молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш тартибини талабаларга ўргатиш долзарб ҳисобланади. Айнан ушбу қўлланма иқтисодиёт йўналишидаги талабаларга молиявий ҳисобот шакллари тузиш ва тақдим этиш тартибини чуқур ўрганишга муҳим ҳисса қўшади, деган умиддамиз.

I боб. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ МОҲИЯТИ ВА ТАРКИБИ

1.1. Молиявий ҳисобот, унинг аҳамияти ва таркиби

Бухгалтерия ҳисобини юритишнинг асосий мақсади маълум бир ҳўжалик субъектининг барча ҳўжалик муомалаларини расмий равишда акс эттириш ва маълум бир даврларда фойдаланувчиларга зарур маълумотларни бериш ҳисобланади.

Молиявий ҳисобот алоҳида мустақил корхона бўлиши ёки ҳўжалик юритувчи корхоналарнинг уюшган гуруҳига киришидан қатъий назар, бажариладиган ва субъектга таъсир кўрсатувчи молиявий воқеаларни ва муомалаларни кўрсатиш усули ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботларнинг мақсади корхонанинг молиявий аҳволдан, унинг фаолиятидан ва унинг пул маблағлари ҳаракати бўйича маълумот беришдан иборат бўлиб, у фойдаланувчиларнинг кенг гуруҳига иқтисодий қарорлар қабул қилишлари учун зарурдир.

Молиявий ҳисобот ҳўжалик муомалалари хусусияти ва моҳияти жиҳатидан уларни гуруҳларга тузилмавий бирлаштириш натижаси ҳисобланади. Умумлаштириш ва тасниф қилиш жараёнининг якуний босқичи туркумларга ажратилган жуда қисқа ахборотни тақдим этишдир, чунки молиявий ҳисоботлар банд сифатида ва изоҳларда берилган бўлади. Молиявий ҳисоботлар, шунингдек, корхона имкониятларини раҳбарият томонидан бошқарилишини амалга ошириш натижаларини ҳам кўрсатади.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасига биноан молиявий ҳисоботда қуйидаги ахборот бўлиши керак:

– инвестиция қарорлари ва кредитлар бериш тўғрисида қарорлар қабул қилишда керак бўладиган ахборот;

– субъектнинг бўлажак пул оқимларини баҳолашда фойдали ахборот;

– субъектга берилган ресурслар, мажбуриятлар ва улардаги ўзгаришлар тўғрисида ахборот.

Юқорида айтиб ўтилган ахборотлардан ташқари, молиявий ҳисоботда батафсилроқ маълумотлар ҳам берилади. 1-БҲМАга асосан, молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларга пул маблағлари ҳаракати оқимини тахмин қилишга ёрдам берадиган, корхонанинг мулки ва ихтиёридаги ресурслари тўғрисида қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим:

– корхонанинг назорати остида бўлган активлар ҳақида;

– корхонанинг пасивлари ҳақида;

– корхонанинг тақсимланмаган даромади, корхонанинг бир даврдан бошқа даврга ўтишдаги иқтисодий имкониятлари ва мажбуриятларидаги ўзгаришлар ҳақида;

– пул маблағларининг ҳаракати ҳақида.

Ушбу маълумот молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар учун корхонанинг дивидендларни ва фоизларни тўлаш, шунингдек, мажбуриятлари бўйича муддати келган тўловларни тўлаш имкониятини баҳолашда фойдали бўлади.

Молиявий ҳисоботнинг шаклланиши қисқа вақтда, ҳисобот даври муомалалари тугагандан сўнг рўй беради ва корхонадан профессионал бухгалтерия билимлари ва кўникмаларидан ташқари, кўшимча маълумотлар тузиш (изоҳлар, тушунтиришлар) кетма-кетлигига ариоз қилишни талаб этилади.

Йиллик молиявий ҳисобот таркиби қуйидаги шакллардан иборат:



Молиявий ҳисоботларнинг изоҳлари тушунтириш хати кўринишида мунтазам равишда тартибга солинади. Изоҳлардаги маълумотлар тақдим этилган молиявий ҳисоботнинг ҳар бир тегишли банди кўрсатилган ҳолда берилиши керак.

Молиявий ҳисоботлар тайёрлаш ва бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос сиёсати асослари тўғрисидаги маълумот молиявий ҳисобот изоҳларидан олдин алоҳида ҳисоб кўринишида берилиши керак. Молиявий ҳисоботга бериладиган тушунтириш ёзувида энг камида лозим бўлган зарур маълумотлар бухгалтерия ҳисобининг ҳар бир аниқ андозаси «Очиб бериш» бўлимида келтирилади.

1.2. Молиявий ҳисобот тузиш коидалари

Молиявий ҳисоботлар тузиш учун фойдаланиладиган ўзига хос ҳисоб юритиш сиёсатига қўшимчаларда фойдаланувчилар учун молиявий ҳисоботларда фойдаланиладиган баҳоларнинг асоси (дастлабки қиймат, жорий қиймат, сотиш қиймати, дисконт қиймати ва бошқалар)ни билиш жуда муҳим ҳисобланади. Бу тамойиллар кўп ҳолларда узлуксизлик ва ҳисоблаш тамойиллари билан ўхшашдир, улар молиявий ҳисоботни тузиш асосини ташкил қилади. Улар бу тамойиллардан баъзи ҳолатларда баҳолашларнинг асослари ўртасида танлов мавжудлиги билан фарқ қилади.

Молиявий ҳисоботда корхонанинг ҳисоб юритиш сиёсатини акс эттириш пайтида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- даромаднинг акс эттирилиши;
- консолидация тамойиллари;
- фаолият турларининг уйғунлиги;
- қўшма фаолият;
- моддий ва номоддий активларни ва уларнинг эскиришини акс эттириш;
- жалб қилинган маблағлар қийматини капитализация қилиш;
- капитал қўйилмалар;
- инвестицион мулк;
- молиявий инвестициялар ҳамда молиявий активлар;
- ижара;
- тадқиқотлар ва ривожланиш билан боғлиқ харажатлар;
- товар-моддий захиралар;
- солиқлар ҳамда муддати кечиктирилган солиқлар;
- захиралар;
- ишчи ва хизматчиларни асраб туриш харажатлари;

- чет эл валютасини ўтказиш;
- инфляция ҳисоби;
- ҳукумат субсидиялари.

Ҳўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботнинг изоҳларида, ҳисобларида ва тушунтиришларида даромадлар ва харажатларни даромадлар, харажатлар ва фаолият турлари таҳлилини гуруҳлаштириб кўрсатиши керак.

Ҳўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларининг изоҳлари, ҳисоблари ва тушунтиришларида қуйидаги маълумотларни кўрсатиши лозим:

- ҳўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи ва ҳисоб сиевати асослари учун турли асосий муомалалар ва ҳодисаларни танлагани ва қўлланилгани тўғрисида маълумот тақдим этиш;

- БҲМА талаб қилган, ҳеч бир молиявий ҳисоботда акс эттирилмаган ахборотни ёритиш;

- молиявий ҳисоботларда акс эттирилмаган, лекин молиявий ҳисоботни аниқ ва ҳаққоний тақдим этиш учун қўшимча таҳлил ахборотларини тақдим этиш.

Амалиётда кўпгина корхоналарнинг фаолияти кўп қиррали бўлади ҳамда бу молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар учун иқтисодий қарорлар қабул қилишда қийинчиликларни келтириб чиқаради. Йиллик молиявий ҳисоботлар қўшимча равишда тузиладиган молиявий шарҳни ўз ичига олиши керак, чунки у корхонанинг молиявий фаолиятини, молиявий аҳволини ва улар дуч келган асосий ноаниқликларни бартараф этади.

Молиявий шарҳ корхона маъмурияти томонидан тузилади. Бу шарҳ корхонанинг молиявий аҳволи ва фаолиятининг асосий белгисини, шунингдек, фойдаланувчи ҳисобот билан танишиш жараёнида дуч келиши мумкин бўлган молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни изоҳлаб, тушунтириб бериши лозим.

Қўшимча маълумотлар: изоҳлар, эслатмалар ва ҳисоблар корхона томонидан махсус шаклларда ҳам, шунингдек, ихтиёрий кўринишда ҳам тақдим этилади.

Зарурият туғилганда статистик ҳисоботнинг шакллари молиявий ҳисоботга бериладиган қўшимча маълумотлар орқали зарурий фойдаланувчиларга тақдим этилиши мумкин. Бундан ташқари, корхона раҳбарияти қўшимча маълумотлар сифатида субъект доирасида маълумотларни тақдим этиш шакли ҳисобланувчи жадваллар ва маълумотномаларни тақдим этиши мумкин.

Молиявий ҳисоботлар қуйидаги асосий идентификацион реквизитларни ўз ичига олади:

– корхонанинг номи, мулкчилик шакли, юридик манзили, бўйсунуши, идентификацион рақами ва корхонани билиш учун керак бўлган бошқа реквизитлар;

– алоҳида корхоналарни ёки корхоналар гуруҳининг молиявий ҳисоботларини қамраб олиши, яъни бу ҳисобот жамланган ёки ягона бўлиши керак. Агар ҳисобот жамланган бўлса, у ҳолда барча шаклларда «Жамланма» ёки «Субъектлар бўйича якуний» субъектлар сони кўрсатилади. Тушунтириш ёзувида жамланган якуний ҳисоботга киритилган ҳисоботларнинг сони кўрсатилиши зарур;

– молиявий ҳисобот томонидан қамраб олинган ҳисобот куни ёки даври.

1.3. Инвентаризация

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасига биноан хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларининг тўғрилиги ҳамда ишончлилигини тасдиқлаш учун вақти-вақти билан активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиб туриши керак.

Инвентаризация – бу маълум бир вақтга корхона маблағлари ва уларнинг манбаларини мавжудлигини, инвентаризация қилинаётган объектни натура шаклида санаш, яъни қолдиқларини ҳисоблаш ёки ҳисоб ёзувларини текшириш йўли билан ҳақиқий қилинган харажатларни белгилаш.

Инвентаризация бухгалтерия ҳисоби усулларидан бири бўлиб, унинг ёрдамида жорий ҳисоб маълумотларининг тўғрилиги текширилади, ҳисобда йўл қўйилган хатолар аниқланади, ҳисобга олинмаган хўжалик муомалалари ҳисобга олинади, моддий жавобгар шахслар жавобгарлиги остида бўлган маблағларнинг бутлиги назорат қилинади.

Корхона, ташкилот ва муассасалар инвентаризация ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 833-сонли буйруғи билан рўйхатдан ўтказилган 19-сонли БҲМА «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш»га тўлиқ амал қиладилар.

Қуйидаги ҳолатларда инвентаризация муддатидан олдин ўтказилиши шарт:

– корхона мол-мулкни ижарага бериш, сотиб олиш, сотиш, шунингдек, давлат корхонасини акциядорлик жамиятига айлантириш чоғида;

- молиявий ҳисобот тузишдан олдин, лекин ҳисобот йилининг 1 октябридан кейин инвентаризация қилинган мулк бундан мустасно;
- асосий воситалар ва товар-моддий захираларни қайта баҳолашда;
- моддий жавобгар шахс ўзгарганда;
- талон-тарож қилиш ёки суниестемол қилиш, шунингдек, бой-ликларнинг бузилиши билан боғлиқ фактлар аниқланганида;
- ёнғин ёки табиий офатлар содир бўлганда;
- корхона тугатилаётганда тугатиш балансини тузиш олдидан ва бошқа ҳолларда.

Текшириш кўламига кўра инвентаризация ёппасига ёки танлаб ўтказиладиган, ўтказиш вақти бўйича режалаштирилган ёки тўсатдан ўтказиладиган инвентаризацияларга бўлиниши мумкин.

«Асосий воситалар» номли 5-сон БҲМАга биноан асосий воситалар инвентаризацияси камида икки йилда бир марта ўтказилади, кутубхона фонди 5 йилда бир марта инвентаризация қилинади.

«Товар-моддий захиралар» номли 4-сон БҲМАга биноан товар-моддий захиралар инвентаризацияси камида бир йилда бир марта ўтказилади.

Пул маблағлари, пулли ҳужжатлар, қатъий ҳисобот бланкалари бир ойда бир марта, ёнилғи ва мойлаш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳар чоракда инвентаризация қилинади.

Инвентаризация ўтказиш учун корхонада доимий инвентаризация комиссияси фаолият юритади. Доимий инвентаризация комиссияси таркибига қуйидагилар киради:

- корхона раҳбари ёки унинг ёрдамчиси;
- бош бухгалтер;
- бошқа мутахассислар (муҳандис, иқтисодчи ва бошқалар);
- ички аудит вакили.

Доимий ҳаракатдаги комиссия асосан қуйидаги вазифаларни бажаради:

- қийматликлар бутлигини таъминлаш бўйича профилактика ишларини олиб боради;
- инвентаризация ўтказишни ташкил этади, ишчи инвентаризация комиссияси аъзоларига тегишли маслаҳат ва кўрсатмалар беради;
- инвентаризация натижаларининг тўғрилигини текширади;
- инвентаризация ўтказиш тартиби бузилганда қайтадан инвентаризация ўтказишга буйруқ беради;

– камомад ва нобудгарчилик ҳоллари бўйича моддий жавобгар шахслардан олинган тушунтириш хатларини кўриб чиқади ва тегишли чоралар кўриш бўйича таклифлар беради.

Агар иш ҳажми кўп бўлса, мулклар ва молиявий мажбуриятлар инвентаризациясини бир вақтнинг ўзида ўтказиш учун корхона раҳбарининг буйруғи билан қуйидаги таркибда ишчи инвентаризация комиссияси ташкил этилади:

– инвентаризация ўтказишни тайинлаган корхонанинг вакили (комиссия раиси);

– мутахассислар (товаршунос, муҳандис, технолог, механик, иш юритувчи, иқтисодчи, бухгалтер ва бошқалар).

Ишчи инвентаризация комиссияси қуйидаги вазифаларни бажаради:

– моддий бойликлар ва пул маблағларини сақлаш ва ишлатиш жойларида инвентаризация ўтказиши;

– корхона бухгалтерияси билан бирга инвентаризация натижасини аниқлашда қатнашади ва камомадни ортиқчаси билан қоплаш, шунингдек, табиий камайиш нормаси доирасидаги камомадни ҳисобдан чиқариш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

– товар-моддий бойликларни қабул қилиш, сақлаш ва жўнатиш. Уларнинг бутлигини ҳисоби ва назоратини яхшилаш, шунингдек, нормадан ортиқ ва фойдаланилмайдиган моддий қийматликларни сотиш тўғрисида таклифлар киритади.

Ишчи инвентаризация комиссиясига қуйидаги мажбуриятлар юклатилади:

– корхона раҳбарининг буйруғига биноан инвентаризацияни ўз вақтида ва белгиланган тартибда ўтказиш;

– текширилган асосий воситалар, товар-моддий захиралар, пул маблағлари ва ҳисоб-китоблардаги маблағларни ҳақиқий қолдиқ рўйхатига тўлиқ ва аниқ ёзиш;

– товар-моддий захиралар баҳосини аниқлайдиган белгилар (тип, нав, марка, размер, прейскурант бўйича тартиб номери, артикул ва шу кабилар)ни рўйхатда тўғри кўрсатиш;

– белгиланган тартибга биноан инвентаризация материалларини тўғри ва ўз вақтида расмийлаштириш.

Инвентаризация комиссияси инвентаризациянинг бошланиш вақтига бўлган охириги кирим ва чиким хужжатлари ёки материал ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларни олиши лозим.

Инвентаризация комиссияси раиси «инвентаризациягача _____ (сана)» белгисини қўйиб, ҳисоботга илова қилинган барча кирим ва

чиқим ҳужжатларини имзолайди. Бунда, ўз навбатида, ҳисоб маълумотлари бўйича инвентаризация бошланиш вақтига мулклар бўйича барча кирим ва чиқим ҳужжатлари бухгалтерияга топширилганлиги ёки комиссияга берилганлиги тўғрисида моддий жавобгар шахслар тилхат берадилар.

Инвентаризация бошланишидан олдин комиссия аъзоларига инвентаризацияни қачон бошлаб қачон тугатиш тўғрисида буйруқ топширилади, комиссия раисига эса назорат пломбаси (муҳри) топширилади. Агарда мулк инвентаризацияси бир неча кун давом этадиган бўлса, иш куни тугаши билан моддий бойликлар сақланаётган хонанинг эшиги муҳрланиши керак.

Инвентаризация қилинган моддий бойликлар ва объектлар ҳамда уларнинг миқдори рўйхатда номенклатураси бўйича ва ҳисобда қабул қилинган ўлчов бирлигида кўрсатилади. Бу рўйхат ишчи инвентаризация комиссиясининг барча аъзолари ва моддий жавобгар шахс томонидан имзоланади.

Инвентаризация рўйхатининг охирида комиссия томонидан текшириш моддий жавобгар шахслар иштирокида ўтказилганлиги, комиссия аъзоларига ҳеч қандай даъво йўқлиги ва рўйхатда келтирилган моддий бойликларни сақлашга масъул қабул қилганлиги тўғрисида моддий жавобгар шахслар тилхат ёзиб берадилар.

Ишчи инвентаризация комиссияси ҳар бир турдаги моддий бойликларнинг инвентаризацияси тугагач, инвентаризация далолатномасини тузади. Масалан, «Асосий воситаларни тугалланмаган таъмирининг инвентаризация далолатномаси», «Йўлдаги товарлар ва материаллар инвентаризация далолатномаси» ва бошқалар.

Инвентаризация тугагач, ўтказилган инвентаризация тўғрилигини текшириш учун назорат текшируви ўтказилиши мумкин. Бундай текшириш инвентаризация ўтказилган омбор очилмасдан туриб, инвентаризация комиссияси ва моддий жавобгар шахслар иштирокида ўтказилади. Инвентаризацияларни назорат текширишдан ўтказиш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади ва ўтказилган инвентаризациянинг тўғрилигини назорат текширишни ҳисобга олиш дафтарида рўйхатга олинади.

Инвентаризация натижасида аниқланган мулкларнинг бухгалтерия маълумотлари билан мавжуд ҳақиқийси орасидаги фарқи қуйидагича тартибга солинади:

– ортиқча чиққан асосий воситалар, моддий қийматликлар, пул маблағлари ва бошқа мулклар киримга олиниб, асосий фаолиятдан

– камомад ва нобудгарчилик ҳоллари бўйича моддий жавобгар шахслардан олинган тушунтириш хатларини кўриб чиқади ва тегишли чоралар кўриш бўйича таклифлар беради.

Агар иш ҳажми кўп бўлса, мулклар ва молиявий мажбуриятлар инвентаризациясини бир вақтнинг ўзида ўтказиш учун корхона раҳбарининг буйруғи билан қуйидаги таркибда ишчи инвентаризация комиссияси ташкил этилади:

– инвентаризация ўтказишни тайинлаган корхонанинг вакили (комиссия раиси);

– мутахассислар (товаршунос, муҳандис, технолог, механик, иш юритувчи, иқтисодчи, бухгалтер ва бошқалар).

Ишчи инвентаризация комиссияси қуйидаги вазифаларни бажаради:

– моддий бойликлар ва пул маблағларини сақлаш ва ишлатиш жойларида инвентаризация ўтказиши;

– корхона бухгалтерияси билан бирга инвентаризация натижасини аниқлашда қатнашади ва камомадни ортиқчаси билан қолаш, шунингдек, табиий камайиш нормаси доирасидаги камомадни ҳисобдан чиқариш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

– товар-моддий бойликларни қабул қилиш, сақлаш ва жўнатиш. Уларнинг бутлигини ҳисоби ва назоратини яхшилаш, шунингдек, нормадан ортиқ ва фойдаланилмайдиган моддий қийматликларни сойтиш тўғрисида таклифлар киритади.

Ишчи инвентаризация комиссиясига қуйидаги мажбуриятлар юклатилади:

– корхона раҳбарининг буйруғига биноан инвентаризацияни ўз вақтида ва белгиланган тартибда ўтказиш;

– текширилган асосий воситалар, товар-моддий захиралар, пул маблағлари ва ҳисоб-китоблардаги маблағларни ҳақиқий қолдиқ рўйхатига тўлиқ ва аниқ ёзиш;

– товар-моддий захиралар баҳосини аниқлайдиган белгилар (тип, нав, марка, размер, прейскурант бўйича тартиб номери, артикул ва шу кабилар)ни рўйхатда тўғри кўрсатиш;

– белгиланган тартибга биноан инвентаризация материалларини тўғри ва ўз вақтида расмийлаштириш.

Инвентаризация комиссияси инвентаризациянинг бошланиш вақтига бўлган охириги кирим ва чиқим ҳужжатлари ёки материал ва пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботларни олиши лозим.

Инвентаризация комиссияси раиси «инвентаризациягача _____ (сана)» белгисини қўйиб, ҳисоботга илова қилинган барча кирим ва

чиким хужжатларини имзолайди. Бунда, ўз навбатида, ҳисоб маълумотлари бўйича инвентаризация бошланиш вақтига мулклар бўйича барча кирим ва чиким хужжатлари бухгалтерияга топширилганлиги ёки комиссияга берилганлиги тўғрисида моддий жавобгар шахслар тилхат берадилар.

Инвентаризация бошланишидан олдин комиссия аъзоларига инвентаризацияни қачон бошлаб қачон тугатиш тўғрисида буйруқ топширилади, комиссия раисига эса назорат пломбаси (муҳри) топширилади. Агарда мулк инвентаризацияси бир неча кун давом этадиган бўлса, иш куни тугаши билан моддий бойликлар сақланаётган хонанинг эшиги муҳрланиши керак.

Инвентаризация қилинган моддий бойликлар ва объектлар ҳамда уларнинг миқдори рўйхатда номенклатураси бўйича ва ҳисобда қабул қилинган ўлчов бирлигида кўрсатилади. Бу рўйхат ишчи инвентаризация комиссиясининг барча аъзолари ва моддий жавобгар шахс томонидан имзоланади.

Инвентаризация рўйхатининг охирида комиссия томонидан текшириш моддий жавобгар шахслар иштирокида ўтказилганлиги, комиссия аъзоларига ҳеч қандай даъво йўқлиги ва рўйхатда келтирилган моддий бойликларни сақлашга масъул қабул қилганлиги тўғрисида моддий жавобгар шахслар тилхат ёзиб берадилар.

Ишчи инвентаризация комиссияси ҳар бир турдаги моддий бойликларнинг инвентаризацияси тугагач, инвентаризация далолатномасини тузади. Масалан, «Асосий воситаларни тугалланмаган таъмирининг инвентаризация далолатномаси», «Йўлдаги товарлар ва материаллар инвентаризация далолатномаси» ва бошқалар.

Инвентаризация тугагач, ўтказилган инвентаризация тўғрилигини текшириш учун назорат текшируви ўтказилиши мумкин. Бундай текшириш инвентаризация ўтказилган омбор очилмасдан туриб, инвентаризация комиссияси ва моддий жавобгар шахслар иштирокида ўтказилади. Инвентаризацияларни назорат текширишдан ўтказиш натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади ва ўтказилган инвентаризациянинг тўғрилигини назорат текширишни ҳисобга олиш дафтариди рўйхатга олинади.

Инвентаризация натижасида аниқланган мулкларнинг бухгалтерия маълумотлари билан мавжуд ҳақиқийси орасидаги фарқи куйидагича тартибга солинади:

– ортиқча чиққан асосий воситалар, моддий қийматликлар, пул маблағлари ва бошқа мулклар киримга олиниб, асосий фаолиятдан

олинган бошқа даромадлар (93-ҳисобварақ) кўпайтирилади. Айбдор шахслардан қийматликларнинг ортиқча чиққанлик сабаблари хусусида тушунтириш хатлари олинади;

– қийматликларнинг қонунчилик билан белгиланган норма доирасидаги камомоди корхона раҳбарининг буйруғи билан ишлаб чиқариш, муомала харажатларига ёки молиялаштириш (фондлар)ни камайтиришга ўтказилади;

– моддий қийматликлар, пул маблағлари ва бошқа мулклар камомоди, шунингдек, табиий камайиш нормасидан ортиқча нобудгарчиликлар айбдор шахслардан ундириб олинади. Агар айбдор шахслар аниқланмаса ёки айбдор шахслардан ундириб олиш суд орқали рад этилган бўлса, камомад ва нобудгарчиликлардан кўрилган зарарлар ишлаб чиқариш, муомала харажатларига ёки молиялаштириш (фондлар)ни камайтиришга ўтказилади. Бундай зарарлар келгусида солиққа тортиладиган базага кўшилади.

Дебитор ва кредиторлар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларнинг инвентаризацияси тегишли корхона, ташкилот ва алоҳида шахслар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларни ўзаро текширишдан иборат. Корхонанинг бухгалтерия ҳисоби маълумоти бўйича у ёки бу дебитордан олинadиган қарзлар суммаси қарздор бўлган корхона (алоҳида шахслар)нинг бухгалтерия ҳисобида ёзилган қарзлар суммаси билан солиштирилади.

Ҳисоб-китобларни текшириш учун қарздор ташкилотларга бухгалтерия ходимлари сафарга юборилади ёки хат жўнатилади. Ҳисоб-китобларни текшириш учун юборилган бухгалтерия ходими текшириш якунида далолатнома тузади. Текшириш натижасида дебитор қарзларни ундириб олиш даргумон бўлиб қолиши мумкин (корхона тугатилган бўлиб, қарзнинг кимдан ундирилиши номаълум, дебитор қарзини тан олмаслиги, даъво қилиш муддати тушириб қолдирилиши ва х.к.). Бундай ҳолларда корхона бухгалтериясида умидсиз дебитор қарзлар рўйхати тузилиб, ҳар бир дебитор ва кредиторларнинг рўпасига нима сабабдан қарз реал эмаслиги кўрсатилади.

Бу рўйхат корхонанинг доимий ҳаракатдаги инвентаризация комиссиясига тақдим этилади. Комиссиянинг хулосасидан сўнг даъво қилиш муддати ўтган, шунингдек, суд ундириб олишга қарор қилган, лекин қарздорнинг тўлаш қобилияти йўқлиги туфайли ундириб олиш иложи бўлмаган қарзлар даргумон қарзлар резерви ҳисобидан қопланади.

Ундирилмаган дебитор қарзлар даргумон қарзлар резерви билан қопланганда 4910-«Даргумон қарзлар бўйича резервлар» ҳисобварағи

дебетланиб, дебитор қарзларни ҳисобга олувчи ҳисобварақлар кредитланади. Ушбу бухгалтерия ёзуви 7-ведомост ва 8-журнал-ордерда акс эттирилади. Қарздорнинг тўлаш қобилияти йўқлиги туфайли дебитор қарзлар ҳисобдан чиқарилгани билан улар бекор қилинмайди. Бундай қарзлар 007-«Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ўтказилган қарзи» ҳисобварағининг кирим қисмида беш йил давомида ҳисобга олинади.

Даъво қилиш муддати ичида талаб қилиб олинмаган кредитор қарз суммаси корхонанинг асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлари таркиби (9360-ҳисобварақ)га ўтказилади.

Инвентаризация натижалари доимий ҳаракатдаги инвентаризация комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, аниқланган камомад кимнинг ҳисобидан ундириб олиниши ёки қандай харажатларга ўтказилиши ёхуд аниқланган ортиқча маблағлар қандай киримга олиниши тўғрисида қарор қабул қилади. Доимий ҳаракатдаги инвентаризация комиссиясининг қарори баённома билан расмийлаштирилади ва у корхона раҳбари ёки корхона раҳбари таклифига биноан юқори орган томонидан тасдиқланади.

1.4. Чораклик ва йиллик молиявий ҳисобот

Молиявий ҳисоботлар маълум бир ҳисобот даври ёки маълум бир ҳисобот санаси бўйича тузилади. Бунда бухгалтерия баланси ва ҳисобварақлардаги қолдиқлар бўйича маълумотлар маълум бир санага, молиявий ҳисобот шакллариининг қолганлари эса маълум бир давр учун тузилади.

Молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври 1 январдан 31 декабригача бўлиб, бу давр календарь йил ҳисобланади.

Молиявий ҳисобот қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳолларда календарь йилидан фарқли равишда даврлар бўйича (ой, чорак учун) ҳам тақдим этилиши мумкин.

Молиявий ҳисоботлар учун ҳисобот куни ҳисобот даврининг охириги календарь куни ҳисобланади. Субъектнинг бухгалтерия баланси учун ҳисобот куни 31 декабрь ҳисобланади, молиявий натижалар тўғрисидаги йиллик ҳисобот учун ҳисобот даври 1 январдан 31 декабригача бўлган давр ҳисобланади.

Корхонанинг йиллик молиявий ҳисоботи мулкчилик шаклидан қатъий назар, тўлиқ нусхаларла кунидаги фойдаланувчиларга ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралигача бўлган муддатда тақдим этилиши шарт:

– корхонанинг мулкдори ҳисобланган (давлат мулкани бошқаришга ваколати бўлган органларга, қатнашчиларга, таъсисчиларга) таъсис этиш тўғрисидаги ҳужжатлар асосида;

– давлат солиқ идораларига;

– давлат статистика идораларига;

– қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга.

Молиявий ҳисоботни бошқа фойдаланувчиларга тақдим этиш тартиби мустақил равишда корхона раҳбарияти (унинг мулкдорлари ва таъсисчилари) томонидан тартибга солинади ва корхонанинг ҳисоб сиёсатида кўзда тутилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг йиллик молиявий ҳисоботлари манфаатдор субъектлар: банклар, биржалар, инвесторлар, кредиторлар ва шу қабилар учун ошқора ҳисобланади. Манфаатдор шахслар йиллик молиявий ҳисобот билан танишиш ва нусха кўчириш харажатларини қоплаб, унинг нусхасини олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари, суғурта компаниялари, банклар, фонд ва товар биржалари, инвестиция фондлари ва бошқа молия муассасалари ҳар йили молиявий ҳисоботни ундаги маълумотларнинг тўғрилиги аудитор томонидан тасдиқлангач, ҳисобот тугайдан кейин 1 майдан кечиктирмай эълон қиладилар.

Бундан ташқари, акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботлари газеталар, журналлар ва бюллетенларда ёки қонунчиликда кўзда тутилган муддатларда алоҳида нашрда эълон қилиниши керак.

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш даврийлиги

| Молиявий ҳисобот шакли | Тақдим этишнинг даврийлиги |
|--|----------------------------|
| бухгалтерия баланси – 1-шакл | ҳар чоракда |
| молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот – 2-шакл | ҳар чоракда |
| асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот – 3-шакл | йиллик |
| пул оқими тўғрисида ҳисобот – 4-шакл; | ҳар ярим йилликда |
| Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот – 5-шакл; | йиллик |
| изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар | йиллик |
| тушунтириш хати | |

Чораклик молиявий ҳисобот ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечикмасдан тақдим этилади. Ярим йилликнинг молия-

вий ҳисоботи шу йилнинг 25-июлидан кечикмасдан тақдим этилиши керак.

Бир шаҳарда жойлашган корхоналар томонидан молиявий ҳисоботни тақдим қилиш муддати уни айнан тақдим қилинган кун ҳисобланади, бошқа шаҳардагилар учун эса жўнатилган ва алоқа бўлими муҳри билан белгиланган кун ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш куни дам олиш кунига тўғри келган пайтда, тақдим этиш муддати ундан кейинги биринчи иш кунига кўчирилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги баъзи бир хўжалик субъектлари учун бу хўжалик субъектлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини, улардаги ҳисоб ишининг мураккаб-лигини (шу билан бирга, автоматлаштирилганлик даражасини) ўрғаниб чиққандан кейин чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг бошқа муддатларини белгилайди (1-сон БҲМА, 64-банд). Бунда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, агар хўжалик субъектида ҳисоб иши автоматлаштирилмаётган бўлса ва шу сабабли молиявий ҳисобот юқорида кўрсатилган муддатларда тақдим этилмаётган бўлса, у ҳолда ҳисоботни тақдим этиш муддатини узайтиришни рад этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунининг 7-моддасига мувофиқ, молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши, ишончлилиги ва ўз вақтида топширилиши учун жавобгарлик бухгалтерия ҳисобини ташкил қилувчи хўжалик субъекти раҳбарининг зиммасига юклатилади.

II боб. БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ

2.1. Бухгалтерия баланси ва унга қўйиладиган талаблар

Бухгалтерия баланси молиявий ҳисоботнинг асосий шакллари-дан бири ҳисобланади. У корхона маблағларини гуруҳлаш ва таркибини пул баҳосида акс эттириш ҳамда пул маблағларини, уларни ҳосил этиш манбаларини муайян санага жойлаштириш усулидан иборат.

«**Баланс**» атамаси лотинча *bis* - икки марта, *banx* - тарози палласи сўзларидан таркиб топган бўлиб, том маънода «икки палла» деган маънони англатади ва тенглик, мувозанат тушунчаси сифатида ишлатилади.

Бухгалтерия балансининг ҳар хил турлари мавжуд бўлиб, улар куйидаги белгилари бўйича таснифланади:

- тузилиш вақтига кўра;
- ахборот ҳажмига кўра;
- мулкчилик шаклига кўра;
- акс эттириш объектига кўра;
- тозалаш усулига кўра.

Тузилиш вақтига кўра бухгалтерия баланслари кириш, жорий, тугатиш, бўлиш ва бирлаштириш балансларига бўлинади.

Кириш баланс корхонанинг ташкил топиш пайтида тузилади. У корхона ўз фаолиятини бошлаётган бойликлар суммасини белгилайди. Кириш балансида устав капитали таъсис ҳужжатлари бўйича ва унга доир бадаллар пул маблағлари, бошқа мол-мулк кўринишидан, ақлий мулк номоддий активлар кўринишида акс эттирилади ва ҳоказо.

Жорий баланслар корхона қонунчилик билан белгиланган муддатда мавжуд бўлган вақт мобайнида вақти-вақти билан тузилиб турилади.

Тугатиш баланси корхона фаолиятини тугатиш санасида мол-мулк ва унинг манбалари ҳолатини тавсифлаш учун тузилади. Тугатиш баланси асосида тугатиш комиссияси корхонанинг тугатилиш пайтидаги кредиторлик ва дебиторлик қарзлари суммасини белгилайди, сўнгра кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилади, кейин корхонани ташкил этиш чоғида муассислар томонидан устав капиталига киритилган бадалларни қайтаради. Сўнгра корхона мол-мулкнинг қолганини унинг муассислари ўртасида тақсимлайди, яъни барча узил-кесил ҳисоб-китобларни амалга оширади.

Тугатиш балансида хўжалик субъектининг активлари тугатиш комиссияси баҳосида, яъни улар сотилиши мумкин бўлган баҳода акс эттирилади. Олиниши умидсиз қарзлар ва зарарлар тугатиш балансига киритилмайди.

Бўлиш баланслари йирик корхонанинг бир неча майда корхоналарга бўлиниш вақтига ёки шу корхонанинг бир ёхуд бир неча таркибий бўлинмасини бошқа корхонага бериш вақтига тузилади. Баъзи ҳолларда бу баланс бериш баланси деб ҳам юритилади.

Бирлаштириш баланси бир неча корхоналар битта балансга бирлашганида тузилади.

Ахборот ҳажми бўйича баланслар бир марталик ва йиғма балансларга бўлинади.

Бир марталик баланс фақат битта корхона бўйича жорий ҳисоб асосида тузилади.

Йиғма баланс бир марталик баланслар асосида тузилади ва бирлашмалар (вазирликлар, фирмалар, акциядорлик жамиятлари ва шу қабилар)нинг хўжалик маблағларини акс эттиради.

Мулкчилик шаклига кўра давлат, кооператив, ўз, аралаш ва қўшма корхоналар, шунингдек, жамоат ташкилотлари баланслари фарқ қилади,

Акс эттириш объектига кўра баланслар мустақил ва алоҳида балансга ажратилади.

Мустақил балансни юридик шахс бўлган корхоналар тузади.

Алоҳида балансни корхонанинг таркибий бўлинмалари (филиаллар, цехлар, корхонанинг автотранспорт ва турар-жой ҳамда коммунал хўжаликлари) тузади.

Тозалаш усулига кўра баланслар брутто-баланс ва нетто-балансларга бўлинади.

Брутто-баланс – тартибга солувчи моддаларни ўз ичига олувчи балансдир. Воситаларнинг ҳақиқий қийматини (таннархи ёки қолдиқ қийматини) аниқлашда суммаларни бошқа моддалар суммаларидан чегириладиган моддаларни тартибга солувчи моддалар дейилади. Масалан, «Асосий воситалар» суммасидан «Асосий воситаларнинг эскириши» тартибга солувчи модда суммаси чегирилади. Брутто-балансда ана шу тартибга солувчи моддалар суммаси баланс якуний қийматида киритилади.

Нетто-баланс – қийматидан тартибга солувчи моддалар суммаси чегирилган баланс. Ўзбекистондаги барча корхоналар нетто-баланс тузади, яъни баланс якунига асосий воситалар, номоддий актив-

лар қолдиқ қийматда, қайта сотиладиган товарлар эса таннархи бўйича киритилади.

Балансга қўйиладиган асосий талаблар қуйидагилардир:

- баланснинг тўғрилиги;
- баланснинг реаллиги;
- баланснинг яхлитлиги;
- баланснинг изчиллиги;
- баланснинг тушунарлилиги,

Баланснинг тўғрилиги балансни тузишда асосланилган ҳужжатларнинг тўлалиги ва сифати билан таъминланади. Агар ҳисобот даврида хўжалиқ фаолиятининг барча муомалалари ўз вақтида ҳужжатли расмийлаштирилмаган ёки нотўғри расмийлаштирилган бўлса, унда баланс корхона ишининг ҳақиқий яқунини акс эттирмайди. Бухгалтерия балансининг ҳар бир моддаси ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисобварақларидаги ёзувлар, бухгалтерия ҳисоб-китоблари ва инвентарлаш билан тасдиқланган бўлиши керак. Бухгалтерия баланси маълумотларини қасддан бузиш – **ниқоблаш** дейилади. Балансни ниқоблаш қонда бузилишларини яшириш мақсадида атайин ва балансни тузиш бўйича айрим қондалардан беҳабарлик оқибатида, билмасдан қилинган бўлиши керак.

Баланснинг реаллиги моддалар баҳосининг объектив воқеликка мувофиқ келишини англатади. Баланснинг «тўғрилиги» ва «реаллиги» тушунчаларини бир-бирига аралаштирмаслик керак. Баланс тўғри, аммо нореал бўлиши мумкин, яъни баланс маълумотлари ҳужжатлар асосида тузилган бўлади ва ҳақиқий мавжуд маблағларни кўрсатади, аммо унинг айрим моддалари реал ҳолатни, масалан, асосий воситалар – маънавий эскирганлиги, дебиторлик қарзини талаб қилиб олиб бўлмаслиги ва шу кабиларни кўрсатмайди.

Баланснинг яхлитлиги балансни ягона ҳисобга олиш ва баҳолаш тамойиллари бўйича тузилишини, яъни корхонанинг барча таркибий бўлинмаларида ва тармоқларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларининг бир хилдаги мазмуни, уларнинг корреспонденцияси ва шу кабилар қўлланилишини англатади.

Ўзбекистонда баланслар бирлигига эришилган, чунки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2002 йил 7 февралда тасдиқланган бухгалтерия балансининг ягона шакли қабул қилинган ҳисобварақларнинг ягона режаси қўлланилади. Молиявий ҳисоботнинг барча шакллари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи услубияти ва уларни ташкил этиш

бошқармаси ишлаб чиққан «Корхоналар чораклик ва йиллик молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш бўйича кўрсатмалар» асосида тузилади.

Баланснинг изчиллиги ҳар бир кейинги баланс олдинги балансдан келиб чиқиши лозимлигида ифодаланади. Масалан, олдинги йил якуний баланси (йил охирига бўлган маълумотлар) бошланғич баланси бўлиши керак, чунки ҳисобот йили олдинги йилнинг давоми ҳисобланади.

Баланснинг тушунарлилиги унинг балансни тузувчилар ва уни ўқийдиган ҳамда таҳлил қиладиганлар тушуниши учун қулайлигидир. Баланс аниқ ва тушунарли қилиш учун моддалар реквизитлари ва номлари икки тилда (ўзбек ва рус тилида) баён қилинган, унинг шакли анча соддалаштирилган.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига раҳбарлик қилиш учун маълум бир муддатга унинг ихтиёридаги маблағлар, уларнинг ташкил топиш манбалари ҳолати ҳақидаги маълумотлар зарур. Бунинг учун бухгалтерия баланси тузилади.

Бухгалтерия баланси корхона маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари ҳолатини пул шаклида гуруҳлаш ва акс эттириш усулидир.

Бухгалтерия баланси актив ва пассив қисмлардан иборат.

Баланс активда корхона сармоясининг таркиби ва жойлаштирилиши, пассивда эса – активларни ташкил топиш манбалари, яъни ўз сармояси ва мажбуриятлар, бошқа корхона ёки жисмоний шахсларнинг вақтинча жалб қилинган маблағлари кўрсатилади. Актив ва пассив томонларнинг ҳар бир сатрлари баланс моддалари деб аталади. Ҳар бир модда хўжалик маблағи ёки унинг келиб чиқиш манбаи ҳолатини акс эттиради.

Шундай қилиб, бухгалтерия баланси қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

- корхона эгалик қиладиган воситаларни акс эттирувчи активлар;
- корхона тасарруфидаги ўз сармояси;
- кейинчалик белгиланиши бўйича қайтарилиши лозим бўлган активларни сотиб олиш, ҳосил қилиш натижасида юзага келган мажбуриятлар.

Бухгалтерия балансида корхона активлари икки гуруҳда: узоқ муддатли ва айланма активларда акс эттирилади.

Узоқ муддатли активларга асосий воситалар, номоддий активлар, узоқ муддатли инвестициялар, сотиб олинган акциялар ва заём-

лар киритилади. Корхонанинг ишлаши билан бу воситалар ўз қийматини ўзгартирмайди. Масалан, асосий воситалар қиймати қисқа вақт бўлаги мобайнида миқдоран жиддий ўзгармайди ва у фақат уларнинг ишлаш муддати тугашига кўра қопланади.

Жорий активлар, одатда, нақд маблағларни, истеъмолчилар хисобрақамларини ва нақд маблағлар шаклини эгаллаши лозим бўлган захираларни ўз ичига олади. Жорий хўжалик даври мобайнида бу активлар доимо ўзгариши мумкин. Нақд маблағларга айлантирилиши осон бўлган жорий активлар осон реализация қилинадиган активларга киритилади.

Корхона баланси активларини ўрганишда қуйидагиларни аниқлаш мумкин:

- балансни тузиш кунда корхонада қандай воситалар бўлган;
- улар қандай жойлаштирилган;
- уларнинг хўжалик фаолиятидаги роли қандай.

Баланс пассиви маълумотлари асосида қуйидагиларни билиб олиш мумкин:

- маблағлар қайси манбалардан келиб тушганлигини;
- маблағлар кимга тегишли эканлиги (ўзиники ёки жалб қилинган);
- маблағларнинг белгиланган мақсади қандайлиги.

Баланс пассиви ҳам икки бўлимдан иборат:

- ўз маблағлари манбаи;
- мажбуриятлар.

Ўз маблағлари манбаи қаторига устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитал, тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) ва бошқа сатрлар киритилади.

Баланс пассивининг мажбуриятлар бўлимида юридик ва жисмоний шахслардан олинган, вақти келганда қайтарилиши лозим бўлган барча мажбуриятлар кўрсатилади.

Кўриниб турибдики, бухгалтерия балансида муайян санага бўлган хўжалик маблағлари ва уларнинг манбалари акс эттирилган. Баланснинг айрим моддаларини солиштириш учун молиявий ҳисоботда бухгалтерия баланси билан бирга ўзаро боғланган ҳамда бир-бирини тўлдирадиган бир қатор ҳисобот шакллари назарда тутилган.

2.2. Хўжалик муомалалари таъсирида балансда рўй берадиган ўзгаришлар

Хўжалик маблағлари ва унинг манбалари хўжалик жараёнида доимо ҳаракатда бўлади. Содир бўлаётган жараёнларнинг ҳар бири-

ни ўз вақтида ҳисобга олиб бориш зарурдир. Чунки ҳар куни корхонада кўплаб хўжалик муомалалари амалга оширилади, буларнинг таъсирида хўжалик маблағларининг таркиби, жойланиши ва уларнинг ташкил топиш манбалари ўзгариши мумкин. Бу ўзгариш оқибат натижада бухгалтерия балансининг ўзгаришига сабаб бўлади, чунки баланснинг актив ва пассив томонида хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари акс эттирилади. Лекин баланснинг тенглиги сақланиб қолинади. Бу маблағлар ҳолатини баланс усули билан умумлаштиришнинг асосий мазмунини ташкил қилади.

Хўжалик муомалалари натижасида балансда куйидаги ўзгаришлар бўлиши мумкин:

1. Актив томонда кўпайиш, актив томонда камайиш,
2. Пассив томонда кўпайиш, пассив томонда камайиш;
3. Актив томонда кўпайиш, пассив томонда кўпайиш;
4. Актив томонда камайиш, пассив томонда камайиш.

Балансда рўй берадиган ўзгаришлар актив ва пассив қисмларнинг тенглигини сақлайди. Чунки ҳар бир хўжалик муомаласи икки ёқлама ёзув асосида – бир ҳисобварақнинг дебитида, иккинчи ҳисобварақнинг кредитида акс эттирилади.

Хўжалик муомалалари натижасида баланс моддаларидаги маблағлар ва уларнинг манбаларининг ўзгаришини куйидаги мисолда кўриб чиқамиз.

Биринчи муомала. Корхона кассасидаги пул ҳисоб-китоб счётига ўтказилди – 500 сўм.

Иккинчи муомала. Тақсимланмаган фойда ҳисобидан резерв фондига ажратма қилинди – 200 сўм.

Учинчи муомала. Мол етказиб берувчилардан материаллар сотиб олинди, лекин пули тўланмаган – 3000 сўм.

Тўртинчи муомала. Ҳисоб-китоб счётидан аввал банкдан олинган узоқ муддатли кредит қайтарилди – 600 сўм.

Бу ўзгаришлар балансида қуйидагича акс эттирилади:

| Моддалар | Ўзгариш-гача бўлган сумма | Ўзгариш +/- | Ўзгариш-дан кейинги сумма | Моддалар | Ўзгариш-гача бўлган сумма | Ўзгариш +/- | Ўзгариш-дан кейинги сумма |
|-----------------------------|---------------------------|--------------|---------------------------|-------------------------------------|---------------------------|-------------|---------------------------|
| 1. Асосий воситалар | 10000 | - | 10000 | 1. Устав капитали | 12000 | - | 12000 |
| 2. Ишлаб чиқариш захиралари | 4000 | +3000 | 7000 | 2. Резерв капитали | 2000 | +200 | 2200 |
| 2. Тайёр маҳсулот | 800 | - | 800 | 3. Таксимланмаган фойда | 500 | -200 | 300 |
| 4. Касса | 600 | -500 | 100 | 4. Узок муддатли кредитлар | 600 | -600 | - |
| 5. Ҳисоб-китоб счёти | 2000 | +500 -600 | 1900 | 1. Мол етказиб берувчиларга қарзлар | 2300 | +3000 | 5300 |
| Баланс | 17400 | +2400 | 19800 | Баланс | 17400 | +2400 | 19800 |

Демак, ҳар қандай хўжалик муомаласи балансида кўрсатилган 4 хил ўзгаришдан бирига сабаб бўлади. Ҳар бир хўжалик муомаласи балансида иккита бир-бирига тенг ўзгариш содир қилади, бу нарса хўжалик маблағларининг айланишидаги хусусиятидан келиб чиқади. Чунки ишлаб чиқариш жараёнида икки томонлама ўзгариш, яъни ўзгаришлар ёки хўжалик маблағларида ёки унинг манбаларида ёхуд бир вақтнинг ўзида ҳам маблағда, ҳам манбада содир бўлади. Лекин ҳар қандай хўжалик муомаласидан кейин ҳам балансининг актив ва пасив томонларининг жами суммасидаги тенглик сақланиб қолиши керак.

2.3. Бухгалтерия балансини тузиш ва тўлдириш тартиби

Корхона баланси моддалари пухта ўтказилган активлар ва пасивлар инвентаризацияси билан асосланиши керак. Инвентаризация Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1999 йил 19 октябрда ЭГ/17-19-2075-сон билан тасдиқлаган «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» – Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоб миллий стандарти (19-сон БЎМС) (рўйхат рақами 833, 1999 йил ноябрь) билан белгиланган тартибда ўтказилади. Бунда йиллик

лиявий ҳисоботни тақдим этишга қадар доимий фаолият кўрсатадиган инвентаризация комиссиялари инвентаризация давомида аниқланган, бойликларнинг ҳақиқатда мавжудлиги билан бухгалтерия ҳисоби маълумотларидаги тафовутларни тартибга солиши керак. Шунингдек, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари инвентаризация қилиниши керак, у солиштириш далолатномалари ёки ўзаро ҳисоб-китоблар сальдосини тасдиқлаш хатлари билан расмийлаштирилади. Ўтказилган инвентаризациялар сони ва натижалари, шунингдек, уларни ўтказмаслик сабаблари йиллик молиявий ҳисоботга илова қилинадиган тушунтириш хатида акс эттирилади.

Молиявий ҳисобот шакллари раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзоланади, имзолар муҳр билан тасдиқланади.

Молиявий ҳисоботда тузатиш ва ўчиришлар бўлмаслиги керак. Хатолар тузатилган тақдирда тегишли таъкидлар қилинади, молиявий ҳисоботга имзо чеккан шахслар тузатиш санасини кўрсатган ҳолда уларни тасдиқлайдилар.

Жорий ва ўтган йиллардаги ҳисобот маълумотларини тузатишлар (улар тасдиқланганидан кейин) унинг маълумотлари бузилиши аниқланган ҳисобот даври учун тузилган ҳисоботда амалга оширилади, бунда тузатишлар ҳисобот даври (чорак, йил бошидан) учун маълумотларга киритилади.

Йиллик молиявий ҳисоботни текшириш давомида ишлаб чиқариш харажатларига (ёки муомала чиқимларига) у билан боғлиқ бўлмаган харажатларни киритиш натижасида даромадларни яшириш ёки молиявий натижаларни пасайтириш ҳоллари аниқланганда ўтган йил учун бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботга тузатишлар киритилмайди, балки ҳисобот даврида аниқланган ўтган йиллар фойдаси сифатида жорий йилда акс эттирилади.

Бухгалтерия балансини (бундан кейин - баланс) тузишга қадар таҳлилий ҳисобварақлар бўйича оборотлар ва қолдиқлар ҳисобот даври охирида Бош дафтар ҳисобварақлари бўйича оборотлар ва қолдиқлар билан солиштирилиши керак.

3-устунда баланс бўйича йил бошидаги маълумотлар, яъни аввалги йил учун йиллик молиявий ҳисобот баланси 4-устунининг маълумотлари кўрсатилади.

Йил боши ва охиридаги баланс маълумотларини таққослаб олиш учун тасдиқланган баланс моддалари номенклатураси йил охиридаги баланс учун белгиланган улардаги бўлимлар ва моддаларнинг номенклатураси ва гуруҳланишига мувофиқлаштирилиши керак.

«Асосий воситалар» моддаси бўйича (010-сатр) амалдаги ва консервациядаги асосий воситаларга доир маълумотлар кўрсатилади.

Мол-мулкни асосий воситалар таркибига киритишни бухгалтерия Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1998 йил 7 сентябрда 46-сон билан тасдиқлаган «Асосий воситалар» Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (5-сон БҲМС)га (рўйхат рақами 491, 1998 йил 23 сентябрь, «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси», 1999 йил, 6-сон) га биноан ва паспорт ҳамда тавсифлар, фойдаланиш бўйича йўриқномалар ва уларни харид қилиш чоғида олинган бошқа техник ҳужжатларга асосан амалга оширади.

Ушбу модда бўйича ерларни яхшилаш (мелиоратив, қуритиш, ирригацион ва бошқа ишлар)га капитал қўйилмалар ҳам акс эттирилади. Корхона томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ мулк сифатида харид қилинган ер участкалари ушбу модда бўйича харидга доир ҳақиқатдаги харажатлар ҳажмида кўрсатилади.

Ушбу модда бўйича асосий воситаларга тааллуқли, «Узоқ муддатга ижарага олинадиган асосий воситалар» ҳисобварағида ҳисобга олинган узоқ муддатга ижарага олинадиган бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа объектлар ҳам акс эттирилади.

Алоҳида модда бўйича (011-сатр) корхона томонидан «Асосий воситалар» ва «Узоқ муддатга ижарага олинадиган асосий воситалар» ҳисобварақларида ҳисобга олинган асосий воситалар бўйича эскиришнинг ҳисоблаб ёзилган суммаси келтирилади. Асосий воситалар бўйича амортизация Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 7 сентябрда 46-сон билан тасдиқлаган «Асосий воситалар» Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (5-сон БҲМС) (рўйхат рақами 491, 1998 йил 23 сентябрь, «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси», 1999 йил, 6-сон)да назарда тутилган белгиланган меъёрлар ва усуллар бўйича ҳисоблаб ёзилади.

«Номоддий активлар» моддаси бўйича (020-сатр) корхонанинг узоқ давр давомида хўжалик фаолиятида ишлатиладиган ва даромад келтирадиган номоддий объектларга, табиий ресурслар, ер участкалари, патентлар, лицензиялар, интеллектуал мулк, ташкилий харажатлардан фойдаланиш ҳуқуқига доир сарф-харажатлари кўрсатилади. Номоддий активларни корхона муассислари (мулкдорлари) корхона

нинг устав сармоясига улушлар ҳисобига киритишлари, шунингдек, корхона томонидан унинг фаолият жараёнида харид қилиниши мумкин.

Мазкур модда бўйича номоддий активлар қиймати дастлабки ва қолдиқ баҳоларда алоҳида кўрсатилади, шунингдек, ҳисоблаб ёзилган эскириш суммаси қайд этилади. Номоддий активлар эскириши ман-субликка боғлиқ ҳолда ҳар ойда таннархга ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1998 йил 12 октябрда 49-сон билан тасдиқ-лаган «Номоддий активлар», Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (7-сон БҲМС) (рўйхат рақами 506, 1998 йил 20 октябрь, «Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қў-миталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси» 1999 йил, 6-сон)да назарда тутилган қўлланиладиган усулларга би-ноан корхона томонидан ҳисоб-китоб қилинган меъёрлар бўйича давр харажатларига киритилади. Ишлатилиш муддатини белгилаш мумкин бўлмаган номоддий активлар бўйича эскириш меъёрлари беш йил ҳисобидан (лекин корхонанинг фаолият кўрсатиш муддатидан кўп эмас) белгиланади.

«Номоддий активлар» моддаси бўйича ҳисобот даврида қилин-ган ҳисобдан чиқаришларни чегирган ҳолда «Гудвилл (фирма нар-хи)» суммаси ҳам акс эттирилади. Бухгалтерия ҳисобида «Гудвилл (фирма нархи)» номоддий активининг суммасини ҳисобдан чиқариш, амортизацияни алоҳида ҳисобварақда жамламасдан, бевосита «Но-моддий активлар» ҳисобварағи сальдосини камайтиришга, «Гудвилл (фирма нархи)» илова ҳисобварағига қайд этилади.

«Гудвилл (фирма нархи)» бухгалтерия ҳисобини юритиш тарти-би Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1998 йил 12 октябрда 49-сон билан тасдиқлаган «Номоддий активлар», Ўзбекистон Респуб-ликаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (7-сон БҲМС) (рўйхат рақами 506, 1998 йил 20 октябрь, «Ўзбекистон Республикаси вазир-ликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси», 1999 йил, 6-сон)га мувофиқ амалга оширилади.

«Капитал кўйилмалар» моддаси бўйича (030-сатр) хўжалик ва пудрат усуллари билан амалга ошириладиган тугалланмаган кури-лишнинг қиймати кўрсатилади.

Ушбу модда бўйича асосий подани шакллантириш бўйича, гео-логия-қидирув ишлари харажатлари, шунингдек, корхоналар томони-дан ана шу мақсадлар учун берилган бўнақлар ва бўнақ кўринишида вақтинча фойдаланишга доир маблағлар суммалари акс эттирилади.

Ушбу модда бўйича ўрнатиладиган ва корхона оғборларида бўлган ускуналар захиралари ҳақиқий қиймати бўйича акс эттирилади.

«Шўъба хўжалик жамиятларидаги акциялар» моддаси бўйича (040-сатр) шўъба хўжалик жамиятлари акцияларига қўйилган, тахлилий тарзда «Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар» ҳисобварағида («Пай ва акциялар» илова ҳисобварағи) ҳисобга олинadиган маблағлар суммаси кўрсатилади.

«Шўъба хўжалик жамиятларига берилган қарзлар» моддаси бўйича (050-сатр) шўъба хўжалик жамиятларига берилган, «Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар» ҳисобварағида («Берилган қарзлар» илова ҳисобварағи) ҳисобга олинadиган қарзлар суммаси акс эттирилади,

«Тобе хўжалик жамиятларидаги акциялар» моддаси бўйича (060-сатр) тобе хўжалик жамиятлари акцияларига қўйилган, тахлилий тарзда «Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар» ҳисобварағида («Пай ва акциялар» илова ҳисобварағи) ҳисобга олинadиган маблағлар суммаси кўрсатилади.

«Тобе хўжалик жамиятларига қарзлар» моддаси бўйича (070-сатр) тобе хўжалик жамиятларига берилган, «Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар» ҳисобварағида («Берилган қарзлар» илова ҳисобварағи) ҳисобга олинadиган қарзлар суммаси акс эттирилади.

«Узоқ муддатли инвестициялар» моддаси бўйича (080-сатр) корхонанинг давлат даромадли активлари (қимматли қоғозлар – акциялар, облигациялар)га, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида ташкил этилган бошқа корхоналарнинг (шўъба ва тобе хўжалик жамиятларидан ташқари) устав фондларига ва ҳоказоларга узоқ муддатли (бир йилдан ортиқ муддатга) инвестициялари, корхона томонидан бошқа корхоналарга берилган қарзлардан ташқари кўрсатилади.

Молиявий қўйилмалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақиқий харажатлар суммасида ҳисобга олинади.

Тўлиқ тўланмаган акция ва пайлар баланс активида уларнинг тўлиқ харид қийматида кўрсатилади, инвестор дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўлган ва ушбу қўйилмалар учун тўлиқ жавобгар бўлган ҳолларда кредиторлар моддаси бўйича сўндирилмаган сумма баланс пассивида киритилади. Қолган ҳолларда харид қилинадиган акция ва пайлар ҳисобига киритилган суммалар баланс активида дебиторлар моддаси бўйича кўрсатилади.

«Бошқа қарзлар» моддаси бўйича (090-сатр) юқорида саналган моддаларда ҳисобга олинмаган ва «Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар» ҳисобварағида ҳисобга олинмаган узоқ муддатли қарзлар суммалари кўрсатилади.

«Бошқа активлар» моддаси бўйича (100-сатр) олдинги моддаларда саналмаган бошқа узоқ муддатли маблағлар ва қўйилмалар кўрсатилади. Хусусан, мазкур модда бўйича ижарага берувчи корхона узоқ муддатли ижарага берилган, «Тушумга доир ижара мажбуриятлари» ҳисобварағида қайд қилинган асосий воситалар бўйича қарз қолдиғини кўрсатади.

«I бўлим бўйича жами» моддаси бўйича (110-сатр) сатрлар бўйича сумма кўрсатилади: 012-сатр+022-сатр+030-сатр+040-сатр+050-сатр+060-сатр+070-сатр+080-сатр+090-сатр+100-сатр.

Баланс активининг «Жорий активлар» деган II бўлимида корхона жорий активларининг суммаси кўрсатилади.

«Ишлаб чиқариш захиралари» моддаси бўйича (120-сатр) хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, қайтарма чиқиндилар, ёқилғи, харид қилинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, идишлар ва «Материаллар» ҳисобварағида ҳисобга олинмаган бошқа моддий бойликларнинг ҳақиқий таннархи, арзон ва тез эскирувчан буюмлар, шу жумладан, махсус асбоблар ва махсус мосламалар, махсус пойабзал ва чойшаб-ёстиклар, ёзув-чизув анжомлари ва овлаш қуроллари (траллар, ёйма тўрлар, тўрлар, матраслар ва хоказо) хизмат муддатидан қатъи назар, шунингдек, бир йилдан кам муддат фойдаланиладиган алмаштириладиган ускуналар кўрсатилади.

«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» ва «Материаллар қийматида тафовутлар» ҳисобварақларидан ишлаб чиқариш захиралари, арзон ва тез эскирувчан буюмлар ҳисобини юритиш учун фойдаланилганда кўрсатилган бойликлар «Ишлаб чиқариш захиралари» моддаси бўйича акс эттирилади.

«Тугалланмаган ишлаб чиқариш» моддаси бўйича (130-сатр) ҳисоби корхоналар молия-ҳўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасининг «Ишлаб чиқариш харажатлари» бўлими бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида амалга ошириладиган тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тугалланмаган ишлар (хизматлар)га доир харажатлар кўрсатилади. Бунда тугалланмаган ишлаб чиқариш корхона томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби

ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» (ЎзР ВМ ҚТ, 1999 йил, 2-сон, 9-модда), маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги тармоқ йўриқ-номаларига мувофиқ қабул қилинган баҳо бўйича акс эттирилади.

Жорий йилда буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни мустақил аҳамиятга эга бўлган, ишларнинг тугалланган босқичлари учун тузилган шартномаларга мувофиқ амалга оширадиган корхоналар (қурилиш, илмий, геологияда банд бўлган) мазкур модда бўйича 36-«Тугалланмаган ишлар бўйича бажарилган босқичлар» ҳисобварағида ҳисобга олинадиган, буюртмачи томонидан белгиланган босқичларнинг қийматини акс эттирадилар. Бунда буюртмачи ўз балансига фақат тўлиқ тайёр маҳсулотни қайд этади.

Мазкур модда бўйича қишлоқ хўжалигининг тугалланмаган ишлаб чиқаришига доир харажатлар, улар ишлаб чиқариш қийматини чегирган ҳолда акс эттирилади, асосий воситаларни таъмирлаш бўйича ҳисобот даврининг охирига келиб тугалланмаган иш харажатлари ҳам кўрсатилади.

«Тайёр маҳсулот» моддаси бўйича (140-сатр) буюртмачилар билан тузилган шартноманинг шартларига кўра синовдан ўтган ва қабул қилинган, барча қисмлар билан бутланган ҳамда техник шартлар ва стандартларга мувофиқ келадиган, ишлаб чиқарилиши тугалланган буюмлар қолдигининг ҳақиқатдаги ишлаб чиқариш таннархи кўрсатилади. Кўрсатилган талабларга жавоб бермайдиган маҳсулот ва топширилмаган ишлар тугалланмаган ҳисобланади ҳамда тугалланмаган ишлаб чиқариш таркибида кўрсатилади.

«Қайта сотиш учун товарлар» моддаси бўйича (150-сатр) ўз фаолиятини савдо ва умумий овқатланишда амалга оширадиган корхоналар харид қиладиган товарлар қолдигининг қиймати кўрсатилади. Бунда умумий овқатланиш корхонаси ушбу модда бўйича ошхона ва омборхоналардаги хом ашё қолдиқлари, буфетлардаги товарлар қолдиқларини ҳам акс эттиради.

Ушбу модда бўйича саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналари сотиш учун маҳсус харид қилинган буюмлар, материаллар, озик-овқат маҳсулотларини, шунингдек, саноат корхонасида бутлаш учун харид қилинадиган, ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархига киритилмайдиган ва харидорларга алоҳида қайтариладиган тайёр буюмлар қиймати кўрсатилади.

Мазкур модда бўйича чакана савдо корхоналари товарларнинг харид кийматини кўрсатадилар, яъни товарларнинг сотилиш кийматидан савдо устамаси суммаси олиб ташланади.

«Бўлғуси даврлар харажатлари» моддаси бўйича (160-сатр) ҳисобот йилида қилинган, лекин улар тааллуқли бўлган муддат давомида харажатларга киритиш йўли билан кейинги ҳисобот даврларида сўндирилиши керак бўлган харажатлар суммаси кўрсатилади. Бундай харажатларга, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларига обуна харажатлари, олдиндан тўланган ижара тўлови, манфий курс фарқи ва ҳоказолар кирази.

«Пул маблағлари» моддаси бўйича (170-сатр) корхонанинг «Ҳисоб-китоб варағи», «Банклардаги махсус ҳисобварақлар», «Пул ҳужжатлари», «Йўлдаги ўтказмалар» ҳисобварақларида ҳисобга олинган пул маблағлари қолдиғи сўмларда кўрсатилади. Баланснинг ушбу моддасида акс эттирилган суммалар банк кўчирмаларига мувофиқ келиши керак.

«Валюта маблағлари» моддаси бўйича (180-сатр) корхонанинг банклардаги валюта ҳисобварақлари ва корхонанинг валюта кассасида бўлган, ҳисобот даврининг охири санасида Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки курси бўйича миллий валютада баҳоланган валюта маблағлари қолдиғини кўрсатади.

«Кассадаги пул маблағлари» моддаси бўйича (190-сатр) ҳисобот даврининг охири санасида корхона кассаларида бўлган, миллий валютадаги пул маблағларининг қолдиғи кўрсатилади.

«Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар» моддаси бўйича (200-сатр) корхоналарга қисқа муддатли (бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга) молиявий қўйилмалар (инвестициялар), бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозлари, давлат ва маҳаллий заёмларнинг фойзли облигациялари ва ҳоказолар, шунингдек, корхона томонидан бошқа корхоналарга берилган қарзлар кўрсатилади.

«Сотиб олинган ўз акциялари» моддаси бўйича (210-сатр) корхона томонидан чиқарилган ва кейин тарқатиш учун чиқарилган кундан бошлаб бир йил давомида корхонада бўлган сотиб олинган ўз акцияларининг суммаси кўрсатилади. Сотиб олинган ўз акциялари «Пул ҳужжатлари» ҳисобварағида ҳисобга олинади.

«Дебиторлар, жами» моддаси бўйича (220-сатр) 230-сатр+240-сатр+250-сатр+260-сатр+270-сатр+280-сатр+290-сатр+300-сатрлар йиғиндиси кўрсатилади.

221-сатрда маълумот учун ҳисобот давридаги муддати кечиктирилган дебиторлик қарзи кўрсатилади.

«Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар» моддаси бўйича (230-сатр) улар учун корхонанинг ҳисоб-китоб варағига (ёки бошқа ҳисобварағига) тўловлар келиб тушиши йўли билан ушбу қарзни сўндириш пайтига қадар буюртмачилар (харидорлар)га сотилган маҳсулот, товарлар, топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун қарз кўрсатилади.

«Бўнак тўловлари» моддасида (240-сатр) бўлажак ҳисоб-китоблар бўйича бошқа корхоналарга тўланган бўнаклар суммаси кўрсатилади. Берилган бўнаклар ҳисоби «Берилган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар» ҳисобварағида юритилади.

«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» моддаси бўйича (250-сатр) солиқлар, йиғимлар ва бюджетга бошқа тўловларга доир ортиқча тўловни қўшганда молия ва солиқ органларининг қарзи кўрсатилади. Ушбу модда бўйича умумбелгиланган тартибда ҳисобга олинган қўшилган қиймат солиғининг суммаси ҳам кўрсатилади.

«Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар» моддасида (260-сатр) корхона ходимларининг ушбу корхона маблағлари ёки банк кредити ҳисобига уларга берилган ссудалар ва қарзлар корхонага етказилган моддий зарарни қоплаш ва ҳоказо қарзлари кўрсатилади. Хусусан, ушбу модда бўйича яқка тартибдаги ва кооператив уй-жой қурилишига ёки боғ уйчаларини харид қилиш ва боғ участкаларини ободонлаштириш учун ссудалар, уй-жой шароитини яхшилаш ёки уй-рўзғор анжомларини сотиб олишга ёш оилаларга бериладиган фойсиз ссудалар ва ҳоказо ссудалар акс эттирилади.

Баланс активи ва пасивида «Шўба ва тобе хўжалик жамиятлари билан ҳисоб-китоблар» моддаси бўйича (270-сатр ва 520-сатр) ҳисоби «Шўба корхоналар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағид юритиладиган, шўба ва (ёки) тобе хўжалик жамиятлари билан жорий операциялар бўйича маълумотлар (баланслараро ҳисоб-китоблар) акс эттирилади. Корхоналарни шўба ва (ёки) тобе корхоналарга қиритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 68-ва 68-моддалари билан белгиланади. Шўба ва (ёки) тобе хўжалик жамиятларига инвестицияларнинг ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1998 йил 14 октябрда 50-сон билан тасдиқлаган «Консолидацияланган молиявий ҳисоботлар ва шўба хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби» Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (8-сон БҲМС) (рўйхат рақами 580, 1998 йил 28 декабрь, «Ўзб

кистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси», 1999 йил, 6-сон)га биноан бош жамиятнинг алоҳида молиявий ҳисоботига консолидацияланиши керак.

Баланс активи ва пассивида «Ички хўжалик ҳисоб-китоблари» моддаси бўйича (280-сатр ва 530-сатр) уларнинг ўзаро ҳисоб-китоблари ҳисоби «Ички хўжалик ҳисоб-китоблари» ҳисобварағида юритиладиган, ваколатхоналар, филиаллар ва юридик шахс ҳисобланмаган бошқа алоҳида бўлинмалар билан жорий операциялар бўйича маълумотлар акс эттирилади.

«Муассислар билан ҳисоб-китоблар» моддаси бўйича (290-сатр) муассисларнинг «Муассислар билан ҳисоб-китоблар» ҳисобварағининг «Устав сармоясига (фондига) улушлар бўйича муассислар билан ҳисоб-китоблар» илова ҳисобварағида ҳисобга олинадиган устав сармоясига улушлар бўйича қарзлари кўрсатилади.

«Бошқа дебиторларнинг қарзи» моддаси бўйича (300-сатр) ҳисобот берувчи шахсларнинг қарзлари, қабул қилиш чоғида аниқланган товар-моддий бойликлар камомади бўйича мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар борасидаги қарзлар кўрсатилади. Ушбу модда бўйича қарздор томонидан тан олинган ёки молиявий-хўжалик фаолиятининг натижаларига киритилган, уларни ундириш тўғрисида суднинг ёки бошқа органнинг қарори олинган жарималар, пеня ва неустойкалар ҳам акс эттирилади.

«II бўлим бўйича жами» моддаси бўйича (310-сатр) 120-сатр+130-сатр+140-сатр+150-сатр+160-сатр+170-сатр+180-сатр+190-сатр+200-сатр+210-сатр+220-сатрлар йиғиндисининг натижаси кўрсатилади.

«Баланс активи бўйича жами» моддаси бўйича (320-сатр) 110-сатр+310-сатрни қўшиш йўли билан олинган активнинг якуний суммаси кўрсатилади.

«Устав сармояси (фонди)» моддаси бўйича (330-сатр) таъсис ҳужжатларида корхона муассислари улушлари (ҳиссалари, номинал қиймат бўйича акциялари, пай бадаллари)нинг жами сифатида рўйхатга олинган устав сармоясининг миқдори кўрсатилади.

«Кўшилган сармоя» моддаси бўйича (340-сатр) акцияларни номинал қийматдан юқори нархларда бирламчи сотиш чоғида олинган эмиссион даромад суммаси кўрсатилади. Кўшилган сармоянинг ҳисоби «Устав сармояси» ҳисобварағининг «Кўшилган сармоя» илова ҳисобварағида юритилади.

Мазкур модда бўйича корхонанинг устав сармоясини шакллантириш чоғида юзага келадиган, таъсис ҳужжатлари рўйхатга олинган санадаги ва маблағлар устав сармоясига ҳақиқатда киритилган санадаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курслари ўртасидаги курс фарқи суммаси ҳам акс эттирилади.

«Захира сармоя» моддаси бўйича (350-сатр) корхона уставига кўра фойда ҳисобига барпо этилган захиралар, пул маблағлари ва корхона мол-мулкни кўпайтирадиган бошқа тушумлардан ташқари мол-мулкни қайта баҳолаш чоғида ҳосил бўладиган инфляцион захиралар суммаси кўрсатилади. Захира сармоянинг ҳисоби «Устав сармояси» ҳисобварағининг «Захира сармоя» илова ҳисобварағида юритилади.

Мазкур модда бўйича божхона тўловлари, солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ имтиёзлари суммалари ҳам акс эттирилади, бунда солиқ солишдан бўшатиб олинadиган маблағлар мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтирилиши шарт бўлиб, улар имтиёзли давр тугаганидан кейин «Мақсадли молиялаш ва тушумлар» ҳисобварағидан «Устав сармояси» ҳисобварағи кредитига, «Захира сармоя» илова ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади.

«Тақсимланмаган фойда (копланмаган зарар)» моддаси бўйича (360-сатр) чораклик ҳисоботларда фойда-нетто, яъни тайёр маҳсулот, ярим тайёр маҳсулотлар, харид қилинган буюмлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар реализациясидан олинган молиявий натижа, шунингдек, операцион даромад ва тушумлар, «Давр харажатлари» ҳисобварағидан ўтказиладиган харажатлар, корхоналарнинг молиявий фаолиятига доир даромад ва харажатлар, тасодифий, мазкур корхона учун типик бўлмаган фойда ва даромадлар акс эттириладиган «Фойда ва зарарлар» ҳисобварағи билан корхона ҳисобот йили давомида солиқлар тўланишини, шунингдек, даромад (фойда) солиғининг пировард ҳисоб-китобига доир солиқ ва маҳаллий йиғимлар суммаларини акс эттирадиган «Ҳисоблаб ёзилган ва тўланган фойда (даромад) солиқлари» ҳисобварағи ўртасидаги фарқ акс эттирилади.

Ҳисобот йили тугаши билан «Ҳисоблаб ёзилган ва тўланган фойда (даромад) солиқлари» ҳисобварағи дебети бўйича ҳисоб олинган суммалар «Фойда ва зарарлар» ҳисобварағи дебетига кўчирилади, «Ҳисоблаб ёзилган ва тўланган фойда (даромад) солиқлари» ҳисобварағи ёпилади ва 1 январга сальдо бўлмайд.

Ҳисобот йилининг соф фойдаси (зарари) унда қоладиган «Фойда ва зарарлар» ҳисобварағи сальдони «Тақсимланмаган фойда (копла

маган зарар)» ҳисобварағининг дебетига (зарар) ёки кредитига (соф фойда) ўтказиш йўли билан ёпилади.

Йиллик ҳисоботда «Таксимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» ҳисобварағи кредитига кўчирилган фойда 360-сатр бўйича ҳам кўрсатилади. Бунда, агар ушбу ҳисобварақда (алоҳида илова ҳисобварағида) илгари ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси қолдиғи бўлса, ҳисобот йили учун тақсимланмаган фойданинг қолдиғи кўшилади ва жамланган фойда кўрсатилади.

Агар корхона зарар кўрган бўлса, чорак охирида бу зарар ушбу модда бўйича «минус» белгиси билан кўрсатилади. Шунингдек, «минус» белгиси билан «Ҳисоблаб ёзилган ва тўланган фойда (даромад солиқлари)» ҳисобварағи сальдосининг «Фойда ва зарарлар» ҳисобварағи сальдосидан ошиқ суммаси кўрсатилади.

«Мақсадли молиялаш ва тушумлар» моддаси бўйича (370-сатр) «Мақсадли молиялаш ва тушумлар» ҳисобварағида ҳисобга олинган мақсадли тадбирларни амалга ошириш учун бюджетдан, тармоқ ва тармоқдан ташқари махсус жамғармалар, бошқа корхоналар, жисмоний шахслардан олинган пул маблағларининг қолдиқлари кўрсатилади.

Бўшатиб олинган маблағлардан қонун ҳужжатларига мувофиқ мақсадли фойдаланиш шарти билан божхона бождари, солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан озод этилган корхона ва ташкилотлар мазкур модда бўйича умумбелгиланган тартибда ҳисоблаб ёзилган, лекин бюджетга ўтказилмаган солиқлар суммаларини акс эттирадилар.

Имтиёзли давр тугаганидан кейин солиқ солишдан озод этиш натижасида бўшатиб олинган, «Мақсадли молиялаш ва тушумлар» ҳисобварағи кредити бўйича ҳисобга олинадиган маблағлар суммаси «Устав сармояси» ҳисобварағининг «Захира сармоя» илова ҳисобварағига ҳисобдан чиқарилади.

«Бўлғуси харажатлар ва тўловлар захиралари» моддаси бўйича (380-сатр) харажатларни маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига бир меъёрда киритиш мақсадида асосий воситаларни капитал таъмирлашни амалга ошириш учун корхона томонидан захира қилинган маблағлар кўрсатилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон Қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра (ЎЗР ВМ ҚТ, 1999 йил, 2-сон, 9-мод-

да) капитал таъмирлаш ишларини бажариш учун захира Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг рухсатиға биноан барпо этилади.

«Бўлғуси даврлар даромадлари» моддаси бўйича (390-сатр) ҳисобот йилида олинган, лекин бўлғуси ҳисобот даврларига тааллуқли маблағлар (ижара тўлови ва ҳоказо), шунингдек, амалдаги тартибга мувофиқ «Бўлғуси даврлар даромадлари» ҳисобварағида ҳисобга олинган бошқа суммалар кўрсатилади.

«I бўлим бўйича жами» моддаси бўйича (400-сатр) 320-сатр+330-сатр+340-сатр+350-сатр+360-сатр+370-сатр+380-сатрлар суммаси кўрсатилади.

«Узоқ муддатли қарзлар» моддаси бўйича (410-сатр) бошқа корхоналар ва муассасалардан (банклардан ташқари) олинган узоқ муддатли (сўндириш муддати бир йилдан ортиқ бўлган) қарзлар бўйича қарз суммалари кўрсатилади.

Ана шу модда бўйича ижарачи ижарага берувчилар билан уларга узоқ муддатли ижара шартларида берилган ва улар томонидан «Узоқ муддатга ижарага олинадиган асосий воситалар» ҳисобварағида ҳисобга олинадиган асосий воситалар учун ҳисоб-китоблар ҳолати («Ижара мажбуриятлари» ҳисобварағи бўйича ҳисобга олинган ижарага берувчи олдидаги кредиторлик қарзи)ни акс эттиради.

«Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари» моддаси бўйича (420-сатр) банклар билан келишилган ва улардан олинган узоқ муддатли (сўндириш муддати бир йилдан ортиқ бўлган) кредитлар бўйича қарз суммалари кўрсатилади.

«Қисқа муддатли қарзлар» моддаси бўйича (430-сатр) бошқа корхоналар ва муассасалардан (банклардан ташқари) олинган, «Қисқа муддатли қарзлар» ҳисобварағида ҳисобга олинган қисқа муддатли (сўндириш муддати бир йилдан кам бўлган) қарзлар бўйича қарз суммалари кўрсатилади.

«Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари» моддаси бўйича (440-сатр) банклар билан келишилган, улардан олинган (сўндириш муддати бир йилгача бўлган) кредитлар бўйича қарз суммалари кўрсатилади.

Ана шу моддада ходимлар учун берилган «Ходимлар учун банк кредитлари» ҳисобварағида ҳисобга олинган банк кредитлари акс этирилади ва корхона томонидан яқка тартибдаги уй-жой қурилиши боғ уйчаларини қуриш ва бошқа мақсадлар учун ходимларга ссуда бериш, шунингдек, кредитга сотган товарлари учун савдо ташқи-

лотларига тўлашга олинган банк кредитлари бўйича қарз суммаси кўрсатилади.

«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» моддаси бўйича (450-сатр) «Олинган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар» ҳисоб-варағида ҳисобга олинган бўлғуси ҳисоб-китоблар бўйича чет ташкилотлардан олинган бўнаклар суммаси кўрсатилади.

«Кредиторлар, жами» моддаси бўйича (460-сатр) 470-сатр+480-сатр+490-сатр+500-сатр+510-сатр+520-сатр+530-сатр+540-сатр+550-сатрларни қўшиш билан корхонанинг кредиторлик қарзи суммаси акс эттирилади.

461-сатрда маълумот учун ҳисобот даврида муддати кечиктирилган кредиторлик қарзи кўрсатилади.

«Мол етказиб берувчилар ва пудратчилар» моддаси бўйича (470-сатр) келиб тушган моддий бойликлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчилардан қарзлар суммаси кўрсатилади.

«Бюджет бўйича қарз» моддаси бўйича (480-сатр) бюджетга тўловларнинг барча турлари, шу жумладан жисмоний шахсларнинг даромад солиғи суммаси бўйича қарзлар кўрсатилади.

«Хукумат қарорларига кўра кечиктирилган қарзлар» моддаси бўйича (481-сатр) ҳисоб-китоблар механизмини такомиллаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича хукумат комиссиясининг қарорига кўра бюджетга тўловлар кечиктирилган ва (ёки) улар бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилган бюджетга тўловлар бўйича қарзлар суммаси акс эттирилади.

«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз» моддаси бўйича ҳисоблаб ўзилган, лекин ҳали тўланмаган меҳнатга ҳақ тўлаш суммалари кўрсатилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш ва суғурталаш бўйича ҳисоб-китобларни акс эттирувчи ҳисобварақлар бўйича дебет сальдоси «Бошқа дебиторларнинг қарзлари» моддаси бўйича баланс активида кўрсатилади.

«Мулкий ва шахсий суғурта бўйича қарзлар» моддаси бўйича (500-сатр) корхона ходимларининг мол-мулкни мажбурий ва ихтиёрий суғурталаш ҳамда корхона суғурталовчи бўлган суғуртанинг бошқа турлари бўйича тўловларга доир қарзлар кўрсатилади.

«Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар» моддаси бўйича (510-сатр) корхонанинг давлат мақсадли жамғармалари (Республика йўл жамғармаси, Ўзбекистон Республикасининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Давлат бандликка кўмаклашиш жамғармаси)дан,

шунингдек, конунда белгиланган тартибга мувофиқ Ўзбекистон Ка-саба уюшмалари федерацияси кенгашидан қарзлари кўрсатилади.

Мазкур модда бўйича ҳисоб-китоблар механизмини такомил-лаштириш ва бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича ҳукумат комиссиясининг қарорига кўра давлат мақсадли жамғар-маларига тўловлар кечиктирилган ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш ҳукуки берилган давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзлар суммаси ҳам акс эттирилади.

«Бошқа кредиторлар» моддаси бўйича (540-сатр) корхонанинг кредиторлар гуруҳи бошқа моддалари бўйича ўз аксини топмаган ҳисоб-китоблар бўйича қарзи кўрсатилади.

«II бўлим бўйича жами» моддаси бўйича (550-сатр) 400-сатр+ +410-сатр+420-сатр+430-сатр+440-сатр+450-сатр+460-сатрларни қўшиш натижаси кўрсатилади.

«Баланс пассиви бўйича жами» моддаси бўйича (560-сатр) 400 ва 550-сатрлар бўйича суммалар натижаси сифатида олинган пас-сивнинг якуний суммаси акс эттирилади.

2.4. Бухгалтерия баланси тузилган санадан кейинги хўжалик фаолиятининг назарда тутилмаган ҳолатлари ва юз берадиган ҳодисалар

Бухгалтерия баланси тузилган санадан кейинги хўжалик фаоли-ятининг назарда тутилмаган ҳолатлари ва юз берадиган ҳодисалари 16-сон БҲМСда келтирилган. Ушбу стандарт кутилмаган вазиятларни ҳамда бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин хўжалик фао-лиятида юз берадиган ҳодисаларни ҳисобга олиш ва очиш учун қўл-ланилади.

Кутилмаган вазиятларнинг юз беришига олиб келадиган қуйида-ги ҳолатлар (кўрсаткичлар) 16-сон БҲМС стандартнинг ҳаракат дои-расига кирмайди:

- суғурта компаниясининг ҳаётни суғурта қилиш бўйича берил-ган суғурта полислари юзасидан вужудга келадиган мажбуриятлари;
- лизинг контрактлари бўйича вужудга келадиган мажбурият-лар;
- кутилмаган вазиятлар натижасида олинган фойда (даромад) солиқлари.

16-сон БҲМСда қуйидаги атамалар келтирилган:

Кутилмаган вазият – бу шундай вазиятки, унинг пировард нати-жаси (фойда ёки зарар) келгусида битта ёки бир нечта номуайян ва-

визияларнинг содир бўлиш ҳолати билангина тасдиқланади. Яъни бундай ҳолатда бухгалтерия баланси тузилганидан кейин номуайян вазиятларнинг содир бўлиши натижасида хўжалик субъекти фойда олади ёки зарар кўради.

Бухгалтерия баланси тузилганидан кейин содир бўладиган хўжалик фаолиятидаги ҳодисалар - бу ҳам кўнгилли ҳам кўнгилсиз ҳодисаларки, улар бухгалтерия балансини тузиш санаси билан молиявий ҳисоботни эълон қилиш учун тасдиқлаш санаси ўртасидаги ораликда юз беради.

Бундай ҳодисаларнинг икки тури фарқланади:

– бухгалтерия балансини тузиш санасида мавжуд бўлган ва келгусида юз берадиган ҳодисалар;

– бухгалтерия балансини тузиш санасида (санасидан кейин) мавжуд бўлмаган ва келгусида юз берадиган ҳодисалар.

16-сон БҲМСда "кутилмаган вазиятлар" деганда бухгалтерия балансини тузиш санасидаги муайян вазиятлар тушуниладигани, уларнинг молиявий натижалари келгусида юз берадиган воқеалар оқибатида аниқланади. Бундан вазиятлар молиявий ҳисоботда ҳисоблаш тамойилига мувофиқ акс эттирилади.

Келгусидаги воқеаларга тааллуқли бўлган кутилмаган вазиятлар куйидагича ифодаланиши мумкин:

– миқдори бўйича;

– умумий баён воситаси билан.

Кутилмаган вазиятларнинг оқибатларига ва молиявий таъсирига баҳо бериш хўжалик юритувчи субъект томонидан белгиланади.

Баҳолаш молиявий ҳисоботларни эълон қилиш учун тасдиқлаш пайтида белгиланади.

Кутилмаган зарарлар ҳисоби кутилмаган вазиятлар натижаларига кўра олиб берилди. Агар кутилмаган вазият хўжалик юритувчи субъектнинг зарар кўришга олиб келиши эҳтимоли мавжуд бўлса, бундай зарарни молиявий ҳисоботларда акс эттириш мақсадга мувофиқдир.

Кутилмаган зарар миқдори молиявий ҳисоботда мажбурият сифатида кўриб чиқилиши керак, агар:

– бухгалтерия балансини тузиш санасида келгусидаги воқеалар натижасида ҳар қандай мумкин бўлган қоплаш маблағини ҳисобга қабул қилиш эҳтимоли активлар қийматини пасайтириб юборади, бундай қоплаш маблағлари мажбурият ҳисобланади;

– келгусида кўриладиган зарарлар қийматини (баҳосини) аниқлаш имконияти мавжуд.

Кутилмаган зарарларнинг мавжудлиги молиявий ҳисоботларда очиб берилиши керак, зарар кўриш эҳтимоли кам бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

Ишлаб чиқариш фаолиятида умумий ёки аниқлиги номуайян хатарлар учун ҳисобланган миқдорлар бухгалтерия балансини тузиш санасида кутилмаган вазиятларга тааллуқли эмас ва шу боисдан кутилмаган вазиятлар сифатида кўриб чиқилмайди.

Кутилмаган фойда молиявий ҳисоботларда даромад сифатида кўрсатилмаслиги керак, чунки бу нарса ҳеч қачон олиш мумкин бўлмаган даромаднинг эътироф этилишига олиб келиши мумкин. Бирок фойда олиш эҳтимоли катта бўлган вазиятларда, бундай фойда кутилмаган деб ҳисобланмайди ва уни молиявий ҳисоботда кўрсатиш керак.

Молиявий ҳисоботларда кўрсатиладиган кутилмаган ҳолатлар суммаси молиявий ҳисоботларни эълон қилиш учун тасдиқлаш санасида баҳоланади. Бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин юз берадиган ва активлар қийматини камайтирадиган (шунингдек, мажбуриятларни юзага келтирадиган) ҳодисалар кутилмаган вазиятлар бўйича молиявий ҳисоботларда ҳисобга олиниши керак.

Агар кутилмаган ҳолатларнинг вужудга келиш эҳтимолини ҳосил қиладиган вазият шунга ўхшаш кўплаб вазиятлар билан бир хил бўлса, у ҳолда айрим кутилмаган ҳолатларнинг аҳамиятини акс эттирувчи сумма шундай вазиятлар гуруҳида кўрсатилади. Масалан, сотилган товарлар бўйича кафолатлар, шубҳали дебиторлик қарзлари.

Агар кутилмаган зарар молиявий ҳисоботда кўрсатилмаса, у ҳолда унинг молиявий таъсири моҳияти ва баҳоси молиявий ҳисоботга тушунтириш хатида очиб берилади, зарар кўриш эҳтимоли кам бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Кутилмаган ҳолатларни очиш зарур бўлганда қуйидаги ахборотлар очиб берилиши керак:

- кутилмаган ҳолатларнинг моҳияти;
- келгусидаги натижаларга таъсир этиши мумкин бўлган номуайян воқеалар;
- молиявий таъсирни баҳолаш ёки бундай баҳолашни ўтказиш мумкин эмаслигини исботлаш.

Бухгалтерия балансини тузиш санаси билан молиявий ҳисоботларни эълон қилиш учун тасдиқлаш санаси ўртасида юз берадиган ҳодисалар активларга ва мажбуриятларга тузатишлар киритиш заруратини ёхуд уларни очиш заруратини кўрсатиши мумкин.

Активлар ва пасивлар балансини тузиш санасидан кейин хўжалик фаолиятида юз берган узлуксизлик қондаси барча субъектга ёки унинг бир қисмига нисбатан оқланмаганлигини, яъни субъект банкрот бўлганлигини кўрсатувчи ҳодисалар бўйича тузатилиши керак.

Активлар ва мажбуриятлар бўйича тузатишлар балансни тузиш санасидан кейин юз берган, балансни тузиш санасида миқдорларни аниқлаш учун қўшимча ахборотни таъминлайдиган ҳодисалар бўйича зарурдир. Масалан, балансни тузиш санасидан кейин юз берган миқдорнинг банкротлигини тасдиқлайдиган қарз бўйича зарарларга тузатиш киритиш мумкин; бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин ёнги натижасида асосий ишлаб чиқариш биноси бузилиши ёки бошқа катта корхона сотиб олиш туфайли асосий воситаларнинг баланс қийматида тузатишлар киритиш.

Бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин юз берган хўжалик фаолиятидаги воқеалар шуни кўрсатиши мумкинки, бутун субъект ёки унинг бир қисми ишлаб чиқаришнинг узлуксизлиги қондасига мос келмай қолади. Хўжалик юритувчи субъектнинг баланси молиявий ҳолатни ташхис қилиш натижасида молиявий ҳолат ёмонлашганлигини, яъни ноқобилликни кўрсатади, бунда молиявий ҳисоботни эълон қилиш учун тасдиқлашда узлуксизлик қондасидан фойдаланиш масаласи кўриб чиқилади.

Агар балансни тузиш санасидан кейин юз берган ҳодисалар молиявий ҳисоботни тузиш санасида активлар ва пасивларнинг ҳолатига таъсир ўтказмаган бўлса, бироқ улар шу қадар муҳим бўлса, бундай ахборотни ошкор қилмаслик молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчиларнинг қарорларини таҳлил этиш ва қабул қилишга таъсир этиши мумкин, у ҳолда ана шу ҳодисаларнинг моҳияти молиявий ҳисоботга тушунтириш хатида очиб берилади.

Қутилмаган ҳолатлар солиққа қаршиликнинг молиявий аҳволига ҳамда даврга тааллуқли бўлган, молиявий ҳисоботда акс эттирилган ва балансни тузиш санасидан кейин таклиф этилган ва эълон қилинган дивидендларга таъсир ўтказган тақдирда, молиявий ҳисоботлар тасдиқланганига тузатишлар киритиш керак ёхуд очиб берилиши керак.

Агар бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин юз берган хўжалик фаолиятидаги ҳодисаларни очиш талаб этиладиган бўлса, қуйидаги ахборотлар тақдим этилиши керак:

– операциянинг моҳияти;

– молиявий таъсирга баҳо бериш ва бундай баҳолашни ўтказиб бўлмаслик тўғрисидаги ахборот.

III боб. МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

3.1. Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар ва уни аниқлашнинг услубий масалалари

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш корхоналар фаолиятини тубдан ислох қилиш, уларни юзага келган янги иқтисодий муносабатлар шароитида ривожланишини таъминлаш корхоналарнинг молиявий барқарорлигига узвий боғлиқ. Корхоналарнинг молиявий жиҳатдан барқарор бўлиши уларнинг фаолияти давомида олган фойдасининг тўғри шакллантирилиши билан алоқадордир. Чунки корхоналарда фойда шу ерда ишловчиларнинг моддий таъминланишининг, корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришининг, ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқларини ва янги технологияларни жорий қилиш каби ишларнинг асосий моддий манбаси ҳисобланади. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида фойда кўрсаткичини тўғри аниқлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур даромад ҳисобидан махсус мақсадларга мўлжалланган фондлар, резерв фонди ташкил этилади, капитал қўйилмалар молиялаштирилади ва ижтимоий тадбирлар амалга оширилади.

Турли мулкчиликка асосланган бозор иқтисодиёти шароитида корхона фаолиятининг якуни сифатида молиявий натижалар қаралади.

Ўзбекистон Республикаси “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос”га¹ кўра, молиявий натижалар – хўжалик юритувчи субъектнинг фойда ёки зарар шаклида ифодаланган фаолиятининг пировард иқтисодий якунидир ёки бошқача қилиб айтганда, молиявий натижалар – бу хўжалик юритувчи субъектнинг маълум ҳисобот даврида тадбиркорлик фаолияти жараёнида ўзига қарашли маблағнинг ошиши ёки камайишидир. Бундай фаолият натижаси ҳисобот давридаги барча фойдалар ва зарарларни ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Молиявий натижаларни шакллантириш жараёни халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги корхоналарда ўзига хос хусусиятларга эга. Шундай бўлишига қарамай, иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар фаолияти молиявий натижаларини аниқлашда ягон

¹ “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос” (Ўз. Р. М. В. тасдиқлаган №475, 14. 01. 1998 й, Ўз. Р. АВ да рўйхатга олинган, №17-07/86, 26. 07. 1998 й)

инъанавий усулдан фойдаланилади: даромад – харажатлар = фойда (ёки зарар).

Корхоналар фаолиятининг молиявий натижасини таърифловчи синтетик кўрсаткич бўлиб баланс (ялпи) фойда ва зарар ҳисобланади.

Қонунчилигимизда “Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) таннархи-га қўшиладиган маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг қабул қилиниши фойдани шакллантириш тартибини ўзгартирди.

Ушбу низомнинг аҳамияти берадиган қатъий ҳисобларнинг тартиби бўлиб у солиққа тортиладиган фойда билан бухгалтерия ҳисобида (баланс фойда) ҳосил бўладиган фойда фарқини аниқлаш имкониятини беради; фойдаланувчилар томонидан қарорлар қабул қилиш учун молиявий ҳисоботнинг аҳамиятини оширади.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом бир томондан, корхоналарга ҳисобот даври ичида содир бўладиган харажатлар ва даромадлар тўғрисидаги аниқ маълумотларни олиш имкониятини берса, иккинчи томондан, солиқ қонунларига биноан солиқ органларига ҳисоботларни тузиб, топшириш имкониятини яратади. Бунда давлат ўз ваколатли (солиқ) органлари орқали солиқ ҳисоботини тўғрилигини текшириш ҳуқуқига эга.

Агар солиқ қонунчилиги корхона фойдаси ва рентабеллигини аниқлашда тадбиркорлик – барча даромадлардан барча харажатларни чиқариб ташлаш қонунига амал қилганда осон бўларди.

Лекин давлатнинг солиқ сиёсати фақат солиқ ҳисоблаш ва уни бюджетга ўтказиб олишнигина инобатга олмайди, балки солиқ сиёсати рағбатлантирувчи характерга эга; хўжалик юритишнинг рационал усулини рағбатлантиради ва ресурслардан қонунсиз фойдаланишни жазолайди. Солиқ сиёсати маълум ижтимоий мақсадни ҳам қўзғайди, янги ҳудудларни ўзлаштиришга ундайди.

Демак, корхона ўз хўжалик фаолиятини самарадорлигини аниқлаш ва келгуси даврга бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ҳисобот даврида даромад ва харажатларни ҳисоблаб чиқиш имкониятини берадиган ахборотларни йиғиш ва ишлаб чиқиш тизимига эга бўлиши керак. Корхона бу ҳисобларни солиқ факторини инобатга олмасдан, бажаради.

Корхонанинг баланс фойдасини аниқлаш учун сотишдан тушган тушумдан олиб ташланадиган харажатлар рўйхати харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомнинг асосий матнида келтирилган.

Бозор иқтисодиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда таъкидлаш жоизки, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилган даромад таркибини ўрганишда корхона хўжалик фаолиятини бир неча қисмларга бўлиб ўрганиш мумкин. Бу қисмлар амалиётда фаолият турлари деб номланиб, корхоналарда хўжалик фаолиятини учта фаолият туридан иборат деб ҳисоблаш мумкин. Шунга кўра молиявий натижаларни шакллантириш жараёнини қуйидаги кўри-нишда амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз:

Асосий фаолият даромади асосан маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум ва операцион даромадлардан ташкил топади. Бозор муносабатларига ўтиш даврига қадар корхонада маҳсулот сотишдан кўрилган даромад ҳажми фаолият ялпи даромадининг 90 фоизини ташкил қилган². Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхона молиявий натижалар шаклланиш тартибининг ўзгариши натижасида бу кўрсаткичнинг аниқ салмоғи белгиланмаган ва бу микдор турли тармоқ корхоналарида бир-биридан кескин фарқ қилади.

Асосий фаолият даромадининг кейинги таркибий қисми – бу асосий фаолиятнинг бошқа (операцион) даромадларидир. Бунга асосий фондлар ва бошқа мол-мулкни сотишдан тушган даромад, ундирилган ёки қарздорлар томонидан эътироф этилган ҳар хил жарималар ва вақтида тўланмаган қарзлар, ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллар фойдаси, даъво билдириш муддати ўтган кредиторлик қарзларини ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар ва ҳолисона молиявий ёрдамлар каби моддалар киради.

Корхона хўжалик фаолиятида бепул олинган қийматликлар ва маблағлар асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (операцион) таркибида кўрсатилади. Бунда, моддий қийматликлар корхона балансига бозор баҳосида қабул қилинади ва фойда солиғи базасига қўшилади. Давлат субсидиялари суммаси эса солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ солишдаги ялпи даромадга киритилмайди.

Асосий фаолият даромади корхона ялпи даромадининг салмоқли улушини ташкил қилиши муҳим кўрсаткич сифатида корxonанинг келгуси ривожланиш истиқболларини белгилаб беради. Даромаднинг шакллантириш корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг барча жабҳаларини ифодаловчи кўрсаткичлар: ишлаб чиқариш ҳажми ва харажатлар таркиби, асосий воситалар ва айланма маблағлардан фойдаланиш даражаси, ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги, иш

²Бухгалтерский учет. Под редакцией И.Е. Тишкова. Мн.: "Высшая школа", 1996. 687 с.

лаб чиқариш жараёнини кенгайтириш корхонанинг молиявий ҳолатига боғлиқдир.

Молиявий фаолият даромади. Мамлакатимизда бозор муносабатларининг ривожланиши билан корхоналар фаолиятида янги ҳисоб объектлари: қимматли қоғозлар, дивиденд, рента, роялти каби иқтисодий терминлар вужудга келди. Айни вақтларда корхона молиявий фаолият турининг асосий инструментлари молиявий активлар, яъни қимматли қоғозлардир. Қимматли қоғозлар шулик ҳужжат бўлиб, ҳуқуқий мақомга эга шахсларнинг уни сотиб олган шахс олдидаги мулккий ёки қарз мажбуриятларини ифодалайди. Қимматли қоғозлар амал қилиш муддати мобайнида ўз эгасига дивиденд ёки фоиз кўринишида маълум даромадни кафолатлайди, улар билан боғлиқ жараёнлар корхона молиявий фаолиятининг асосини ташкил қилади. Умумий равишда молиявий фаолият даромади таркибини қуйидагича кўрсатиш мумкин: дивидендлар ва бошқа корхонани ташкил қилишда улушли қатнашишдан олинган даромадлар, қимматли қоғозлар ва қарз маблағлари бўйича олинган даромадлар, валюта ва валюта жараёнлари бўйича даромадлар, мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар, қимматли қоғозларга йўналтирилган ва бошқа молиявий маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар, олинган роялти ва сармоя трансферти, молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхона молиявий фаолиятининг даромад моддалари кўпайди. Яқин йилларгача корхоналар молиявий даромади асосан корхона маблағларидан фойдаланганлик учун тўланадиган фоизлардан иборат эди ва фаолият ялпи даромадининг тахминан 8 фоизига тўғри келарди. Энди бўлса қимматли қоғозлар эмиссияси, олди-сотди жараёнлари, бошқа корхонани ташкил қилишда улушли қатнашиш, рента, лизинг, дивиденд, дисконт каби даромад моддалари корхона ялпи даромадининг салмоқли улушини ташкил қилмоқда.

Корхоналарда (АЖ) молиявий фаолият даромадининг асосий қисмини муомалага чиқарган акцияларни сотишдан тушган эмиссия даромади ташкил қилади. Ушбу даромад ҳажми, аввало, акцияларнинг фонд биржаларидаги бозор баҳоси, корхона рейтинги ва сотилган акциялар сонидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Сотиб олинган облигациялар бўйича фоизлар ҳам корхона молиявий фаолияти даромадининг салмоқли қисмини ташкил қилади.

Умумхўжалик фаолияти даромади. Корхона фаолияти молиявий натижасини шакллантиришда, аниқроғи, солиққа тортиладиган

фойдани аниқлашда умумхўжалик фаолияти натижасига фавқуллодда даромадлар ҳам кўшилади. Уларга снёсий-иктисодий ҳолатнинг ўзгариши натижасида олинган даромад ва хайрия ёрдамларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Корхоналар фаолияти даромади таркибини бундай қисмларга ажратиш фаолиятнинг ҳар бир тури бўйича даромад салмоғини аниқлашга, корхона маблағлари манбалари ва улардан фойдаланиш йўналишларини алоҳида ва ҳолисона баҳолашга имкон беради.

Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижалар кўрсаткичларидан яна бири ишлаб чиқариш харажатларидир. Пул бирлиги кўринишида ифодаланган ва ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини ташкил қилувчи харажатлар молиявий натижалар шаклланишида ўзини хос ўрин тутди.

Корхоналар молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимида харажатлар ўзига хос ўринга эга. Харажатлар деб корхона капитали (активлари) миқдорининг камайишига олиб келувчи мажбурийатлар вужудга келиши ёки активлар сарфланиши натижасида иқтисодий манбанинг камайишига айтилади. Улар, одатда, фаолият муносабатлар тазамлигини таъминлаш ва даромад олиш учун сарфланади.

Таъкидлаш жоизки, корхона активлари миқдорининг камайиши баъзи ҳолларда харажатларга боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Узоқ муддатли активларни сотиб олиш ёки яратишга сарфланган маблағлар бошқа корхона устав капиталига қилинган қўйилмалар, қайта сотиш учун акционерлик жамиятлари акциялари ва бошқа қимматли қоғозларни харид қилишга сарфланган маблағлар, олинган кредит ёки қарзларни қайтариш, ресурслар сотиб олиш учун олдиндан тўлов ва бўнак суммалари ва сармоядорларнинг корхона мулкидан ўз ҳиссасини чиқариб олиши корхона активлари ва капитали миқдорини камайтиради, харажат ҳисобланмайди.

Хўжалик фаолиятида содир бўладиган харажатлар таркиби ва уларни аниқлашнинг ягона услубий асослари “Маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларининг шаклланиш тартиби тўғрисида”ги Низомда кўрсатиб берилган. Ушбу ҳужжатга мувофиқ уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- асосий фаолият харажатлари;
- давр харажатлари.

Корхоналар хўжалик фаолиятида содир бўлган барча турдаги харажатлар ҳисобда қуйидаги шартлар бажарилганда тан олинади:

– харажатлар аниқ шартнома шартлари, қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга асосан амалга оширилганда;

– харажатлар суммаси (миқдори)ни аниқлаш мумкин бўлганда;

– хўжалик жараёнлари натижасида корхонада иқтисодий манбанинг камайганлиги аниқ бўлганда, яъни актив сарфланганда.

Корхона харажатлари молиявий натижаларга тескари пропорционал равишда таъсир кўрсатади. Улар, асосан, мулкый ва меҳнат ресурсларини сотиб олишга сарфланган маблағлар бўлиб, корхона учун мажбурий тўлов ҳисобланади.

Корхоналарда молиявий натижалар ҳисобининг яна бир объекти бу соф фойдадир. У корхона хўжалик фаолиятининг асосий манбаи ва самарадорлигининг муҳим кўрсаткичидир.

Маълумки, бозор муносабатлари шароитида барча турдаги тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади фойда олиш. Бу борадаги бухгалтерия ҳисобининг функцияси корхона фаолиятининг якуний натижасини аниқлаш ва уни ҳисоботда акс эттириш орқали маълумотни фойдаланувчиларга етказиш.

Молиявий натижаларни шакллантириш



Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда = ССТ-ИТ



Асосий фаолиятдан кўрилган фойда (зарар) = ЯФ-ДХ+БД



Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда (зарар) = АФФ+МД-МХ



Солик тўлагунга қадар фойда = УФФ+ФФ-ФЗ



Соф фойда = СТФ-ДС-БС

Бу ерда, **ССТ** – сотишдан олинган соф тушум;

ИТ – сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннарихи;

ЯФ – ялпи фойда;

ДХ – давр харажатлари;

БД – асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

АФФ – асосий фаолиятдан олинган фойда;

- МД** – молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;
МХ – молиявий фаолият харажатлари;
УФФ – умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда;
ФФ – фавкулудда вазиятлардан олинган фойда;
ФЗ – фавкулудда вазиятлардан кўрилган зарар;
СТФ – солиқ тўлангунгача олинган фойда;
ДС – даромад (фойда)дан тўланадиган солиқ;
БС – бошқа солиқлар ва тўловлар.
СФ – соф фойда;

Иқтисодиётнинг эркинлашуви билан корхоналарда молиявий натижалар, аниқроғи, соф фойданинг иқтисодий моҳияти тобора ортиб бормоқда. Бунда корхона фаолияти фойдасини шакллантириш ва унинг манбаи муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодий категория сифатида фойда ишлаб чиқариш соҳасида тадбиркорлар фаолияти жараёнида яратилган соф даромадни акс эттиради.

Бозор муносабатларида фойда муҳим категория ҳисобланиб, бир қатор функцияларни бажаради.

Биринчидан, фойда корхона фаолияти самарадорлигини кўрсатувчи мезон ва кўрсаткичдир. Бошқача қилиб айтганда, даромадлилик корхонанинг самарали фаолиятдан далолат беради. Фойда миқдори бир қанча омилларга боғлиқ бўлиб, улар корхона қувватига боғлиқ ва аксинча боғлиқ бўлмаган омиллардир.

Иккинчидан, фойда барқарорлаштириш функциясини бажаради. У корхонанинг сўнги молиявий иқтисодий натижаларида қатнашиб, бозор иқтисодиёти шароитида калит ролини ўйнайди. Бу орқали шундай мақсад қўйиладики, бунда бошқарув субъектларининг хулатворини аниқлаб беради. Бунда уларнинг муваффақияти фойда миқдори билан миллий иқтисодиётда белгиланган алгоритми ва унинг тақсимланиши билан бирга солиқни ҳам ўз ичига олади.

Учинчидан, фойда турли даражадаги бюджет даромадларини шакллантириш манбаи ҳисобланади. Фойда бюджетга солиқлар, иқтисодий санкциялар кўринишида келиб тушади ва бюджет харажатлари қисмида кўрсатилган ва қонун орқали тасдиқланган турли мақсадларга йўналтирилади.


Юқоридаги фикрларни умумлаштириб хулоса қилишимиз мумкинки, хўжалик юритувчи субъект ўз хўжалик фаолиятини самарадорлигини аниқлаш ва келгуси даврга бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ҳисобот даврида даромад ва харажатларни ҳисоблаб чи

киш имкониятини берадиган ахборотларни йиғиш ва ишлаб чиқиш тизимига эга бўлиши керак. Шу нуқтаи назарга кўра молиявий натижаларни шакллантириш бўйича биз юқорида берган таклифларимиз амалий аҳамиятга эга деб ўйлаймиз.

3.2. Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот тузишнинг услубий асослари

Республикамызда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот тузишнинг услубий жиҳатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 25 августда 43-сонли буйруқ билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 27 августда 484-сон билан рўйхатга олинган «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 3-сон бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида келтириб ўтилган. Ушбу стандартнинг мақсади молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг моддаларини ҳамда барча хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунда баён қилинган умумий қоидаларга мувофиқ равишда ҳисоботни тузиш ва тақдим этишлари учун бу молиявий натижаларни тасниф этишни баён қилиб беришдан иборат. Бу эса турли даврларга доир ҳисобот маълумотларини бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг шунга ўхшаш ҳисоблари билан қиёслашни таъминлайди. Шунингдек, стандарт хўжалик умумий (оддий) фаолиятдан олинган даромадлар ва кўрилган зарарлар моддаларини, фавқулодда вазиятлар, фаолиятни тўхтатиш, ҳисоб баҳосидаги ўзгаришлар, ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдаги муҳим хатоларни тузатиш тартибини белгилаб беради.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда қуйидагиларни очиқ бериш зарур:



Муайян даврда тан олинган даромадлар ва харажатларнинг барча моддалари, агар бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларида бошқача ёндашув кўзда тутилмаган бўлса, ҳисобот давридаги соф даромад ёки зарарни аниқлашга киритилади.

Ҳисобот давридаги соф даромад ёки зарар куйидаги элементлар асосида аниқланади ва уларнинг ҳар бири молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда очиб берилиши лозим:

– хўжалик умумий фаолиятдан олинган даромад ёки кўрилган зарар;

– фавқулодда даромад (зарар);

– даромад солиғи тўлангунга қадар умумий молиявий натижа (фойда ёки зарар);

– даромад солиғидан ташқари соф фойда.

Фавқулодда моддалардан вужудга келган даромад ёки зарар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида кўрсатилиши лозим. Ҳар бир фавқулодда модда моҳияти ва қийматини тушунтиришда уни тўла очиб бериш лозим.

Хўжалик умумий (оддий) фаолиятдан келадиган даромадлар ва харажатлар моддалари муайян миқдорга етса ва хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти операциялари мазмуни жуда муҳим бўлса, бу моддаларнинг моҳияти ва миқдори очиб кўрсатилиши керак.

Тушунтиришларда очиб кўрсатишни талаб қиладиган муҳим хўжалик операциялари:

– маҳсулот сотишнинг соф қийматига қадар ТМЗни қайта баҳолаб, камайтириш ёки асосий воситалар қиймати тикланмай туриб уни қайта баҳолаб, нархини арзонлаштириш, шунингдек, бундай қайта баҳолашларни бекор қилиш;

– хўжалик юритувчи субъект фаолиятини кечиктириш, шунингдек, кечиктиришга харажатлар бўйича ҳар қандай захираларни бекор қилиш;

– узоқ муддатли инвестицияларни тугатиш;

– фаолияти тўхтатиш;

– суд жараёнларини йўлга қўйиш;

– захираларни бекор қилиш.

Тўхтатилган фаолиятнинг натижалари, одатда, хўжалик умумий фаолиятининг даромади ва зарарига киритилади. Хўжалик умумий (оддий) фаолиятдан аниқ фарқ қиладиган ёки бу фаолиятда содир бўлмайдиган воқеалар натижасида бу фаолиятнинг тўхтатилиши даромад ва зарарларга киритилмайди. Бундай ҳолларда фаолияти тўхтатишдан келадиган даромад ёки зарар фавқулодда модда сифатида тасниф қилиниши мумкин.

Тўхтатилган операцияларнинг ҳар бири тушунтиришларда очиб берилиши ва уларда қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

– фаолиятни тўхтатишнинг моҳияти;

– молиявий ҳисоботни тузиш чоғида тўхтатилган фаолият тегишли бўлган тармоқ ва унинг жуғрофий манзили;

– бухгалтерияда ҳисобга олиш мақсадида фаолиятни тўхтатиш кучга кирган кун;

– Фаолиятни тўхтатиш усули (сотиш, ажратиш ва шу кабилар);

– фаолиятни тўхтатишдан келган даромадлар ва зарарлар ҳамда бу даромад ёки зарарни ўлчаш учун фойдаланиладиган ҳисоб тури;

– ҳисобот давридаги хўжалик умумий фаолияти операцияларидан олинган даромадлар ёки зарарлар ҳамда товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушган маблағ тақдим этилган ҳар бир давр учун миқдори билан биргаликда.

Ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришларнинг натижалари соф даромад ва зарарни аниқлашга киритилади:

– Ҳисобот давридаги соф даромад ва зарарни аниқлашга (агар бу ўзгаришлар фақат мазкур даврга таъсир этган бўлса);

– ўзгаришлар юз берган давр ҳисоботига ва бу ўзгаришлар таъсир қилган шундан кейинги ҳисобот даврларига.

Ҳисоб баҳолари ўзгартирилган турли даврлардаги молиявий ҳисоботларни бир-бирига қиёслашни таъминлаш мақсадида улар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг илгари баҳолаш учун фойдаланилган таснифлаш моддаларига киритилади.

Жорий даврга жиддий таъсир қиладиган ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришларнинг моҳияти ва қиймати ёки бу ўзгаришлар кейинги даврларда муҳим ўзгаришларга олиб келадиган бўлса, уларнинг моҳияти ва қиймати очиб берилиши лозим.

Агар натижаларни ва ўзгаришларни қиймат жиҳатидан аниқлашнинг имкони бўлмаса, уларни ҳам очиб бериш талаб қилинади.

Олдинги даврлардаги молиявий ҳисоботларни тайёрлаш чоғида йўл қўйилган хатоларга киритилган тузатиш миқдори (қиймати) ҳисобот давридаги соф даромад ёки зарарга қўшилади.

Олдинги даврда йўл қўйилган муҳим хатоларни тўғрилаш миқдори:

– йил бошигача тақсимланмаган фойда сальдосини ўзгартириш йўли билан ҳисоботда акс эттирилади;

– ўтган йилнинг шу даврига оид маълумотлар ўзгартирилади агар хатолар арзимайдиган даражада бўлса, улар истисно қилинади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг балансидаги йил бошида тақсимланмаган фойданинг сальдосида муҳим хатоларни акс эттириш куйидаги ахборотни очиб бериши керак:

– муҳим хатоларнинг моҳияти;

– жорий даврдаги ва ҳисобот тақдим этилган ҳар бир даврдаги тузатишлар миқдори;

– олдинги йилларнинг маълумотларига киритилган дастлабки даврларга оид тузатишлар миқдори;

– қайта ҳисобланган қиёсий маълумотлар ёки қайта ҳисоблаш мумкин бўлмаслиги сабаблари.

Жорий даврдаги соф даромад ёки зарарга кўшиш йўли билан олдинги даврлардаги хатоларни тўғрилаш чоғида олдинги йилларга оид қиёсий ахборот олдинги давр учун тузилган молиявий ҳисобда кам кўрсатилиши керак, лекин жорий даврдаги ёки олдинги ҳар қандай даврдаги соф даромад ёки зарарни кўрсатиш учун (агар муҳим хатолар шу даврлар давомида тузатилган бўлса) алоҳида устунда қўшимча ахборот келтирилиши лозим.

Хўжалик юритувчи субъект ўзгартиш киритилаётганда бир вақтнинг ўзида қуйидаги ахборотни очиб бериши лозим:

1) муҳим хатонинг моҳияти;

2) жорий даврдаги даромад ёки зарар деб эътироф этилган ўзгартиш миқдори;

3) қўшимча маълумотлар тақдим этилган ҳар бир даврга оид ўзгартишлар миқдори ҳамда шу даврдан олдинги даврларга оид қўшимча маълумотларга киритилган даврларга тааллуқли ўзгаришлар миқдори. Агар амалда қўшимча маълумотлар келтириш қўлланилмаса, у ҳолда бунинг сабаблари очиб берилиши керак.

Ҳисоб сиёсатидаги ўзгартишлар белгиланган тартибда кўзда тутилган ҳоллардагина ёки ўзгартишлар хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботларида ахборотни янада ишончлироқ тақдим этишга кўмаклашсагина кўрсатилиши мумкин.

Ҳисоб сиёсатидаги ўзгартишлар натижасида юз берган ўзгаришлар миқдори:

– йил бошидаги тақсимланмаган фойда сальдосини ўзгартириш йўли билан бухгалтерия балансига ёзиб қўйилиши;

– ҳисобот давридаги соф даромад ёки зарарни аниқлашга киритилиши лозим.

Ҳисоб сиёсатидаги ўзгартишлар молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг олдинги даврига нисбатан ҳисобот даврига муҳим таъсир ўтказса ёки келгуси ҳисобот даврларига таъсир ўтказадиган бўлса, хўжалик юритувчи субъект тушунтиришларда қуйидаги ахборотни очиб бериши лозим.

– ўзгартишлар сабаблари;

– ҳисобот давридаги ва тақдим этилган олдинги даврлардаги тузатишлар миқдори;

– жорий даврдаги соф даромад ёки зарарда ҳисобга олинган тузатиш миқдори;

– қиёсий маълумотларга киритилган ҳисобот давридан олдинги даврларга оид тузатишлар миқдори;

– кўшимча маълумотлар келтирилган ҳар бир ҳисобот даврига киритилган тузатишлар миқдори, молиявий ҳисоботларга киритилган даврлардан олдинги даврлар билан боғлиқ тузатишлар миқдори. Агар қиёсий ахборот киритилган бўлса ёки кўшимча маълумот тақдим этиш мумкин бўлмаса, бу ҳолат ҳам очиб берилиши керак;

– қайта ҳисобланган қиёсий маълумотлар ёки уларни қайта ҳисоблаш мақсадга мувофиқ эмаслиги сабаблари.

3.3. Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот: тузиш ва тўлдириш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йилнинг 27 декабрдаги 140-сон буйруғи билан тасдиқланган «Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш бўйича қоидалар» барча ҳисобот шакллари жумладан, «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»ни тузиш тартибини белгилаб беради. Мазкур Қоидаларга мувофиқ молиявий ҳисоботни мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кўра юридик шахс ҳисобланган корхона ва ташкилотлар (бундан суғурта ташкилотлари ва банклари мустасно), шунингдек, мулкида, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек, мустақил баланс ва ҳисоб-китоб рақамига эга бўлган, солиқ қонунчилигига мувофиқ солиқ тўловчи ҳисобланадиган алоҳида бўлинмалар тақдим этади. Юридик шахс мақомига эга бюджет ташкилотлари фақат 2-сон шакл ҳисоботи – “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”ни молия органларига тақдим этишлари керак.

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 15 июнда 47-сон билан тасдиқланган чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари тўғрисида низом (рўйхат рақами 942, 2000 йил 3 июль, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 йил 11-сон) билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддасида (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2000 йил 5-сон) кўрсатилган юридик шахслар солиқ органларига аудиторлик текшируви ўтказилганидан кейин 15 кун давомида, лекин ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майдан кечиктирмай, молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги тўғрисида аудиторлик хулосаси нусхасини тақдим этадилар.

Ташаббусли аудиторлик текшируви ўтказилган тақдирда корхона молиявий ҳисоботининг тўғрилиги тўғрисида аудиторлик хулосасининг нусхаси солиқ органларига аудиторлик текшируви ўтказилганидан кейин 15 кун давомида тақдим этилади.

Молиявий ҳисобот шаклларида барча реқвизитлар ва назарда тутилган кўрсаткичлар тўлдирилиши керак. Корхонада тегишли активлар, пассивлар, операциялар мавжуд эмаслиги сабабли бирор-бир модда (сатрлар, устунлар) тўлдирилмаган тақдирда, ушбу модда (сатр, устун) устига чизиб қўйилади.

Молиявий ҳисобот шаклларининг манзил қисми қуйидаги тартибда тўлдирилади:

а) “Корхона, ташкилот” реқвизити – корхонанинг тўлиқ номи (белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатларига мувофиқ) ва КТУТга кўра унинг коди кўрсатилади;

б) “Тармоқ” реқвизити - корхона тармоғи ва ХХТУТга кўра тармоқ коди кўрсатилади;

в) “Ташкилий-ҳуқуқий шакл” реқвизити – корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва ТХТга кўра ташкилий-ҳуқуқий шаклнинг коди кўрсатилади;

г) “Мулкчилик шакли” реқвизити – корхонанинг мулкчилик шакли ва МШТга кўра мулкчилик шаклининг коди кўрсатилади;

д) “Вазирликлар, идоралар ва бошқалар” реқвизити - ихтиёрида корхона турган (агар у мавжуд бўлса) ва унга молиявий ҳисобот йўналтириладиган органнинг номи ҳамда ДБПБТга кўра ушбу органнинг коди кўрсатилади;

е) “Солиқ тўловчининг идентификация рақами” реқвизити – СТИР бўйича корхонанинг идентификация рақами кўрсатилади;

ж) “Худуд” реқвизити - МҲОБТ бўйича код кўрсатилади;

з) “Манзил” реқвизити - корхонанинг тўлиқ юридик манзили кўрсатилади.

Молиявий ҳисоботни тузишда Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республика-

сининг Фукаролик кодекси, Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига, шунингдек, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш масалалари бўйича бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиш лозим.

Корхона ва ташкилотлар барча алоҳида мустақил балансга ажратилмаган бўлинмаларининг фаолият кўрсаткичлари молиявий ҳисобот шаклларининг кўрсаткичларига киритилиши керак.

Молиявий ҳисоботни тузиш чоғида ҳисобот санаси ҳисобот даврининг охириги таквимий куни ҳисобланади.

Ҳисобот йилида тугатилган ёки қайта ташкил этилган корхона йил бошидан тугатиш (қайта ташкил этиш) пайтигача бўлган давр учун йиллик молиявий ҳисоботнинг амалдаги шакллари бўйича ҳисобот тақдим этади.

1 октябрга қадар янги барпо этилган корхоналар молиявий ҳисоботда маблағлар ва уларнинг манбаларини улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ойнинг 1-кунидан бошлаб ҳисобот йилининг 31 декабрига қадар, ҳисобот йилининг 1 октябридан кейин барпо этилган корхоналар эса - давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб кейинги йилнинг 31 декабригача (31 декабрь ҳам қиради) кўрсатдилар (кўрсатилган тартиб тугатилган (қайта ташкил этилган) корхоналар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари базасида барпо этилган корхоналарга татбиқ этилмайди).

Корхона балансининг моддалари активлар ва мажбуриятларнинг пухта ўтказилган инвентаризацияси билан асосланган бўлиши керак. Инвентаризация Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 19 октябрда ЭГ/17-19-2075-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (19-сон БҲМС) “Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш” (рўйхат рақами 833, 1999 йил 2 ноябрь) белгилаган тартибда ўтказилади. Бундйиллик молиявий ҳисоботни тақдим этишга қадар доимий ишлаб турган инвентаризация комиссиялари томонидан инвентаризация давомида аниқланган, бойликлар ҳақиқий мавжудлигининг бухгалтерия ҳисоби маълумотларига қараганда тафовутлари тартибга солиниши керак. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини инвентаризациялашлар ҳам ўтказилиши керак, улар ўзаро ҳисоб-китоблар сальдосини тасдиқлайдиган солиштириш далолатномалари ёки хатлар билан рамиёлаштирилади. Ўтказилган инвентаризациялар сони ва натижалари, шунингдек, уларни ўтказмаслик сабаблари йиллик молиявий

ҳисоботга илова қилинадиган тушунтириш хатида акс эттирилиши керак.

Молиявий ҳисобот шакллари раҳбар ва бош бухгалтер имзо чекади, имзолар муҳр билан тасдиқланади.

Молиявий ҳисоботда ўчириш ва устига ёзишлар бўлмаслиги керак. Хатолар тузатишга тақдирда тегишли қайдлар қилинади, уларни молиявий ҳисоботларга имзо чеккан шахслар тасдиқлаб, тузатиш санасини кўрсатадилар.

Жорий ҳамда ўтган йил ҳисобот маълумотларидаги (улар тасдиқланганидан кейин) тузатишлар унинг маълумотларини бузишлар аниқланган ҳисобот даври учун тузилган ҳисоботда амалга оширилади, бунда тузатишлар ҳисобот даври (чорак, йил бошидан) учун маълумотларга киритилади.

Йиллик молиявий ҳисоботни текшириш чоғида даромадларни яшириш ёки улар билан боғлиқ бўлмаган харажатларни давр харажатларига (ёки муомала чиқимларига) киритиш натижасида молиявий натижаларни камайтириб кўрсатиш аниқланганда бухгалтерия ҳисоби ва ўтган йил учун молиявий ҳисоботга тузатишлар киритилмайди, балки жорий йилда ҳисобот даврида аниқланган ўтган йиллар фойдаси сифатида акс эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йилнинг 27 декабрдаги 140-сон буйруғи билан тасдиқланган «Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш бўйича қоидалар»га асосан «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»ни тузиш тартиби қуйида баён қилинади.

«Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум» моддаси бўйича (010-сатр) маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматларни сотишдан олинган тушум кўрсатилади, бунда солиқлар (қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи) ҳамда қайтарилган товарлар ва тийёр маҳсулотнинг қиймати, харидорнинг сотиш нархларидан чегирмалари чегирилади.

010-сатр асосий (операцион) фаолиятдан даромадларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (9000) маълумотлари бўйича тўлдирилади.

Асосий фаолияти мол-мулкни ижарага (лизингга) бериш ҳисобланган корхоналар 010-сатр бўйича жорий ҳисобот даврига тегишли бўлган даромад суммасини акс эттирадилар.

Воситачи корхоналар 010-сатрда комиссия ҳақлар суммасини акс эттирадилар.

«Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннари» моддаси бўйича (020-сатр) сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар, хиз-

матлар) таннархини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (9100) ҳисобга олинган, сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) таннархининг суммаси кўрсатилади.

Савдо корхоналари ушбу сатр бўйича сотилган товарларнинг харид қийматини акс эттирадilar. Товар айланмасида (товарларни қабул қилиш ва сотишда) иштирок этмасдан, хизматлар учун ҳақ кўринишида даромад оладиган воситачи ташкилотлар ушбу сатрни тўлдирмайдilar.

“Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан ялпи фойда (зарар)” (030-сатр) маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум билан сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи ўртасидаги фарқ (010-сатр-020-сатр) сифатида аниқланади.

“Давр харажатлари, жами” моддаси бўйича (040-сатр) 050, 060, 070, 080-сатрлар бўйича якуний сумма акс эттирилади.

“Реализация харажатлари” моддаси бўйича (050-сатр) ҳисоби 9410-“Реализация харажатлари” ҳисобварағида юритилadиган: маҳсулотни реализация қилиш харажатлари, яъни маҳсулотни истеъмолчига етказиш, транспорт воситаларига ортиш билан боғлиқ харажатлар, маркетинг билан шуғулланadиган бўлимлар ва ходимларнинг харажатлари ва ҳоказолар акс эттирилади.

“Маъмурий харажатлар” моддаси бўйича (060-сатр) ҳисоби 9420-“Маъмурий харажатлар” ҳисобварағида юритилadиган: корxonани бошқариш харажатлари, бошқарув ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари, умуммаъмурий мақсаддаги асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари, умумхўжалик мақсадидаги хоналарнинг ижара ҳақи ва бошқа маъмурий харажатлар акс эттирилади.

“Бошқа операцион харажатлар” моддаси бўйича (070-сатр) ҳисоби 9430-“Бошқа операцион харажатлар” ҳисобварағида юритилadиган: кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари, ахборий аудиторлик ва маслаҳат хизматларига ҳақ тўлаш харажатлари, компенсациялайдиган ва рағбатлантирадиган хусусиятдаги тўловлар, иш ҳақини ҳисоблаб, ёзишда ҳисобга олинмайдиган тўловлар ва харajatлар, банк ва депозитарий хизматларига ҳақ, зарарлар, жарималар, пенялар ва операцион фаолият жараёнида юзага келadиган, ишчиқариш жараёни, молиявий фаолият билан боғланмаган ва харажатларнинг фавкулотда моддалари сифатларига эга бўлмаган бошқа харажатлар акс эттирилади.

“Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари” моддаси бўйича (080-сатр) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари тарқиб ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида” Низомнинг (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами, 1999 йил 2-сон, 9-модда) 2.4-бўлимида келтирилган, келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари акс эттирилади ва 9440-“Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари” ҳисобварағида умумлаштирилган ҳисоб маълумотлари бўйича тўлдирилади.

“Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар” моддаси бўйича (090-сатр) ҳисоби асосий фаолиятдан бошқа даромадларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (9300) юритиладиган: асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда, ундирилган жарималар, пеня ва неустойкалар, ўтган йиллар фойдаси, қисқа муддатли ижарадан даромадлар, кредиторлик ва депонентлик қарзини ҳисобдан чиқаришдан даромадлар, хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг даромадлари, текин молиявий ёрдам ва бошқа операциялар даромадлар кўрсатилади.

“Асосий фаолиятдан фойда (зарар)” моддаси бўйича (100-сатр) корхона асосий фаолиятининг молиявий натижалари кўрсатилади, улар маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан ялпи фойда (зарар)дан (030-сатр) давр харажатлари суммасини (040-сатр) айлантириш ҳамда асосий фаолиятдан бошқа даромадлар суммасини (090-сатр) кўшиш йўли билан аниқланади.

“Молиявий фаолиятдан даромадлар, жами” моддаси бўйича (110-сатр) 120, 130, 140, 150, 160-сатрлар бўйича якуний сумма акс эттирилади.

108. – “Дивидендлар кўринишида даромадлар” моддаси бўйича (120-сатр) ҳисоби 9520-“Дивидендлар кўринишида даромадлар” ҳисобварағида юритиладиган, “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида бошқа корхоналар фаолиятида улушбай иштирок этишдан олинган даромадлар, корхона эгаллигида бўлган акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар”да акс эттирилади.

“Ҳоизлар кўринишида даромадлар” моддаси бўйича (130-сатр) ҳисоб 9530-“Ҳоизлар кўринишида даромадлар” ҳисобварағида юритиладиган, узоқ муддатли ва жорий инвестициялар бўйича ҳоизлар кўринишида даромадлар кўрсатилади.

Асосий фаолияти мол-мулкни ижарага (лизингга) бериш ҳисобланган корхоналар “Узоқ муддатли ижарадан даромадлар (лизинг)” моддаси бўйича (140-сатр), ҳисоби 9550-“Узоқ муддатли ижарадан даромадлар” ҳисобварағида юритиладиган, мол-мулкни узоқ муддатли ижарага (лизингга) беришдан олган даромадларини акс эттирилади.

“Валюта курсларидаги фарқлардан даромадлар” моддаси бўйича (150-сатр) ҳисоби 9540-“Валюта курсларидаги фарқлардан даромадлар” ҳисобварағида юритиладиган, шу жумладан балансни тузиш санасида баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан, валютани операциялари бўйича мусбат курслардаги фарқлардан даромадлар акс эттирилади.

“Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар” моддаси бўйича (160-сатр) ҳисоби 9510-“Роялти кўринишида даромадлар”, 9560-“Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар”. 9590-“Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар” ҳисобварақларида юритиладиган қимматли қоғозларни қайта баҳолашларни ўтказишдан даромадлар, роялти кўринишида даромадлар ва молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар кўрсатилади.

“Молиявий фаолият бўйича харажатлар, жами” моддаси бўйича (170-сатр) 180, 190, 200, 210-сатрлар бўйича якуний сумма акс эттирилади.

“Фоишлар кўринишида харажатлар” моддаси бўйича (180-сатр) ҳисоби 9610-“Фоишлар кўринишида харажатлар” ҳисобварағида юритиладиган, банклар кредитлари ва қарзлар бўйича фоишларни тўлаш харажатлари кўрсатилади.

“Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоишлар кўринишида харажатлар” моддаси бўйича (190-сатр) ҳисоби 9610-“Фоишлар кўринишида харажатлар” ҳисобварағида юритиладиган, узоқ муддатли ижара (лизинг) бўйича фоишларни тўлаш харажатлари акс эттирилади.

“Валюта курсларидаги фарқлардан зарарлар” моддаси бўйича (200-сатр) ҳисоби 9620-“Валюта курсларидаги фарқлардан зарарлар” ҳисобварағида юритиладиган, валюта операциялари бўйича ва балансни тузиш санасида баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан манфий курслардаги фарқлар акс эттирилади.

“Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар” моддаси бўйича (210-сатр) ҳисоби 9630-“Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш харажатлари” ва 9690-“Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар” ҳисобварақларида юритиладиган, қимматли қоғозларни чиқариш

ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда молиявий фаолиятга доир бошқа харажатлар акс эттирилади.

“Умумхўжалик фаолиятдан фойда (зарар)” моддаси бўйича (220-сатр) корхонанинг умумхўжалик фаолиятига доир, асосий фаолиятдан фойда (зарар) суммасига (100-сатр) молиявий фаолиятдан даромадлар суммасини (110-сатр) қўшиш ва молиявий фаолият бўйича харажатлар суммасини (170-сатр) айириш йўли билан белгиланган молиявий натижалар кўрсатилади.

“Фавқулодда фойда ва зарарлар” моддаси бўйича (230-сатр) фавқулодда воқеалар натижалари кўрсатилади, “Даромадлар (фойда)” устуни 9710-“Фавқулодда фойдалар” ҳисобварағининг маълумотлари, “Харажатлар (зарарлар)” устуни эса 9720-“Фавқулодда зарарлар” ҳисобварағининг маълумотлари бўйича тўлдирилади.

“Даромад (фойда) солиғини тўлашга қадар фойда (зарар)” моддаси бўйича (240-сатр) +/- белгисини ҳисобга олган ҳолда 220 ва 230-сатрларни қўшиш натижалари акс эттирилади. Ушбу сатр натижаси даромад (фойда) солиғининг ҳисоб-китоби чоғида асос бўлиб ҳисобланади.

“Даромад (фойда) солиғи” моддаси бўйича (250-сатр) ҳисобот даври бошидан ҳисоблаб ёзилган, 9810-“Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар” ҳисобварағида ҳисобга олинган сумма кўрсатилади.

“Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар” моддаси бўйича (260-сатр) йил бошидан ҳисоблаб ёзилган, қонун ҳужжатларига мувофиқ корхона ўз фойдасидан тўлайдиган солиқлар ва йиғимлар суммаси акс эттирилади.

Улар учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солишнинг махсус тартиби назарда тутилган корхоналар 260-сатр бўйича ҳисоблаб ёзилган ягона солиқ, ялпи даромаддан солиқ, ягона ер солиғи суммасини акс эттирадилар.

“Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)” моддаси бўйича (270-сатр) ҳисобот даврининг пировард молиявий натижаси кўрсатилади, у 240-250-260-сатрлар айирмаси сифатида белгиланган.

“Бюджетга тўловлар бўйича маълумотнома”да (280-430-сатрлар) корхоналар томонидан солиқ қонунчилигига мувофиқ ҳисоблаб, ёзилган ва тўланадиган солиқлар турлари бўйича бюджетга тўловлар кўрсатилади. Мазкур маълумотномада 440-сатр бўйича корхоналар томонидан ҳисоблаб, ёзилган ва тўланадиган бюджетга тўловларнинг якуний суммаси кўрсатилади.

3.4. «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома»: тузиш ва тўлдириш тартиби

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотномада ҳисобот даври охириги санасида корхона дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳолати акс эттирилади.

2-устунда – “Дебиторлар ва кредиторлар рўйхати” - дебитор (кредитор)дан юқори турадиган вазирликлар (идоралар) бўйича дебитор ва кредиторлар рўйхати келтирилади. Агар дебитор (кредитор) юқори турадиган вазирликка (идорага) эга бўлмаса, юридик шахснинг тўлиқ номини кўрсатиш лозим.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги қарзлар бўйича дебитор (кредитор) номи (тўлиқ ёки умумқабул қилинган қисқартиришлар билан) кўрсатилади, шунингдек, қавсларда мамлакатнинг номи кўрсатилади.

2-устунда 2.1, 2.2.1, 3.1, 5.1, 5.2.1, 6.1-сатрлар бўйича мажбурий тартибда дебитор (кредитор)нинг номини кўрсатиш лозим.

3-устунда қарзнинг умумий суммаси кўрсатилади, хусусан:

а) 1-сатр бўйича дебиторлик қарзининг умумий суммаси кўрсатилади, у 3-устуннинг 2 ва 3-сатрлари суммасига тенг бўлиши керак;

б) 4-сатр бўйича кредиторлик қарзининг умумий суммаси кўрсатилади, у 3-устуннинг 5 ва 6-сатрлари суммасига тенг бўлиши керак.

Дебиторлик қарзининг умумий суммаси ўз ичига ижара бўйича олинадиган тўловларни, харидор ва буюртмачилардан, шуъба ва тоб хўжалик жамиятларидан, давволар бўйича олишга доир ҳисобварақларни; ходимларга, маҳсулот етказиб берувчиларга, пудратчилар берилган бўнақларни; бюджетга, давлат мақсадли жамғармаларига м суғурта бўнақ тўловларини; муассисларнинг устав сармоясига бадаллар бўйича қарзларини; ходимлар ва бошқа дебиторларнинг бошқа операциялар қарзларини, шу жумладан ички идоравий ҳисоб-китобларни олади. Бунда ички идоравий ҳисоб-китоблар деганда мустақил балансларга эга бўлган ва бир муайян вазирлик, идора, корпорация уюшма, концерн ёки бирлашма таркибига қирадиган корхоналар ва ташкилотлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар тушунилади. Дебиторлик қарзининг умумий суммаси бухгалтерия баланси 1-сон шаклининг 110 ва 210-сатрлари суммасига мувофиқ келиши керак.

Кредиторлик қарзининг умумий суммаси ўз ичига маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар, шуъба ва тобе хўжалик жамиятлари тўлашга доир ҳисобварақларни; олинган бўнақларни; бюджетга, с

гурта бўйича, давлат мақсадли жамғармалари, муассислар олдидаги, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ва бошқа кредиторлар олдидаги тўловлар бўйича қарзларни, шу жумладан ички идоравий корхоналар билан ҳисоб-китобларни олади. Кредиторлик қарзининг умумий суммаси бухгалтерия баланси 1-сон шаклининг 491 ва 601-сатрлари суммасига мувофиқ келиши керак.

3-устун бўйича 2, 2.1, 2.2, 2.2.1, 3.3.1-сатрлар бўйича 1-сатр бўйича акс эттирилган дебиторлик қарзининг умумий суммаси қуйидаги тартибда очиб кўрсатилади:

а) 2-сатр бўйича республика ичида дебиторлик қарзининг умумий суммаси кўрсатилади;

б) 2.1-сатр бўйича республика ичида дебиторларнинг номлари бўйича қарз кўрсатилади;

в) 2.2-сатр бўйича ички идоравий дебиторлик қарзининг умумий суммаси келтирилади;

г) 2.2.1-сатр бўйича 2-сатрдан ажратилган, дебиторлар номлари бўйича ички идоравий қарз суммаси кўрсатилади;

д) 3-сатр бўйича республиканинг ташқарисида дебиторлик қарзининг умумий суммаси кўрсатилади;

е) 3.1-сатр бўйича республиканинг ташқарисида дебиторлар номлари бўйича қарз кўрсатилади.

4, 5, 5.1, 5.2, 5.2.1, 6, 6.1-сатрлар 184 ва 185-бандларга кўра, дебиторлик қарзига ўхшаш ҳолда тўлдирилади.

4-устунда муддати ўтказиб юборилган, конун ҳужжатларида белгиланган муддатларда сўндирилмаган қарзнинг умумий суммаси кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 19 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги “Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-1154-сон Фармони қисман ўзгартириш тўғрисида” ПФ-2340-сон Фармонининг 1-бандига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1999 йил 7-сон) дебиторлик қарзи товарлар ҳақиқатда юклаб жўнатилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб 90 кун ўтгач, ўтказиб юборилган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 сентябрдаги “Табий газни етказиб бериш ва унинг учун ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 439-сон Қарори би-

лан ("Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами", 1999 йил 9-сон, 57-модда) айрим корхоналарга (қарорга 5-илова) мавсумийлик ва технологик жараёнларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, истисно тариқасида "Ўзтрансгаз" АКга етказиб берилган газ учун 120 кун давомида ҳақ тўлаш ҳуқуқи берилган. Юқорида кўрсатилган Қарорнинг 5-илласида саналган корхоналар учун ўтказиб юборилган дебиторлик қарзининг муддати товарлар ҳақиқатда юклаб жўнатилган, ишлар бажарилган, хизматлар кўрсатилган кундан бошлаб 120 кун ўтгач, белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги "Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 511-сон Қарорига кўра (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 44-сон, 460-модда) етказиб берилган (истеъмол қилинган) электр энергияси учун муддати ўтказиб юборилган қарзлар муддати барча юридик шахсларга календарь ой тугаганидан кейин 30 кун ўтиши билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 февралдаги "Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-5-сон қарорига кўра (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 5-6-сон, 30-модда) кўрсатилган (истеъмол қилинган) коммунал хизматлар учун муддати ўтказиб юборилган қарзлар муддати барча юридик шахсларга календарь ой тугаганидан кейин 30 кун ўтиши билан белгиланади.

ЎзР АВ 19.05.2005 й. 1209-3-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МВ Буйруғига мувофиқ бешинчи-ўнинчи хатбошилар тегишлича олтинчи-ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарори билан тасдиқланган Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ("Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2003 йил, 17-18-сон, 146-модда) мувофиқ (ЎзР АВ 20.12.2004 й. 1209-2-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МВ Буйруғи таҳриридаги хат боши);

а) марказлаштирилган манбалар ҳисобига объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуришни амалга оширувчи бош пудратчи ташкилотлар учун, шартномада кўрсатилган камида 45% миқдордаги сумма бў

йича муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзининг муддати объект қабул қилиш комиссияси томонидан қабул қилиб олинган кундан бир ой ўтгач, белгиланади; (ЎзР АВ 20.12.2004 й. 1209-2-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МВ буйруғи таҳриридаги хат боши);

б) марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни амалга оширувчи бош пудратчи ташкилотлар учун шартномада кўрсатилган 5% миқдордаги кафолат суммаси бўйича муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзининг муддати шартномада келишилган кафолат муддати тугаган молиявий йил якунлангандан сўнг белгиланади (ЎзР АВ 20.12.2004 й. 1209-2-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МВ буйруғи таҳриридаги хат боши).

ЎзР АВ 20.12.2004 й. 1209-2-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МВ буйруғига мувофиқ тўртинчи-еттинчи хатбошилар мос равишда саккизинчи-ўнинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 июндаги “Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 245-сон қарорига кўра (“Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами”, 2000 йил 6-сон, 33-модда), марказлаштирилмаган экспорт операциялари бўйича тушумнинг келиб тушиши ёки товарни қайтадан олиб келиш муддати 60 кундан ошмаслиги керак, муассислар томонидан хориждаги корхоналар (савдо уйлари, савдо ваколатхоналари, шуъба ва тобе хўжалик жамиятлари, фирма дўконлари, дилерлик тармоқлари ва консигнация омборлари) манзилига олиб чиқиладиган товарлар бўйича – 180 кундан ошмаслиги керак. Ташқи савдо операциялари бўйича қарз божхона чегарасидан ўтилганидан кейин тегишлича 60 ва 180 кун ўтгач, ўтказиб юборилган деб ҳисобланади.

Бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар бўйича кредиторлик қарзи конун ҳужжатларида белгиланган тўлов муддатлари тугаганидан кейин келадиган кундан бошлаб ўтказиб юборилган ҳисобланади.

Бошқа кредиторлик қарзлари бўйича ўтказиб юбориш муддати сўндиришнинг муайян муддатлари белгиланган хўжалик шартномалари асосида аниқланади.

Корхонага боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича юзага келган қарзлар бўйича:

а) 5-устунда корхонага боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича юзага келган умумий қарз кўрсатилади, хусусан:

1-сатр бўйича – дебиторлик қарзининг умумий суммаси, у 7, 9, 11, 12-устунларда кўрсатилган суммага тенг бўлиши керак;

4-сатр бўйича – кредиторлик қарзининг умумий суммаси, у 7, 11, 12-устунларда кўрсатилган суммага тенг бўлиши керак;

б) 6-устунда ўтказиб юборилган қарзнинг умумий суммаси кўрсатилади (ўтказиб юбориш муддати мазкур қоидаларнинг 187-бандига мувофиқ аниқланади);

в) 7-устунда корхона ва ташкилотнинг ҳукумат қарорларига кўра олдиндан ҳақ тўламасдан юклаб, жўнатиш назарда тутилган бўлак маҳсулот (иш, хизмат) бўйича умумий дебиторлик (кредиторлик) қарзи кўрсатилади. Ундан ўтказиб юборилган қарз 8-устун бўйича акс эттирилади (ўтказиб юборилган муддат мазкур қоидаларнинг 187-бандига мувофиқ аниқланади);

г) 9-устунда улар бўйича хом ашё ва материалларни давлат захиралари ва фондларидан юклаб, жўнатиш назарда тутилган бўлак тўловларининг суммаси кўрсатилади. Ундан муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзи 10-устунда кўрсатилади (ўтказиб юборилган муддат мазкур Қоидаларнинг 187-бандига мувофиқ аниқланади). 9 ва 10-устунларда акс эттириладиган маълумот фақат дебиторлик қарзи қисмида тўлдирилади;

д) 11-устунда корхона ва ташкилотнинг ҳукумат қарорлари бўйича қарзни сўндириш муддати аниқланган тартибда кечиктирилган қарзи акс эттирилади;

е) 12-устунда қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этилган давволар бўйича суд тергаб-текшируви жараёни борадиган қарз суммаси кўрсатилади. Бу ерда у бўйича хўжалик судининг кредитордан ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорлари чиқарилган қарз ҳам акс эттирилади.

Зарурат туғилган тақдирда корхона ва ташкилотларга “Корхонага боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича юзага келган қарз” бўлимида қўшимча устунлар очишга рухсат берилади.

2а-сон шакл сатрларининг миқдори тегишлича 2.1, 2.2.1, 3.1, 5.1, 5.2.1, 6.1-сатрлар бўйича кўрсатиладиган дебиторлар ва кредиторлар миқдорига боғлиқдир.

2а-сон шакл раҳбар ва бош бухгалтер томонидан имзоланади ҳамда ҳар бир саҳифада муҳр билан тасдиқланади.

IV боб. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

4.1. Бозор иқтисодиёти шароитида асосий воситаларнинг корхонани ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятида тутган ўрни

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда асосий воситаларнинг ўрни ниҳоятда каттадир. Асосий воситалар корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнида жуда катта роль ўйнайди, чунки улар барча корхона таянадиган ва корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини баҳолаш мезони бўлган ишлаб-чиқариш техника базасини ташкил этади.

«Асосий воситалар» номли 5-сон БҲМАнинг 7-бандига асосан, асосий воситалар узоқ давом этадиган вақт мобайнида (бир йилдан ортиқ вақт давомида) моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, ноишлаб чиқариш соҳасида ҳам амал қиладиган, шунингдек, ижарага бериш учун фойдаланиладиган моддий активлардир.

Асосий воситалар бажарадиган вазифасига кўра ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш воситаларига бўлинади. Ишлаб чиқаришнинг асосий воситалари бевосита моддий неъматларни яратишда иштирок этадиган воситалардир. Ноишлаб чиқариш асосий воситалари гуруҳига уй-жой ҳамда коммунал-хўжалик, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқаларнинг асосий воситалари киритилади.

Ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятида асосий воситалар объектлардан фойдаланиш даражасига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- ◆ фойдаланилаётган;
- ◆ захирада турган;
- ◆ ишламаётган асосий воситалар.

Асосий воситаларнинг бундай гуруҳланиши улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш; эскирган воситаларни алмаштириш, кераксиз асосий воситаларни бошқа корхонага бериш ёки сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш, шунингдек, уларнинг эскиришини тўғри ҳисоб-китоб қилиш учун зарур.

Асосий воситалар натурал-моддий таркибига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

Асосий воситалар



Ер амалдаги қонунчиликка биноан қорхонага мулк тарзида берилган ер майдонидир. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 17-моддасига биноан, «юридик шахслар Ер кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий эгаллик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (вақтинча) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин». Ернинг қийматиға уни харид қилишда кўчмас мулк агентликларига тўланадиган комиссия тўловлар, адвокатлик хизмати учун ҳақ, харид қилишдаги солиқ тўловлари, дренаж қиймати, ерни тозалаш ва бошқа харажатлар қўшилади.

Ерни ободонлаштириш бўйича капитал сарфлар таркибига ернинг унумдорлигини ошириш, автомобиль ва бошқа транспорт турларига тўхташ жойларини барпо этиш ҳамда шунга ўхшаш бошқа харажатлар кирди.

Иморатлар ҳамда биноларга ишлаб чиқариш корпуслари, цехлар, устахоналар, бошқарма бинолари, омборхоналар, турар-жой бинолари ва бошқа ишлаб чиқариш, маъмурий-хўжалик ва ижтимоий-маиший мақсадлардаги объектлар, шунингдек, улардан тўғри фойдаланиш учун зарур бўлган жами коммуникация воситалари (ис-

тиш, ёритиш, шамоллатиш, сув-газ таъминоти тизими, ички телефон ва сигнализация воситалари, лифт хўжалиги) киради.

Иншоотларга меҳнат жараёни ва унинг натижаларини ўзгартирмаган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнларининг техникавий ёки умумий вазифаларини бажаришга хизмат қиладиган объектлар (нефть ва газ қудуқлари, шахта йўллари, автомобиль йўллари, кўприklar, эстакадалар, сув омборлари ва бошқалар) киради.

Узатувчи мосламаларга машина-двигателдан иш машиналарига электр, иссиқлик, механик энергияни узатишга, шунингдек, суюқ ва газсимон моддаларни бир объектдан бошқа объектга етказиб беришга хизмат қиладиган қурилмалар (электр узатиш йўллари, қувур йўллари, иссиқлик ва газ тармоғи ҳамда бошқалар) киради.

Машина ва жиҳозлар асосий воситаларнинг энг асосий тури ҳисобланади ва ўз навбатида қуйидаги гуруҳлардан таркиб топади:

◆ куч машина ва жиҳозлари электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарадиган ёки уни механик ҳаракат энергиясига айлантириб берадиган генератор-машиналар, двигатель машиналар (қозонхоналар, буғ двигателлари, турбиналар, куч трансформаторлари ва бошқалар)дир;

◆ иш машиналари ва жиҳозлари меҳнат предметларига механик, термик, кимёвий ёки бошқа йўсинда технологик ишлов беришга, уларни ишлаб чиқариш жараёнида қўзғатиш, қазиб олиш, эритиш, тайёрлашга хизмат қиладиган қурилмалар (станоклар, аппаратлар, агрегатлар)дир;

◆ ўлчов ва ростлаш асбоблари ҳамда қурилмалари ва лаборатория жиҳозлари фойдаланиладиган техника ишидаги турли параметр (кўрсаткич)ларни ўлчаш, ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш, ҳом ашё, материаллар ва тайёр маҳсулотлар сифатини текшириш, намлик даражаси, шовқин таъсири ва бошқаларни ўлчашда ишлатилади. Уларга манометрлар, тарозилар, микроскоплар, диспетчерлик назорати ва бошқалар киради;

◆ ҳисоблаш техникаси маълумотларни электрон ҳисоблаш машиналарида қайта ишлайдиган воситалардир. Уларга компьютерлар, принтерлар ва бошқа компьютер воситалари киради;

◆ бошқа машина ва жиҳозларга юқорида санаб ўтилмаган машина ва жиҳозлар (ўт ўчириш ва бошқа махсус машиналар) киради.

Транспорт воситалари кишилар ҳамда юк ва турли мақсадлардаги нарсаларни ташишга мўлжалланган ҳаракат воситалари (те-

мир йўл, сув, автомобиль, коммунал транспорти ва муҳим нефть қу-
вур йўллари)дир.

Асбоб ва ускуналар қўл меҳнати жараёнида ишлатиладиган ёки
иш қисмларини кучайтириш, ошириш учун машинага бириктирила-
диган воситалар (электродреллар, вибраторлар)дир.

Ишлаб чиқариш инвентарлари ишлаб чиқариш жараёнини ен-
гиллаштиришда ишлатилади. Уларнинг таркибига бақ, контейнер, ин-
вентарь идишлари киради.

Хўжалик инвентари идора (офис) ишларини ва хўжаликни
юретишда зарур бўлган меҳнат воситаларидир.

Иш ҳайвонлари ва маҳсулдор чорва ҳар бир етилган мол (от,
хўкиз, сигир)лар бўлиб, алоҳида инвентарь объекти сифатида ҳисобда
акс эттирилади.

Кўп йиллик дарахтлар алоҳида хиёбон, парк, боғдаги миқдори
ва ёшидан қатъий назар, экилган дарахтлар гуруҳидир.

4.2. «Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот» тузиш ва тўлдириш тартиби

Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисоботдаги корхона-
нинг асосий воситалари мавжудлиги ва ҳаракати кўрсатилади.

3-устун ва 6-устунда корхонанинг балансида қайд этилган барча
асосий воситалари қиймати (тегишлича ҳисобот даврининг боши ва
охирисидаги ҳолат бўйича), шу жумладан ижарага топширилган, бепул
тақдим этилган ёки ишлатилмаётган (консервация, захирада бўлган
ва ҳоказо) асосий воситаларнинг айрим турлари ҳам акс эттирилади.
Маълумотлар дастлабки қиймат бўйича келтирилади.

4-устунда ҳисобот даврида асосий воситаларнинг умумий ҳола-
ти барча манбалар бўйича акс эттирилади, шу жумладан: кўшимча
баҳолаш, илгари ҳисобга олинмаган, ҳақ эвазига харид қилинган
воситалар, оборотдаги воситалардан асосий воситаларга ўтиш, бошқа
корхоналар ва ташкилотлардан бепул тушумлар (агар баланс йи-
бошида ўзгарган бўлса), шунингдек, ҳисобот йилида молиялашнинг
барча манбалари бўйича ишга туширилган янги асосий воситалар, шу
жумладан банк кредитлари ҳисобига кирим қилинган воситалар.

5-устунда ҳисобот йилида асосий воситаларнинг умумий чиқи-
ш кетиши акс эттирилади, шу жумладан: нархни тушириш, ортиқча
ишлатилмайдиган мол-мулкни сотиш тартибида, пулга сотилган асо-
сий воситалар, асосий воситалардан оборот воситалар сирасига ўти-
шиш, бошқа корхона ва ташкилотларга бепул берилганлари, шунинг

дек, ҳисобот йилида тузилиши ва эскириши, табиий офатлар ва авариялар оқибатида, таъмирлаш ва янги қурилиш сабабли ва бошқа сабабларга кўра тугатилган асосий воситаларнинг тўлиқ қиймати (эскиришни чегирмасдан).

7-устун ва 10-устунда йил бошидаги ва ҳисобот даври охиридаги ҳолат бўйича асосий воситалар турларига доир жамланган эскириш суммаси акс эттирилади.

8-устунда ҳисобот даврида барча манбалар бўйича асосий воситаларнинг ҳисоблаб ёзилган эскириш суммаси, шу жумладан қўшимча баҳолаш чоғида эскиришни қўшимча ҳисоблаш, илгари ҳисобга олинмаган эскириш, илгари фойдаланишда бўлган асосий воситалар бўйича эскириш акс эттирилади.

9-устунда асосий воситаларни тугатиш, сотиш ва уларнинг бошқача чиқиб кетиши жараёнида чиқиб кетган воситалар бўйича ҳисоблаб ёзилган эскириш акс эттирилади.

11-устунда асосий воситаларнинг йил бошида 3-устун ва 7-устун маълумотлари ўртасидаги айирма натижаси сифатида олинган қолдиқ қиймати акс эттирилади.

12-устунда асосий воситаларнинг ҳисобот даври охирида 6-устун ва 10-устун маълумотлари ўртасидаги айирма натижаси сифатида олинган қолдиқ қиймати акс эттирилади.

«Жами асосий воситалар» моддаси бўйича ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш асосий воситаларининг ҳаракати алоҳида сатрлар бўйича кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш асосий воситаларига саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш ва моддий ишлаб чиқариш соҳасига тааллуқли бошқа фаолият турлари билан боғлиқ воситалар киради.

Ноишлаб чиқариш асосий воситаларига уй-жой ва коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот, калк таълими, маданиятга оид ва ҳоказо воситалар киради.

«Тугалланмаган қурилиш» моддаси бўйича (140-сатр) пудрат ва хўжалик усули билан бажариладиган объектлар қурилишига, шунингдек, асосий воситаларни харид қилишга доир корхона харажатларининг ҳаракати акс эттирилади.

Кичик бўлимнинг 4-устунида объектлар қурилиши пудрат ташкилотларининг тўлашга қабул қилинган ва тўланган тўловномалари

ва асосий воситаларни харид қилишга доир корхона қилган харажатлар кўрсатилади.

Кичик бўлимнинг 5-устунида фойдаланишга топширилган курилиш объектлари ва харид қилинган асосий воситаларнинг, шунингдек асосий воситалар қийматини кўпайтирмайдиган ҳисобдан чиқарилган харажатларнинг қиймати кўрсатилади.

«МА'ЛУМОТ УЧУН» кичик бўлимида кўрсатилади:

а) 150-сатр бўйича – йил давомида харид қилинган асосий воситаларнинг қиймати;

б) 151-153-сатрлар бўйича – корхона томонидан йил давомида объектлар курилишини молиялашга ва манбалар гуруҳлари бўйича асосий воситаларни харид қилишга ишлатилган маблағларни очиб бериш;

в) 160-сатр бўйича – бошқа корхоналарга ижарага берилган корхона асосий воситалари алоҳида турларининг қиймати (маълумотлар асосий воситалар қандай акс эттирилган бўлса, барча устунлар бўйича келтирилиши керак);

г) 170-сатр бўйича – ижарадаги корхона таркибида қайд этилган ижарага олинган алоҳида турлардаги ва умуман, асосий воситалар қиймати (маълумотлар асосий воситалар қандай акс эттирилган бўлса, барча устунлар бўйича келтирилиши керак).

ҲАҚИҚАТ ПУЛ ОҚИМЛАРИ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

5.1. Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот тузишнинг услубий асослари

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот ундан фойдаланувчиларга хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволидаги ўзгаришларни баҳолашга имкон беради, уларни ҳисобот даврида қанча пул тушгани ва қанча пул чиққани тўғрисидаги ахборот билан таъминлайди.

Бошқа молиявий ҳисоботлар билан бирга фойдаланиш чоғида пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот ахборотлари молиявий ҳисоботнинг фойдаланувчилар учун хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағларини ва уларнинг эквивалентларини жалб этиш қобилиятини баҳолашга база бўлиб хизмат қилиши билан фойдалидир. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот пул тушумлари ва тўловларини учта асосий тоифага ажратади: операция фаолияти, инвестиция фаолияти ва молиявий фаолият. Ҳар уч тоифанинг пул маблағига биргаликда таъсири ҳисобот даврида пул маблағининг соф ўзгаришини белгилаб беради. Пул оқимлари ҳаракати тўғрисидаги ахборот бўлажак пул оқимлари прогнози тўғрилигини текшириш чоғида, фойда олиш ва пул оқимларининг соф ҳаракати ва нарх ўзгариши таъсири ўртасидаги алоқаларни таҳлил қилиш чоғида зарур бўлади.

Пул маблағлари – кассадаги нақд пул ва талаб қилиб олинган депозитлар, шунингдек, банкнинг ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисобварақларидаги маблағлар.

Пул эквивалентлари – маълум пул маблағига тез ва осон алмаштириладиган ҳамда қийматидаги ўзгаришлар туфайли биров хатари бўлмаган қисқа муддатли, юқори ликвидли инвестициялар (молиявий қийматлар).

Пул оқимлари – пул маблағлари ҳамда улар эквивалентларининг оқими (тушуми) ва чиқими (сарфланиши, чиқиши)дан иборат.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот – ҳисобот даврида пул маблағи оқимларини батафсил кўрсатувчи кўрсаткичлар йиғиндиси.

Операция фаолияти – хўжалик юритувчи субъектнинг даромад келтирувчи асосий фаолияти, шунингдек, субъектнинг инвестиция ва молия фаолиятига оид бўлмаган ўзга хўжалик фаолияти.

Инвестиция фаолияти – пул эквивалентларига киритилмаган юқори муддатли активлар ва бошқа инвестиция объектларини сотиб олиш ва сотиш.

Молиявий фаолият – хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти бўлиб, унинг натижасида ўз маблағи ва қарз маблағлари миқдори ва таркибида ўзгаришлар юз беради.

Пул маблағи эквивалентларидан, асосан, инвестициялар ва бошқа мақсадлар учун эмас, балки фақат қисқа муддатли мажбуриятлар бўйича тўловлар учун фойдаланилади. Инвестицияларни пул эквиваленти деб ҳисоблаш учун улар эркин равишда нақд пулга айлантириладиган бўлиши ва қийматининг ўзгаришида бироз хавф бўлиши лозим. Шу сабабли инвестиция қисқа муддатда тўланадиган бўлса, яъни харид қилинган пайтдан бошлаб тахминан уч ой ичида тўланадиган бўлса, уни пул эквиваленти деб ҳисоблаш мумкин бўлади.

Банк заёмлари молиявий фаолиятга тааллуқлидир, лекин талаб қилинган пайтда тўланадиган банк овердрафтлари корхоналар пул маблағини бошқаришнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шу муносабат билан банк овердрафтлари пул маблағининг таркибий қисми ёки уларнинг эквиваленти ҳисобланади.

Пул оқими пул маблағлари ва пул эквивалентлари моддаларни ўртасидаги ҳаракатни ўз ичига олмайди, чунки улар операция, молия ёки инвестиция фаолиятига кирмайди ёки хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағларини бошқаришга тааллуқлидир. Пул маблағларини бошқариш пул маблағлари ва пул эквивалентларининг орттириш ва олиш ҳисобидан ишга солишни ўз ичига олади.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот ҳисобот даври давомид операция, инвестиция ёки молиявий фаолият натижасида хўжалик юритувчи субъект олган пул оқимлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши лозим бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг операция фаолияти натижасидан вужудга келадиган пул оқими ҳажми хўжалик юритувчи субъектнинг амалга оширадиган операция фаолияти натижасида олинган пул оқимлари ҳаракати ссудаларни тўлаш, хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш қувватларини сақлаб туриш, дивидендларни тўлаш ва молиялаштиришнинг ташқи манбаларига мурожаат қилинмаган янги инвестициялар учун қанчалик етарли эканини акс эттирувчи асосий кўрсаткич ҳисобланади. Операция фаолиятидан келадиган олдинги пул оқимининг айрим қисмлари тўғрисидаги ахборотдан операция фаолиятидан бўлажак пул оқимларини прогноз қилиш учун ахборотнинг бошқа турларидан қўшиб фойдаланиш мумкин бўлади.

Операция фаолиятидан пул оқими хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолиятидан келиб чиқади. Одатда хўжалик юритувчи

субъектнинг асосий фаолияти маҳсулотни сотишга, ишларни бажаришга ёки хизмат кўрсатишга қаратилган бўлади. Операция фаолиятдан асосий пул оқимига қуйидагилар киради:

- товарларни сотиш ва хизмат кўрсатишдан тушган пул;
- роялти, бадаллар, воситачилик ҳақи ва ўзга йўллар билан пул маблағлари тушуми;
- товарлар ва хизматлар учун уларни етказиб берувчиларга пул тўловлари;
- ходимларга ва ходимлар номидан тўловлар;
- суғурта компаниясининг суғурта полислари бўйича мукофотлари, талаблари, йиллик ва ўзга тўловлари бўйича пул тушумлари ва тўловлари;
- солиқлар бўйича пул тўловлари ёки унинг ўрнини босувчи тўловлар, агар улар инвестиция ва молия фаолиятига тааллуқли бўлмаса;
- савдо ёки дилерлик мақсадларида тузилган битимлар бўйича пул тушумлари ва тўловлари;
- бошқалар.

Асосий воситалар бирликларини сотиш каби айрим операциялар бўйича фойда келиши ва зарар кўрилиши мумкин, улар соф фойда ёки зарар қаторига киритилади. Лекин бундай битимлар бўйича пул оқими инвестиция фаолиятдан чиқадиган пул оқимларига киритилади.

Корхона воситачилик ёки савдо мақсадлари учун қимматли қозғалар ёки ссуда олган бўлиши мумкин, бундай ҳолатларда улар қайта сотиш учун харид қилинган товар - моддий захираларга ўхшаш бўлади.

Хўжалик юритувчи субъект инвестиция фаолиятдан келадиган пул оқими тўғрисидаги ахборотни алоҳида кўрсатиб беради. Инвестиция фаолиятдан пул оқими тўғрисидаги ахборот келажакда даромад ва пул оқими миқдорини белгилайдиган ресурслар бўйича қилинган қаражатлар даражасини кўрсатади. Инвестиция фаолиятдан олинган асосий пул оқимларига қуйидагилар киради:

- асосий воситаларни, номоддий ва ўзга узоқ муддатли активларни харид қилишга пул тўловлари. Бу тўловлар тажриба – конструкторлик ишларига ажратилган сармоялаштирилган қаражатлар, шунингдек, хўжалик суди билан амалга оширилган қурилишлар билан боғлиқ бўлган тўловларни ўз ичига олади;

– асосий воситаларни, номоддий ва ўзга узоқ муддатли активларни сотишдан олинган пул тушуми;

– бошқа субъектларнинг акциялари ёки қарз мажбуриятларини ҳамда қўшма корхоналарда иштирок этиш ҳуқуқини сотиб олишга доир пул тўловлари, пул эквивалентлари ҳисобланган ёки дилерлик мақсадларига ёки савдо мақсадларига сақлаб қўйилган тўлов ҳужжатлари бўйича тўловлар (векселлар каби ҳужжатлар бўйича тўловлардан ташқари);

– бошқа субъектларнинг акциялари ва қарз мажбуриятларини ҳамда қўшма корхоналарда иштирок этиш ҳуқуқини сотишдан келган пул тушумлари, пул эквиваленти ҳисобланган ёки дилерлик ёки савдо мақсадлари учун сақланаётган вексель каби тўлов ҳужжатлари бўйича тушумлар бунга кирмайди;

– бошқа тарафларга берилган бўнақлар ва кредитлар (молиявий муассасаларга берилган бўнақлар ва кредитлардан ташқари);

– бошқа тарафларга берилган бўнақлар ва ссудалар қайтарилишидан пул тушумлари (молиявий муассасаларга берилган бўнақлар ва кредитлардан ташқари);

– фьючерс ва форвард битимлари, опцион битимлар ва своп битимлар бўйича тўловлар, улар дилер ёки савдо мақсадлари учун мўлжалланган ҳолатлар бундан мустасно бўлади ёки тўловлар молиявий фаолият сифатида тасниф этилади.

– фьючерс ва форвард битимлари, опцион битимлар ва своп битимлар бўйича пул тушумлари, улар дилер ёки савдо мақсадлари учун мўлжалланган ҳолатлар бундан мустаснодир ёки тўловлар молиявий фаолият сифатида тасниф этилади.

– ва бошқалар.

Битим муайян позицияни хежлаш (хежлаш - битим ҳимоя усули бўлиб, бунда субъект тахмин қилинган йўқотишларнинг ўрнини қоплатиш ниятида хорижий валютада форвард, фьючерс битимлари ва бошқа битимлар бўйича активлар ёки мажбуриятларни сотиб олиш тарзида ифодаланган валюта қиймати фарқидан вужудга келадиган йўқотишлардан ўзини холи қилиш имкониятига эга бўлади) сифатида ҳисобга олинади, битим бўйича пул оқими суғурта қилинадиган позициядан пул оқими сифатида фаолият турига киритилади.

Хўжалик юритувчи субъект молиявий фаолиятдан бўладиган пул оқимлари тўғрисидаги ахборотни алоҳида кўрсатади. Бу ахборот молиявий фаолиятдан бўлажак пул оқимларини тахмин қилиш учун

арур бўлади. Молиявий фаолиятдан келадиган асосий пул оқимларига қуйидагилар киреди:

– акциялар ёки ўз маблағи билан боғлиқ бошқа воситаларни чиқаришдан келадиган пул тушумлари;

– субъектлар акцияларининг ҳақини тўлаш ёки сотиб олиш учун пулнинг эгаларига тўловлар;

– таъминланмаган облигациялар эмиссиясидан, молия корхоналари томонидан берилган ссудалардан, гаровга қўйилган ва бошқа қиска ҳамда узоқ муддатли заёмлардан пул тушумлари;

– заёмларни тўлаш;

– молиявий лизинг бўйича мажбуриятларни қисқартириш учун ижарачиларнинг тўловлари;

– ва бошқалар.

Хўжалик юритувчи субъект операция фаолиятдан вужудга келган пул маблағлар ҳаракатини қуйидагилардан фойдаланиб, очиб беради:

– ялпи пул тушумлари ва ялпи пул тўловлари асосий турлари очиб бериладиган бевосита усул;

– билвосита усул. Бу усулга мувофиқ соф даромад ёки зарарга жорий активлар ва мажбуриятларнинг ўзгаришига, ишончсиз операцияларга, шунингдек, операция инвестиция ёки молия фаолияти натижасида олинган даромадлар ва кўрилган зарарларга қараб ўзгартириш киритилади.

Хўжалик юритувчи субъект инвестиция ва молия фаолиятдан ялпи пул тушумлари ва ялпи пул тўловларини ҳисоботда алоҳида-алоҳида акс эттириши керак, нетто асосида (Нетто-асос – соф оқим ёки ҳисобот даврида пул маблағининг камайиши) ҳисобга олинган пул оқимлари бундан мустаснодир.

Мижозлар номидан пул оқимлари нетто асосида очиб берилади, бунда пул оқимларининг ҳаракати юридик шахснинг фаолиятига нисбатан мижоз фаолиятини кўпроқ акс эттиради, масалан:

– Инвестиция ташкилоти ўз мижозларининг топшириғига биноан ушлаб турадиган жамғармалар;

– мулк эгаси номидан ундириладиган ва унга бериладиган ижара тўловлари.

Тезда айланадиган, катта миқдордаги маблағни ўз ичига оладиган ва тўлаш муддати қиска бўлган моддалар бўйича пул оқимлари ҳам нетто асосида очиб берилиши мумкин, масалан:

– пул тушумлари ҳамда тўлаш вақти қайд этилган депозитларни олиш ва тўлаш бўйича тўловлар;

– депозитларни жойлаштириш ва уларни бошқа молия муассасаларидан қайтариб олиш;

– мижозларга берилган пул бўнақлари ва кредитлар ҳамда бу бўнақлар ва кредитларнинг тўланиши.

Хорижий валютадаги операциялардан пул оқимлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан операция амалга оширилган кун учун белгилаб қўйилган алмаштириш қийматидан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси валютасида акс эттирилади.

Хорижий шубҳа жамиятининг пул оқими Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган пул оқими келиб чиққан вақтдаги алмаштириш курси бўйича қайта ҳисобланиши керак.

Хорижий валютанинг алмаштириш курси ўзгаришидан келиб чиқадиган амалга оширилмаган даромад ва зарар пул маблағи ҳаракати ҳисобланмайди. Бироқ алмаштириш курси ставкалари ўзгаришининг хорижий валютада сақланаётган ёки тўланиши лозим бўлган пул маблағига ёки уларнинг эквивалентларига таъсири пул маблағлари ҳаракатини ҳисобот даври бошланиши ва охирида бир-бирига мувофиқлаштириш учун пул оқими тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади. Бу миқдор операция, инвестиция ва молия фаолияти натижасида вужудга келадиган пул оқимидан алоҳида кўрсатилади ва агар пул маблағларининг бу ҳаракати ҳисобот даврининг охиридаги пул алмаштириш курсида акс этадиган бўлса, тафовутга қўшилади.

Фавқулодда моддалар билан боғлиқ пул оқими уларнинг мансабига қараб операция, инвестиция ёки молия фаолиятига таъсир этилишига боғлиқ ҳолда ва алоҳида очиб берилиши лозим.

Фоизлар ва дивидендларни олиш ва тўлаш билан боғлиқ пул оқимини алоҳида кўрсатиш, бир ҳисобот даврдан иккинчи ҳисобот даврига изчиллик билан операция, инвестиция ёки молия фаолиятидан пул оқими сифатида тасниф этиш лозим бўлади.

Банк муассасалари учун тўланган ва олинган фоизлар ҳамда дивидендлар операцияси пул оқимлари сифатида тасниф этилади. Бошқа хўжалик юритувчи субъектлар учун тўланган ва олинган фоизлар ҳамда дивидендлар операция фаолиятидан келадиган пул оқимлари сифатида тасниф қилиниши мумкин, чунки улар соф даромад ёки зарарни аниқлашга қўшилади.

Тўланган дивидендлар молиявий пул оқими сифатида тасниф қилиниши мумкин, чунки улар молиявий ресурсларни олиш учун тўланган ҳақ ҳисобланади.

Даромад (фойда) солиғи бўйича пул оқимлари алоҳида очиб берилиши лозим ва улар операция фаолиятларидан бўладиган пул оқимлари қаторига киради.

Уюшган ёки шуъба корхонада инвестициялар ўз сармояси ёки таннарх усулидан фойдаланиб ҳисобга олинадиган бўлса, инвестор пул оқими тўғрисидаги ҳисоботда ўзи билан инвестиция олувчи ўртасидаги пул оқими билан, масалан, дивидендлар ва бўнақлар билан чекланади.

Шуъба корхоналарни ёки бошқа хўжалик бирликларини харид қилиш ёки сотишдан бўладиган пул оқимлари йиғиндиси алоҳида очиб кўрсатилади ва инвестиция фаолияти сифатида тасниф этилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар кичик корхоналар ва бошқа хўжалик бирликларини харид қилиш бўйича ҳам, уларни сотиш бўйича ҳам, қуйида келтирилган бандларнинг ҳар бирини жамлаб, очиб беришлари лозим.

– харид қилиш ёки сотишнинг умумий қиймати;

– харид қилиш ёки сотишнинг пул маблағи ва пул эквивалентлари воситасида тўланган қисми;

– харид қилинган ёки сотилган шуъба жамиятга ёки хўжалик бирлигига тегишли пул маблағлари ва пул эквивалентлари миқдори;

– активлар ва мажбуриятлар миқдорини, шуъба корхонада харид қилинган ёки сотилган пул эквивалентлари ҳамда пул маблағларидан ташқари ёки активлар ва мажбуриятларнинг тури бўйича.

Пул маблағлари ёки пул эквивалентларидан фойдаланишни талаб қилмайдиган инвестицион ва молиявий операциялар пул оқими тўғрисидаги ҳисоботга киритилмаслиги керак. Бундай операциялар бошқа молиявий ҳисоботларда фаолиятнинг шу инвестицион молиявий турлари тўғрисидаги барча муҳим ахборотни кўрсатадиган тарзда очиб берилиши лозим.

Хўжалик юритувчи субъект, шунингдек, пул маблағлари ва пул эквивалентларининг айрим моддаларини кўрсатиши ҳамда пул оқими тўғрисидаги ҳисоботдаги пул миқдорини бухгалтерия балансидаги тегишли моддалари қийсини тақдим этиш керак.

Хўжалик юритувчи субъект корхонада мавжуд бўлган, лекин гуруҳ фойдалана олмайдиган муҳим пул маблағлари ва пул эквивалентлари қолдиғи миқдорини раҳбариятнинг тушунтириши билан бирга очиб бериши лозим.

Хўжалик юритувчи субъектнинг пул оқими билан унинг бўғинлари ўртасидаги алоқаларни тушуниш учун пул оқимлари бўғинлар бўйича очиб берилиши лозим.

Хўжалик фаолиятининг мазкур турида умуман пул оқими ҳаракати билан унинг айрим таркибий қисмлари ўртасидаги алоқани аниқлаш учун пул оқимларининг бўғинлардаги ҳаракатларини очиб кўрсатиш зарур.

5.2. «Пул оқимлари тўғрисида ҳисобот»: тузиш ва тўлдириш тартиби

Пул оқимлари тўғрисида ҳисоботда корхонанинг молия ресурсларидаги барча ўзгаришлар пул оқимлари ҳаракати нуқтан назаридан акс эттирилади. Ушбу ҳисобот қолган ҳисобот шаклларини тузишда ҳисоблаб ёзиш усули ишлатилишини ҳисобга олган ҳолда инфляция шароитида корхона ликвидлигини янада объектив баҳолаш имконини беради.

Жорий хўжалик, инвестицион ва молиявий фаолиятнинг боришида пул маблағларининг барча ўзгаришлари шундай акс эттириладики, бу ҳол ҳисобот даврининг боши ва охирида пул маблағлари қолдиқлари ва улар эквивалентлари (яъни қисқа муддатли, юқори ликвидли, маълум суммадаги пул маблағларига эркин айланттириладиган, қиймати ўзгариш қаторига озгина учрайдиган инвестициялар) ўртасидаги ўзаро боғлиқликни белгилаш имконини беради.

«Харидорлардан олинган пуллар» моддаси бўйича (010-сатр) сотилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун корхонанинг банкдаги ҳисобварақларига ҳисобот даврида келиб тушган маблағлар суммаси кўрсатилади.

«Мол етказиб берувчиларга тўланган пуллар» моддаси бўйича (011-сатр) мол етказиб берувчиларга моддий бойликлар ва хизматлар (телефон, телеграф ва ҳоказо) учун тўланган пул маблағлари суммаси кўрсатилади, тўланиши тегишлича 040- ва 041-сатрларда акс эттириладиган узоқ муддатли активларни харид қилишга тўловлардан ташқари.

«Хизматчиларга ва хизматчилар номидан тўланган пуллар» моддаси бўйича (012-сатр) ходимларга тўланган пул маблағлари суммаси (меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишида), шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига тўланган маблағлар суммалари, бюджетга тўланган жисмоний шахслар даромад солиғи, алиментлар, уй-жой фонди, ходимларга берилган банк кредитлари учун тўлов, корхонанинг хо

димларга кўрсатиладиган хизматларга ҳақ тўлаши ва кассадан ҳамда ходимлар билан ва улар номидан операцияларга тўғри келадиган банк ҳисобварақларидан бошқа сарфлар ва пул маблағлари ҳамда уларнинг эквивалентларини сарфлаш билан боғлиқ қолган сарфлар кўрсатилади.

«Бошқа пул тўловлари ва тушумлари» моддаси бўйича (013-сатр) «Чиқим» устунда роялти, турли хил тақдирлашлар, комиссия йиғимлар ва бошқа даромадларнинг тўланган пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари суммаси, савдо ва дилерлик мақсадларида тузилган контрактлар бўйича комиссия тўловлар, конвертациялагани учун банкка комиссия тўловлар ва ҳоказолар кўрсатилади, «Кирим» устунда эса уларнинг олинган суммалари кўрсатилади.

«Жами соф пул оқими/хўжалик фаолиятдан чиқим» моддаси бўйича (014-сатр) «Кирим» устун бўйича «+» ва «Чиқим» устун бўйича «-» белгисининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда 010, 011, 012, 013- сатрларни қўшиш натижаси кўрсатилади.

«Олинган фоизлар» (020-сатр) ва «Тўланган фоизлар» моддалари бўйича (021-сатр) тегишлича банк ҳисобварақларига ва корхона кассасига олинган сумма ҳамда тўланадиган фоизлар суммаси кўрсатилади. Олинган ва тўланган фоизлар ҳисоби «Фойда ва зарарлар» ҳисобварағининг «Молиявий фаолиятга доир фойда ва зарарлар» илова ҳисобварағида юритилади.

«Олинган дивидендлар» (022-сатр) моддаси ва «Тўланган дивидендлар» моддаси (023-сатр) бўйича пул маблағлари ҳамда пул эквивалентлари кўринишида олинган ва тўланган дивидендлар суммаси кўрсатилади.

«Жами соф пул оқими/фойдадан инвестициялар ва молиявий хизматга чиқим» моддаси бўйича(024-сатр) «Кирим» устун бўйича «+» ва «Чиқим» устун бўйича «-» белгисининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда 020, 021, 022, 023-сатрларни қўшиш натижаси кўрсатилади.

«Тўланган даромад (фойда) солиғи» моддаси бўйича (030-сатр) тўланган даромад (фойда) солиғи суммаси кўрсатилади.

«Тўланган бошқа солиқлар» моддаси бўйича (031-сатр) барча тўланган солиқлар, божлар ва уларга тенглаштирилган йиғимлар ва ажратмалар, юридик ва жисмоний шахсларнинг даромад (фойда) солиқлари бундан мустасно, суммаси кўрсатилади.

«Жами тўланган солиқлар» моддаси бўйича (032-сатр) 030 ва 031-сатрлар суммаси акс эттирилади.

«Номоддий активларнинг хариди ва сотилиши» моддаси бўйича (040-сатр) «Чиқим» устунда номоддий активларни харид қилиш учун мол етказиб берувчига тўланган (шу жумладан, олдиндан тўланган) пул маблағлари ва эквивалентлари суммаси кўрсатилади. «Кириш» устунда номоддий активларни сотиш улар учун бошқа сотиш ҳисобланган корхоналар номоддий активларни сотганлик учун келиб тушган маблағлар суммаси (шу жумладан, билвосита солиқлар суммаси)ни акс эттирадilar.

«Узоқ муддатли моддий активларни харид қилиш ва сотиш» моддаси бўйича (041-сатр) «Чиқим» устунда узоқ муддатли моддий активлар – кўчмас мулк, бинолар, ускуналар ва бошқа асосий воситаларни харид қилганлик учун мол етказиб берувчига тўланган (шу жумладан, олдиндан ҳақ тўлаш билан) пул маблағлари ҳамда уларнинг эквивалентлари суммаси кўрсатилади. «Чиқим» устунда узоқ муддатли моддий активларни сотиш улар учун бошқа сотиш ҳисобланган корхоналар узоқ муддатли моддий активларни сотишдан келиб тушган маблағлар суммасини (шу жумладан, билвосита солиқлар суммасини) акс эттирадilar.

«Харид қилинган ва қўйилма қилинган узоқ муддатли ва қисқа муддатли қўйилмалар» моддаси бўйича (042-сатр) «Чиқим» устунда, шу жумладан, воситачиларга қимматли қоғозлар хариди учун тўланган комисион пуллар суммаси ва биржада тўланган фоизлар кўрсатилади. «Кириш» устунда ўзиники бўлмаган эмиссияланган қимматли қоғозларни сотишдан тушган маблағлар суммаси, шунингдек, банклар ва бошқа юридик шахсларнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли ссудалари ҳамда қарзлари акс эттирилади.

Тажриба-конструкторлик ишларига капиталлаштирилган харажатлар билан боғлиқ тўловлар ҳам ушбу модда бўйича акс эттирилади.

«Жами соф пул оқими/инвестиция фаолиятидан чиқим» моддаси бўйича (043-сатр) «Кириш» устунда «+» ва «Чиқим» устунда «—» белгисининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда 040, 041, 042-сатрларни қўшиш натижаси кўрсатилади.

«Жами соф пул оқими/молиялашгача чиқим» моддаси бўйича (044-сатр) «Кириш» устунда бўйича «+» ва «Чиқим» устунда бўйича «-» белгисининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда 014, 024, 032, 043-сатрларни қўшиш натижаси кўрсатилади.

«Сармоёга акциялар чиқаришдан тушумлар» моддаси бўйича (050-сатр) ҳисобот даврида чиқарилган акциялар учун акциядорлардан келиб тушган пул маблағлари суммаси акс эттирилади.

«Узоқ муддатли ва қисқа муддатли қарзлар (ссудалар) келиб тушиши» моддаси бўйича (051-сатр) ҳисобот даврида «Кирим» устунида келиб тушган, «Чиқим» устунида тўланган кредит ва қарзларнинг пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

«Ижара мажбуриятлари бўйича тўловлар» моддаси бўйича (052-сатр) «Чиқим» устунида ижарага берувчига тўланган, «Кирим» устунида ижарачидан келиб тушган пул маблағлари ва улар эквивалентлари суммаси кўрсатилади.

«Жами соф оқим/молиявий фаолиятдан чиқим» моддаси бўйича (053-сатр) «Кирим» устунида «+» ва «Чиқим» устунида «-» белгиларининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда 050, 051, 052-сатрлар суммаси кўрсатилади.

«Соф ўсиш/пуллар ва пул эквивалентларининг камайиши» моддаси бўйича (060-сатр) қуйидаги сатрлар суммасининг натижаси сифатида (+/-белгилари таъсирини ҳисобга олган ҳолда) олинган кириш ва чиқим суммаси (тегишлича «Чиқим» ёки «Кирим» устунида) кўрсатилади: 044-сатр+053-сатр.

«Ҳисобот даври бошидаги ҳолат бўйича пул маблағлари ва пул эквивалентлари» моддасига кўра (070-сатр) олдинги йилнинг 31 декабридаги ҳолат бўйича пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (50, 51, 52, 55, 56, 57, 58) пул маблағлари қолдиқлари суммаси ва корхона балансида қайд этилган қисқа муддатли қимматли қоғозлар қиймати кўрсатилади.

«Ҳисобот даври охиридаги ҳолат бўйича пул маблағлари ва пул эквивалентлари» моддаси бўйича (080-сатр) ҳисобот даврининг охириги тақвимий санасидаги ҳолат бўйича пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (50, 51, 52, 55, 56, 57, 58) пул маблағлари қолдиқлари суммаси ва корхона балансида қайд этилган қисқа муддатли қимматли қоғозлар қиймати кўрсатилади.

«Валюта маблағлари ҳаракати» бўлимида ҳисобот йилида корхона валюта маблағларининг ҳаракати кўрсатилади.

Валюта маблағлари Ўзбекистон Республикаси валютасида ҳисобот даврининг охириги санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича акс эттирилади.

«Йил бошидаги қолдиқ» моддаси бўйича (090- сатр) йил бошида корхона валюта ҳисобварақларида ва кассасида бўлган валюта маблағлари суммаси кўрсатилади.

«Жами келиб тушди» моддаси бўйича (100-сатр) йил бошидан валюта тушумлари умумий суммаси, «Шу жумладан:» моддаси бўйича эса валюта маблағларини олиш манбалари кўрсатилади:

а) 101-сатр – «Сотишдан тушум» – йил бошидан корхона олган валюта тушуми суммаси;

б) 102-сатр – «Конвертацияланган» – биржадан ташқари валюта бозорида сотиб олинган валюта суммаси;

в) 103-сатр – «Олинган кредит» – хорижий валютада олинган кредит суммаси;

г) 104-сатр – «Бошқа манбалар» – 101-103-сатрларда санаб ўтилмаган манбалар ҳисобига корхонанинг валюта ҳисобварақлари ва кассасига бошқа валюта тушумлари суммаси.

«Жами сарфланган» моддаси бўйича (110-сатр) корхона томонидан турли мақсадларга сарфланган валюта маблағларининг умумий суммаси акс эттирилади. Валютани сарфлаш йўналишларини санаш «Шу жумладан:» моддаси бўйича 111 - 114-сатрларда очиб берилади.

а) 111-сатр – «Маҳсулот таннархи ва давр харажатларига киритиладиган харажатлар» – маҳсулот таннархи ва давр харажатларига киритилган сарфланган валюта маблағлари суммаси. Масалан, бани хизматларига ҳақ тўлаш;

б) 112-сатр – «Мол етказиб берувчиларга тўловлар» – хом ашё материаллар, товарлар ва бошқа оборот маблағларни харид қилишга сарфланган валюта маблағлари суммаси;

в) 113-сатр – «Кредиторлар бўйича тўловлар, шу жумладан фоизлар» – валюта кредитлари бўйича кредитларни сўндиришга ва фоизларни тўлашга сарфланган валюта маблағлари суммаси;

г) 114-сатр – «Бошқа мақсадларга» – 111-114-сатрларда санаб ўтилмаган бошқа мақсадларга сарфланган валюта суммаси.

«Ҳисобот даври охиридаги колдик» моддаси бўйича (120-сатр) ҳисобот даври охирида корхонанинг валюта ҳисобварақларида ва кассасида бўлган валюта маблағлари суммаси акс эттирилади. Бунинг сумма: 090-сатр+100-сатр – 110-сатрда тенг.

VI боб. ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

6.1. Хусусий капиталнинг таркиби

Хусусийлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва акциядорлаштириш жараёнлари бозор иқтисодиёти шароитида вужудга келган бўлиб, турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритувчи субъектлар салоҳиятини уларнинг хусусий капитал кўрсаткичи характерлайди. Хусусий капиталга етарли даражада эга бўлмаган хўжалик юритувчи субъект ўз фаолиятини узлуксиз ривожлантира олмайди ва бозорда вужудга келадиган рақобатга бардош бериш қобилияти суст бўлади. Шунинг учун ҳам хусусий капиталга эга бўлиш, уни доимий тарзда кўпайтириб бориш бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектни, шу жумладан акционерлик жамиятларини ривожланишига кафиллик берувчи муҳим элемент бўлиб ҳисобланади.

«Хусусий капитал» ёки «капитал» тушунчаси иқтисодий тоифалар таркибига кириб, унинг мазмунини маблағ қўйиш, жойлаштириш ташкил этади. У даромад келтирувчи манбадир.

Бозор муносабатлари бу атамага янгича ёндашишни талаб қилмоқда. Бу эса корхоналарни, шу жумладан акциядорлик жамиятларини ривожланишининг муҳим гарови ва воситаси бўлган хусусий капитал тушунчасининг моҳиятига тўхталишни тақозо қилади.

Акциядорлик жамиятларида ҳам бошқа мулк шаклидаги корхоналар сингари бухгалтерия ҳисобининг объекти молиявий хўжалик фаолиятини шакллантирувчи активлар ва мажбуриятлар ҳисобланади. Лекин шу билан биргаликда, акциядорлик жамиятларида шу мулк шаклининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқадиган ва бухгалтерия ҳисобида инобатга олиш шарт бўлган объектлар ҳам мавжуд. Бухгалтерия ҳисобининг шундай объектларидан бири акциядорлик жамиятларида мулкни тасарруф этиш, бошқариш ва унга эгалик қилиш усули ёрдамида либерал иқтисодий-ижтимоий фаолият кўрсатишдир. Бухгалтерия ҳисобида бу жараён ўзига хос хусусиятларга эга. Буларга акция чиқариш ва унинг муомаласи билан боғлиқ операциялар, хусусий (устав) капитали, қимматли қоғозлар, даромад (фойда), дивиденд тўловлари, махсус шаклландиган фондлар ва фойданинг тақсимооти каби жараёнлар киради. Бу жараёнларнинг барчаси акциядорлик жамиятларида бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос бўлган ҳисоб объектлардир.

Ушбу объектларни тадқиқ қилишда бухгалтерия ҳисобининг муҳим фундаментал тамойилларидан бири бўлган икки ёқлама ёзув тамойилига асосланилди. Бунинг замирида қуйидаги тенглик ётади:

актив=хусусий капитал+мажбуриятлар

Бу тенгликдан кўриниб турибдики, хусусий капитал ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг мулкӣ ва молиявий ҳолатини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1997 йил 15 январидаги 5-сонли буйруғи билан тасдиқланган молиявий ҳисоботнинг 5-шаклда хусусий капиталнинг тузилмаси қуйидагилардан иборат: устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитали, тақсимланмаган фойда, хусусий капитал билан қопланмаган зарар.

Хусусий капитал деганда хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлган мулкнинг қиймати тушунилади. Бу капитал жами капитал билан қарзга олинган капиталнинг ўртасидаги фарқ сифатида аниқла ниши мумкин, яъни

$K_x = K_{ж} - K_{к}$


Бунда, K_x -хусусий капитал, $K_{ж}$ -жами капитал, $K_{к}$ -қарзга олинган капитал.

Хусусий капитални бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун уларни бир қанча белгилари бўйича таснифлаш тақозо қилинади. Аксарият олимлар хусусий капитални таснифлаш белгилари сифатида уларнинг турларини, хизмат муддатларини, ташкил этиш манбаларини олиш зарур, деб ҳисоблайдилар.

Уларни таснифлашда моддийлик белгиси, турган жойи, фаолиятда иштирок этиш даражасини ҳам эътироф этиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, таснифлаш белгиларини иерархиясини тўри асослаш ҳам уни ўрганишда муҳим омилдир. Чунки бу тизимни аниқ белгилаш хусусий капитал элементларини босқичма-босқич биринчи, иккинчи ва учинчи даражали счётларда акс эттириш, улар тўғрисидаги маълумотларни умумийликка қараб йиғиш, жамлаш тўплашнинг яхлит тизимини яратишга имкон беради. Бу эса назарни ва методологик жиҳатдан ката аҳамият касб этади.

Хусусий капитални таснифлашнинг иерархик тизими, бизнингча, қуйидаги кетма-кетликдан ташкил топиши лозим.

Хусусий капитални таснифлаш белгилари иерархик тизими



Ушбу шаклдан кўриниб турибдики, хусусий капитални таснифлашнинг юқори бўғинида унинг моддийлик белгиси туради. Ушбу белгига кўра, акциядорлик жамиятларининг барча хусусий капитални икки гуруҳга, яъни моддий хусусий капитал ва номоддий хусусий капиталга ажратиш мумкин.

Моддий хусусий капитал деганда, акциядорлик жамиятларининг моддий бўлган барча активлари тушунилади. Акциядорлик жамиятларининг барча моддий хусусий капитали барча активларнинг бир қисми сифатида бухгалтерия балансининг «АКТИВ» қисмида жойлашади. Номоддий хусусий капитал ўз ифодасини номоддий активларда топади. Бу ҳам бухгалтерия балансининг актив қисмида жойлашади.

Хизмат муддати белгиси бўйича хусусий капитал акциядорлик жамиятларига қанча муддатда иқтисодий самара бериши, яъни фойда келтириш билан таснифланади. Ушбу белги бўйича барча хусусий капитални узоқ муддатли ва қисқа муддатли хусусий капиталга ажратиш мумкин. Хизмат муддати белгиси сифатида бухгалтерия ҳисобида, одатда бир йиллик муддат қабул қилинган. Ушбу муддатга кўра бир йилдан кўп хизмат қиладиган хусусий капитал узоқ муд-

датли, 1 йилгача амал қиладиган хусусий капитал эса қисқа муддатли хусусий капитал ҳисобланади.


Узоқ муддатли хусусий капиталга асосий воситалар, номоддий активлар (патент, лицензия, турли ҳуқуқлар, янги ғоялар ва бошқалар) ва бир йилдан кам бўлмаган муддатга қўйилган қўйилмалар кирди. Қисқа муддатли хусусий капитални адабиётларда (шу жумладан, 1997 йил 1 январдан қўлланилиб келинаётган бухгалтерия балансида) «айланма активлар» деб ҳам атайдилар. Уларга ишлаб чиқариш заҳиралари, товар моддий бойликлар, пул маблағлари ва бошқалар кирди.

Фаолиятда иштирок этиш даражасига кўра барча хусусий капиталлар фаол ва фаол бўлмаган хусиятларга эга бўлиши мумкин. Одатда, айланма маблағлар, асосий воситаларнинг фаол қисми (машина ва механизмлар) корхона фаолиятида фаол иштирок этади ва кўпроқ фойда келтиради. Ҳисоб-китоблар бўйича бошқа мижозларда бўлган хусусий капитал, яъни дебиторлик қарзлари корхона фаолиятининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Турган жойига кўра хусусий капитал эксплуатациядаги, яъни фойдаланишдаги ва захирадаги (консервация қилинган) хусусий капиталга бўлинади. Фойдаланишдаги капитал бу акциядорлик жамиятларининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини юритишда қатнашаётган капиталдир. Захирадаги капитал эса вақтинчалик қурилиши тугатилмаган бинолар, цехлар, ишлаб чиқаришга мўлжалланиб сотиб олинган, лекин маблағ етишмаслиги сабабли вақтинча омборда туриб қолган ускуна ва жиҳозлардан иборатдир.

Тури ва кўриниш белгисига кўра хусусий капитал реал моддий товар бойликларидан иборат бўлади, яъни у бино, иншоотлар, материаллар, тайёр маҳсулотлар, товарлар, пул маблағлари ва бошқалар ҳисобига шаклланади. Булар ҳам бухгалтерия балансида ўз аксини топган.

Акциядорлик жамиятининг хусусий капитали асосан, қуйидаги манбалар ҳисобидан шаклланишини кузатиш мумкин, яъни: акционерларнинг маблағларидан, таъсисчилар улушидан, фаолиятдан олинган фойдадан, қайтариб бермаслик шарти билан олинган маблағлардан ва ҳоказолардан.



Корхоналар, шу жумладан, акциядорлик жамиятининг хусусий капиталини шакллантириш манбалари ичида энг муҳим ролни устав капитали ўйнайди. Ҳисоб-китобларга кўра устав капиталнинг ҳажмининг жами хусусий капиталдаги ҳиссаси кўпчилик корхоналарда, шу жумладан акциядорлик жамиятларида 90% гача боради.

Бозор иқтисодиёти шароитида янги ташкил этилаётган корхоналар ўз молиявий ва моддий ресурсларини мустақил шакллантиради. Бундай ресурслар, одатда, корхона таъсисчилари томонидан ўз хусусий мулкларини устав капиталига улуш сифатида қўшиш билан шартланади.

Устав капитали – ҳуқуқлар ва имтиёзлар олиш учун корхона таъсисчилари томонидан таъсис ҳужжатларига мувофиқ қўшилган

(тўланган) ҳамда корхонанинг хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий бойликлар, пул маблағлари ва харажатлар мажмуидир.

Устав капиталини ташкил қилиш амалдаги қонунлар ва таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Устав капиталига ҳисса шаклида қўшиладиган моддий ва номоддий активлар таъсисчилар келишувига ёки юридик шахс ижроия органининг қарорига кўра баҳоланади ва ҳисобга олинади.

Бугунги кунда республикамизда турли мулкчилик шаклидаги корхоналар ўз фаолиятларини амалга ошириб келмоқда. Буларга давлат мулки, акциядорлик жамияти, масъулияти чекланган жамият қўшма корхона шаклидаги ва бошқа корхоналар киради.

Давлат корхонасининг устав капитали – давлат томонидан корхонанинг доимий тасарруфига текинга берилган моддий ва пул маблағлари суммасидир. Устав капитали ҳисобига асосий ва айланма маблағлар шаклланади.

Корхонага асосий восита мавжуд ишлаб чиқариш ҳажмига ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш объектларига қараб, айланма маблағлар эса нормативлар асосида берилади. Норматив юқори ташкилот томонидан белгиланади, аммо уларни тақсимлашни корхонанинг ўз мустақил амалга оширади.

Амалдаги тартибга кўра корхона устав капитали миқдори унинг таъсис ҳужжатларида қайд этилган миқдорига мувофиқ бўлиши керак. Давлат корхонаси учун юқори турган ташкилотнинг корхона ташкил этиш ва унинг балансига устав капиталини ўтказиш тўғрисидаги буйруғи таъсис ҳужжати ҳисобланади.

Баъзи ҳолларда давлат корхонасининг устав капитали ҳажми ўзгариши мумкин. Уни фақат юқори ташкилот ўзгартириши мумкин.

Акциядорлик жамияти устав капитали унинг акциядорлари остига оладиган акцияларининг номинал қийматидан иборат бўлади. Бунда чиқариладиган жами акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши мумкин.

Акциядорлик жамиятининг устав капитали миқдори кўпайиши ёки камайиши мумкин. Устав капиталини кўпайтириш қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Жамият томонидан қўшимча акциялар фақат жамият уставида белгиланган эълон қилинган акциялар миқдори доирасида жойлаштирилиши мумкин.

Акциядорлик жамияти устав капиталини камайтириш фавқулодда ҳолларда юз беради ва уни кўпайтиришдаги сингари тартибда амалга оширилади. Устав капитали миқдорининг камайиши акциялар умумий сонининг қисқариши билан боғлиқ бўлади, шу жумладан, жамиятнинг ўзи ҳақини кейинчалик тўлаш билан акцияларни сотиб олиши ҳам шу ҳисобга киради.

Амалдаги қонунларга биноан акциядорлик жамияти устав капиталига ҳисса тариқасида пул билан баҳоланадиган ва таъсисчилар томонидан жамият акциялари ҳақини тўлаш учун киритиладиган моддий бойлик, мулкый ёки ўзга ҳуқуқларни тўлашлари мумкин. Жамият таъсис этилаётганда унинг акциялари пулини тўлаш шакллари жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги шартнома ёки жамият уставида, кўшимча акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар пулини тўлаш уларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорда кўрсатилади.

Акциядор таъсис йиғилиши белгиланган муддатларда, аммо жамият рўйхатдан ўтгандан кейин бир йилдан кечикмай акцияларнинг пулини тўлиқ тўлаши керак. Акцияларни сотиб олиш муддати ўтганидан кейин акциядорлар жамияти уларни ўз ихтиёрига қараб сотишга ҳақли.

Амалдаги қонунларга мувофиқ ҳиссаларга бўлинган устав капиталига эга бўлган жамият масъулияти чекланган жамият деб аталади. Бундай жамият устав капиталидаги бўлинган ҳиссалар миқдори таъсис ҳужжатларида белгилаб қўйилади, унинг иштирокчилари мажбуриятлар бўйича фақат ўз мулки доирасида жавоб беради.

Масъулияти чекланган жамиятнинг устав капитали фақат муассисларнинг ҳиссалари ҳисобига ташкил топади ва унинг кўпайиши ёки камайиши ҳамманинг розилигига кўра ҳисса қўшувчиларнинг кўпайиши ёки камайиши билан юз бериши мумкин.

Жамият иштирокчиси ўз ҳиссасини жамият рўйхатга олинган санадан кейин бир йил давомида тўлаши лозим.

Қўшма корхона Ўзбекистон ҳамда хориж корхоналари ҳиссалари асосида ташкил топади. Қўшма корхонанинг устав капиталига ҳисса тариқасида табиат ресурсларидан, интеллектуал мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи, ноу-хау, моддий ва пул воситалари, шу жумладан, чет эл валютаси берилиши мумкин.

Корхонада қўшилган капитал таркибига қуйидагилар киради: эмиссион даромад ва устав капиталини шакллантириш бўйича курсдаги фарқ.

Амалдаги қонунчиликка биноан корхонада резерв капитали ташкил этилади. Унинг миқдори жамият устав капиталининг 15 фоизидан кам бўлмаслиги керак. Резерв капитали ҳар йили соф фойдадан ажратмалар ўтказиш йўли билан жамият уставида белгиланган миқдорга етгунча ташкил этилади. Резерв капитали корхона кўрган зарарни қоплаш, имтиёзли акциялар учун дивиденд тўлаш, акциядорлар талабига кўра акцияларни қайта сотиб олиш учун ишлатилади. Шу билан биргаликда резерв капитали ҳисобварақлари узоқ муддатли активларни қайта баҳолашда юзага келадиган инфляцияон резервларга мувофиқ фойда ҳисобидан ташкил қилинадиган резерв ҳисоби учун мўлжалланган.

Тақсимланмаган фойда бу ҳисобот даври якунида хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қоладиган соф фойда (фойданинг бир қисми)дир.

6.2. Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот тузишнинг услубий асослари

Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот тузишнинг мақсади, хусусий капиталнинг ҳисобот даври бошига ва охирига бўлган ҳолати ва ҳисобот даври мобайнида унинг таркибидаги ўзгартиришлар ҳақидаги ахборотни очиб бериш ҳисобланади.

Хусусий капитал тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 142-м.), Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 26 июлда 17-07/86-сон билан тасдиқланган (рўйхат рақами 475, 1998 йил 14 август, Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 й., 5-сон) Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 21 июлда 17-07/85-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботлар” Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (1-сон БҲМС)да (рўйхат рақами 474-сон 1998 йил 14 август, Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон) келтирилган.

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботнинг манзиллар қисмида ҳисобот санаси, хўжалик юритувчи субъектнинг номи, тармоғи, мулкчилик шакли, ташкилий-ҳуқуқий шакли ва тўлиқ юридик манзили, унинг тасарруфида мазкур хўжалик юритувчи субъект бўлган ор

ганнинг номи, хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботнинг тайёрланиши чоғида фойдаланилган ўлчов бирлиги кўрсатилиши керак.

Ҳисоботда хусусий капитал ва унинг таркибий қисмлари тўғрисидаги, устав капитали, қўшилган капитал, резерв капитал, тақсимланмаган фойда (копланмаган зарар) сотиб олинган ўз акциялари ва бошқа хусусий капитал элементлари ҳақидаги ахборот очиб берилиши керак.

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот даври бошига ва охирига бўлган тегишли ахборотни очиб бериши керак.

Ҳисоботда ҳисобот давридаги хусусий капитал таркибида бўлган ўзгаришлар ҳақидаги ахборот очиб берилган бўлиши керак. Бунинг учун қуйидагилар: қимматли қоғозлар эмиссияси, узоқ муддатли активларнинг қайта баҳоланиши, устав капиталини шакллантириш чоғида валюта курсидаги фарқлар, резерв капиталга ажратмалар, жорий йилнинг тақсимланмаган фойдаси (зарари), текинга олинган мол-мулк, пул дивидендлари ва акциялар кўринишида тўланадиган дивидендлар, шунингдек, хусусий капитални шакллантиришнинг бошқа манбалари тўғрисидаги ахборот очиб берилиши лозим.

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботда қуйидагилар: чиқарилган акциялар сони, акцияларнинг номинал қиймати, муомаладаги акциялар сони тўғрисидаги ахборот ҳам очиб берилиши керак.

Хусусий капитал таркибида икки ҳисобот даври ўртасидаги ўзгаришлар молиявий ҳисоботларда қабул қилинган ва очиб бериладиган баҳолашнинг аниқ тамойилидан келиб чиққан ҳолда ҳисобот даври давомидаги соф активларнинг кўпайиши ёки камайишини акс эттиради.

Мазкур стандартда соф активлар деганда хўжалик юритувчи субъектнинг ўз маблағлари билан таъминланган узоқ муддатли ва жорий активларнинг қиймати, яъни хўжалик юритувчи субъектнинг қарз мажбуриятларидан озод бўлган мол-мулк қиймати тушунилади.

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботга бўлган тушунтиришда хўжалик юритувчи субъект хусусий капиталининг қатнашчининг чиқиб кетиши, акциядорлик жамияти томонидан акцияларнинг сотиб олинishi ёки сотиб олинган акцияларни бекор қилиниши, акциялар номинал қийматининг пасайиши ёки бошқа сабабларга кўра камайиб кетганлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

Акциядорлик жамиятлари хусусий капитал тўғрисидаги тушунтиришда қуйидагилар ҳақидаги ахборотни келтирадилар:

а) обуна амалга оширилиши назарда тутиладиган акцияларнинг умумий сони ва номинал қиймати;

б) назарда тутилган миқдорлар билан таққослаганда обуна амалга оширилган акцияларнинг умумий миқдори ва номинал қиймати;

в) акцияларга обунанинг бориши чоғида олинган маблағлар умумий суммаси;

г) айрим турлар ва тоифалар бўйича устав капитали таркибидаги акциялар;

д) имтиёзли акциялар бўйича тўланмаган жамланган дивидендлар суммаси;

е) акциялар кўринишида тўланадиган дивидендлар, хусусан, тўланадиган акцияларнинг сони ва қиймати, шунингдек, уларнинг турлари ёки тоифалари тўғрисида;

ж) ҳисобот даврида юз берган майдалаш ёки қўшиб юборишлар ва акцияларнинг майдаланиши ёки қўшиб юборилишигача ва ундан кейинги акцияларнинг номинал қиймати тўғрисидаги.

Акцияларга обунанинг бориши чоғида олинган маблағлар умумий суммаси тушунтиришда қуйидагилар бўйича келтирилади:

а) акциялар учун ҳақ сифатида кирим қилинган барча пул маблағлари, акциялар сони кўрсатилган ҳолда;

б) акциялар учун тўлов сифатида кирим қилинган мол-мулкнинг қиймат баҳоси, акциялар сони кўрсатилган ҳолда;

в) акциялар учун ҳақ сифатида кирим қилинган чет эл валютасининг умумий суммаси, акциялар сони ва ҳисобда валюта кирим қилинган курси кўрсатилган ҳолда.

Устав капитали таркибидаги акциялар ҳақидаги ахборот тушунтиришда айрим турлар ва тоифалар бўйича келтирилади:

а) чиқарилган акциялар сони, устав капиталининг тўланмаган қисми кўрсатилган ҳолда;

б) акциянинг номинал қиймати;

в) муомалада бўлган акциялар сонида ҳисобот даври мобайнидаги ўзгартиришлар;

г) акциялар билан боғлиқ ҳуқуқлар, имтиёзлар ва чеклашлар, шунингдан дивидендларнинг тақсимланиши ва капиталнинг қайтарилиши бўйича чеклашлар;

д) жамиятнинг ўзига, унинг шуъба ва уюшган корхоналарининг тегишли акциялар;

е) улар эгалик қилаётган муассислар рўйхати ва акциялар сони;

ж) ижроия органи аъзоларининг мулки бўлган акциялар сони;

з) опционлар ва бошқа контрактларга биноан чиқариш учун захира-
ралаштирилган акциялар, уларнинг муддатлари ва суммалари кўрса-
тилган ҳолда;

и) конвертацияланадиган (акциялар ёки облигацияларга) акция-
ларнинг сони ва номинал қиймати ҳамда ушбу акцияларнинг қарзга
оид қимматли қоғозларга конвертация қилиниши ҳолларида юзага
келиши мумкин бўлган мажбуриятлар.

Бошқа барча хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисобот-
ларга оид изоҳларда қуйидагилар тўғрисидаги ахборотни келтира-
дилар:

а) эгалик қилувчилар ўртасида устав капитали улушининг тақ-
симланиши;

б) ушбу улушларга тегишли ҳуқуқлар, имтиёзлар ёки чеклашлар;

в) устав капитали таркибида эгалик қилувчилар улуши таркиби-
даги ўзгартиришлар.

Ҳисоботнинг хусусий капитал тўғрисидаги қисмига оид тушун-
тириш хати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1998
йил 26 июлдаги 17-07/86-сон буйруғи билан тасдиқланган (рўйхат
рақами 474-сон, 1998 йил 14 август, Меъёрий ҳужжатлар ахборотно-
маси, 1999 йил, 5-сон) Ўзбекистон Республикасининг “Ҳисоб сиёсати
ва молиявий ҳисоботлар” Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (1-
сон БҲМС)да назарда тутилган талабларга мувофиқ тузилади.

6.3. «Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот» тузиш ва тўлдириш тартиби

Хусусий капитал ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботнинг «Йил боши-
даги қолдиқ» моддаси бўйича қуйидаги ахборот акс эттирилади:

а) «Устав сармояси» 3-устунида таъсис ҳужжатларида қайд
этилган устав сармояси (фонди) суммаси кўрсатилади;

б) «Кўшилган сармоя» 4-устунида «Устав сармояси» ҳисобвара-
гининг «Кўшилган сармоя» илова ҳисобварағида қайд этилган кў-
шилган сармоя суммаси кўрсатилади;

в) «Захира сармоя» 5-устунида қонун ҳужжатларига мувофиқ
барпо этилган захира сармоя маблағлари суммаси акс эттирилади;

г) «Тақсимланмаган фойда» 6-устунида йил бошидаги тақсим-
ланмаган фойда суммаси кўрсатилади;

д) «Қопланмаган зарарлар» 7-устунида йил бошидаги қорхона
балансида қайд этилган зарар суммаси акс эттирилади.

«Хусусий (акциядорлик) сармоянинг ўсиши» моддаси бўйича (020-сатр) хусусий сармоянинг ўсиш суммаси акс эттирилади.

«Хусусий (акциядорлик) сармоянинг камайиши» моддаси бўйича (030-сатр) хусусий сармоянинг камайиш суммаси акс эттирилади.

«Қимматли қоғозлар эмиссияси» моддаси бўйича (040-сатр) белгиланган тартибда тегишли эмиссиялар суммаси акс эттирилади.

«Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш» моддаси бўйича (050-сатр) асосий фондлар, номоддий активлар ва бошқа узоқ муддатли активларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказилган қайта баҳолаш суммаси акс эттирилади.

«Устав сармоясини шакллантириш чоғида курсдаги фарқ» моддаси бўйича (060-сатр) бухгалтерия ва статистика ҳисобида «Устав сармояси» ҳисобварағининг «Кўшилган сармоя» илова ҳисобварағида кўшилган сармоя сифатида акс эттириладиган, корхона устав сармоясини шакллантириш чоғида таъсис ҳужжатларини рўйхатга олиш санаси ва маблағларни устав сармоясига ҳақиқатда киритиш санасида Марказий банк курслари ўртасида юзага келадиган курс фарқи акс эттирилади.

«Захирага ажратмалар» моддаси бўйича (070-сатр) барпо этилиши таъсис ҳужжатлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган захира фондига ҳисоблаб ёзилган маблағлар суммаси акс эттирилади.

«Жорий йилнинг тақсимланмаган фойдаси (зарари)» моддаси бўйича (080-сатр) ҳисобот даврида олинган тақсимланмаган фойда (копланмаган зарар) суммаси кўрсатилади.

«Тўланган дивидендлар» моддаси бўйича (090-сатр) олдинги йил учун ҳисобот даври бошидаги тақсимланмаган фойдадан ҳисоблаб ёзилган дивидендлар суммаси кўрсатилади.

«Ҳисобот даври охиридаги қолдиқ» моддаси бўйича (100-сатр) тегишли устунлар бўйича «Устав сармояси» ҳисобварағининг «Устав сармояси», «Кўшилган сармоя», «Захира сармоя» илова ҳисобварақлари бўйича ҳисобот даври охиридаги сальдо ва тақсимланмаган фойда суммаси кўрсатилади.

«Ҳисобот даври охирида устав сармоясига киритилган бадаллар» моддаси бўйича (130-сатр) муассислар ва акциядорлар томонидан корхона устав сармоясига ҳақиқатда киритилган маблағлар суммаси кўрсатилади. (120 - 142-сатрларни акциядорлик жамиятлари тўлдирди).

VII боб. КОНСОЛИДАЦИЯЛАНГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ

7.1. Консолидацияланган молиявий ҳисоботларнинг мақсади, вазифалари ва аҳамияти

Республикамиз иқтисодини, шу жумладан бозорини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири, бошқарувни тўғри йўлга қўйиш ҳисобланади. Чунки турли хил мулкчилик шаклларига асосланган корхоналар, шу жумладан чет эл инвестициялари асосидаги қўшма корхоналар, акционерлик жамиятлари, корпорациялар, компаниялар ва бошқаларнинг ташкил этилиши туфайли хорижий давлатлар, ташкилотлар ва хусусий шахслар билан алоқалар тобора мустақамланиб, уларнинг иқтисодиётдаги ўрни тобора салмоқли бўлиб бормоқда.

Жаҳон мамлакатлари тажрибасидан маълумки, корхоналарни самарали бошқаришда кўпроқ уларни йирик гуруҳларга бирлаштирган ҳолда тузиш мақсадга мувофиқдир. Бунда икки ёки ундан ортик компания молиявий-иқтисодий жиҳатдан бир компания остида бирлашади.

Корхоналарнинг бирлашуви деб, алоҳида бир корхонанинг иккинчисига қўшилиши ёки бир корхона иккинчи корхонанинг соф активлари ва ишлаб чиқариш фаолияти устидан назоратни сотиб олиш оқибатида бир иқтисодий бирликка қўйилишига айтилади. Бу, асосан, бирор-бир фаолият билан шуғулланаётган компаниянинг эгалари томонидан ушбу компания таркибида бир нечта майда мустақил корхоналарни ташкил этишга бўлган ҳаракатидан келиб чиқади. Бунинг натижасида солиқ тўловлари бўйича муайян тежаш юзага келади. Кўпчилик ҳолларда бизнеснинг кенгайиши зарурият ҳисобланади. Бундай вазиятда транс миллий компаниялар ўз фаолиятини бутун жаҳон бўйлаб кенгайтиради. Хўжалик юритувчи субъектлар гуруҳининг бош корхона назорати остида бирлашуви юз берса, консолидациялашган молиявий ҳисобот тузилади.

Молиявий ҳисобот консолидацияси (консолидация инглизча *consolidate* сўзидан олинган бўлиб, *бирлаштирмақ*, *мустақамламақ* деган маънони англатади) юридик жиҳатдан мустақил, ammo иқтисодий ва молиявий томондан ўзаро боғлиқ икки ёки ундан ортик компаниялар ҳисоботларини бирлаштиришдир.

Консолидацияланган молиявий ҳисобот тузишнинг асосий мақсади – корпорация фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини

тўлигича очиб беришдан иборатдир. Афсуски, ҳозирда амал қилиб турган консолидацияланган молиявий ҳисобот тузиш услубияти ҳар доим ҳам аъло сифатда ишламайди. Корпорация фойдаси тақсимла-нишининг тортишувли жараён эканлиги ҳамда инфляция шароитида мамлакатлар валюта курсларининг доимий ўзгариб туриши консоли-дацияланган молиявий ҳисоботни тузишда қийинчилик туғдирмоқда. Демак, валюта курсларини қайта ҳисоб-китоб қилиш бухгалтерла-олдида турган энг катта муаммолардан бири ҳисобланади.

27-сон БҲҲСга биноан

Консолидацияланган молиявий ҳисобот тўлиқ ҳамда яхли ҳолда тақдим этиладиган гуруҳларнинг молиявий моддаларидир.

Гуруҳ – барча шўъба корхоналар учун бош компания.


Бош корхона – бир ёки бир нечта шўъба корхоналарга эг бўлган корхона.

Шўъба корхона – бош компания назоратида бўлган корхона.

Назорат – корхона фаолиятидан фойда олиш бўйича молиявий ёки тезкор бошқариш ҳукуки.

Камчилик фоизи – Бош корхонага бевосита ёки билвосита тегишли бўлмаган шўъба корхонанинг операциялардан соф дарома-ёки соф активларининг фоиз кўринишидаги қисми.

Масалан, гуруҳнинг тузилиши куйидагича



Фараз қилайлик, А компания С компаниянинг 30 % акция пакети-ни назорат қилади. Бундан сиёсий таъсир, капитал устидан назорат (иқтисодий таъсир) ва камчиликнинг улушини аниқлаш лозим.

| Нисбаг | Сиёсий таъсир | Иқтисодий таъсир | Камчилик улуши |
|--------|--------------------------------------|------------------------------|-------------------------|
| A/B | 60 % | 60 % | |
| B/C | 40 % | 40 % | |
| A/C | 70 % (30 % тўғри, 40 % билвосита) | $30 \% + 0,6 * 40 \% = 54\%$ | $46 \% = 100 \% - 54\%$ |

Юқоридаги ҳолатдан кўриниб турибдики, А компания – бош, В ва С компаниялар шўъба корхоналар ҳисобланишади.

ЕИ 7-Директивасига биноан бош компания ва шўъба компания ўртасида қуйидаги шартлар кўзда тутилса, бош компания консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузиши мажбурий ҳисобланади:

1. Овозларнинг кўпчилиги (агар бош корхона 50% дан кўп овозга эга бўлса);

2. Директорлар Кенгаши устидан назорат (агарда бош компания Директорлар Кенгаши таркиби ва сонини ўзгартириш ҳуқуқига эга бўлса);

3. Шартнома орқали назорат (шартнома ёки низом шартларига мувофиқ бош компания шўъба корхонага таъсир ўтказса олса);

4. Келишув бўйича назорат (агарда бош компания келишув бўйича Директорлар Кенгаши йиғилишида овозларни ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқига эга бўлса);

5. Кенгашнинг тайинланиши бўйича амалдаги назорат (агарда Директорлар Кенгашининг кўпчилик қисми бош компаниянинг таъсири остида тайинланган бўлса);

6. Бирлашган бошқарувда иштирок этиш ҳуқуқи (агарда бош компания шўъба корхонага кучли таъсир ўтказса ёки иккита компания бирлашган асосда бошқарилаётган бўлса);

7. Горизонтал гуруҳлар (Бирлашмаган акциядорлик алоқаси гуруҳида консолидация қуйида келтирилган икки ҳолатдан бири мавжуд бўлганда тузилади):

– шартнома ёки низом бўйича компания бирлаштирилган ҳолда бошқарилса;

– консолидацияланган ҳисобот тузиш даврида муайян акциядорлар иккала компаниянинг кенгашида кўпчиликни ташкил қилса.

Бундай ҳолатда истаган бош компания консолидацияланган ҳисоботни тақдим қилиши шарт, қуйидагиларни истисно қилганда (27-сон БҲХСнинг 27-бандига биноан):

– бош компания шўъба корхонанинг ўзи бўлса;

– бош компания 100% овозга эга бўлса;

Шўъба корхона консолидациядан қуйидаги ҳолларда истисно қилинади:

– назорат вақтинчалик бўлса;

– узоқ муддатли чекловларга эга бўлса.


Бундай компанияларда инвестициялар ҳисоби 25-сон БҲХСга биноан юритилади.

Консолидациядан истисно қилишнинг асосий ҳолатлари уюшган аъзо номи билан аталувчи бирлашган корхонанинг мавжуд бўлиши билан боғлиқ. Агарда юқори ташкилот ёки бошқа корхона томонидан унинг молиявий ва оператив фаолиятига сезиларли таъсир кўрсатилмаса, бу корхоналар ҳисобот гуруҳлари ичига киритилмайди. Сезиларли таъсир даражаси капиталда иштирок этиш ҳамда овоз ҳуқуқига қараб аниқланади. Сезиларли таъсир деб, бош ёки бошқа компаниянинг таъсири барча овозларнинг 1/5 қисмидан кам бўлмаган ва 20 % дан 50%гача бўлган таъсир тушунилади.

Капитал устидан назорат ва унга таъсир даражасига кўра бухгалтерия ҳисоби усулларининг қўлланилиши

| Эгалик қилиш даражаси | Эгалик улуши | Бухгалтерия усуллари |
|--|--------------------|--|
| Моддий таъсир йўқ, шунинг учун капитал устидан иқтисодий назорат мавжуд эмас | <20 % | Инвестициялар ҳисоби LCM тамойили бўйича амалга оширилади |
| Моддий таъсир мавжуд, аммо назорат мавжуд эмас | 20 % дан 50 % гача | Инвестициялар ҳисоби сотиб олиш баҳоси + Инвестиция қилинган компания фойдасидан улуш - олинган дивидендлар кўринишида юритилади |
| Назорат (маржиритал ҳукмронлик) | > 50 % | Гуруҳ консолидация қилиниши керак |

Масалан, гуруҳда қуйидаги боғланиш мавжуд:



А компаниялар гуруҳига кирадими? У нима деб номланади? 40% улуш 20%дан кўп, аммо 50 фоиздан кам, бунда эгалик маржиритал эмас, шунинг учун А гуруҳга киритилмайди, балки уюшган аъзо деб юритилади.

ЕИ мамлакатларида уюшган аъзоларнинг мажбурий консолидацияга тайёргарлик кўриши хусусида низом мавжуд. Ушбу низом биноан уюшган аъзо бирлашганидан сўнг икки йил ичида қуйидаги

кўрсаткичларга эга бўлса, мажбурий консолидацияланган ҳисобот тузишлари шарт:

1. Бош корхонанинг жами капитали 17000000 АҚШ долларидан ошса;
2. Сотиш ҳажми 35000000 АҚШ долларидан ошса;
3. Ходимларининг ўртача йиллик рўйхатдаги сони 500 дан ошиқ бўлса.


Агарда корхона бирлашган гуруҳ таркибида бўлиб, унга моддий таъсир кўрсата олмаса, у икки йил ичида консолидацияга кўшилмаслиги мумкин. Аммо икки йил ичида юқоридаги учта кўрсаткичдан иккитаси талабга жавоб берса, у ҳолда компания консолидацияга тайёрланиши лозим.

БҲХСга мувофиқ агарда компания бошқа компаниянинг 50%дан ошиқ акциялар пакетига эгалик қилса, у ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий томондан ҳукмронлик қилиши мумкин. Бу ҳолатда гуруҳ **субординация** дейилади.

Агарда иккита корхона умумий битта раҳбарлик остида бўлса ҳамда бирининг улуши иккинчисида бўлмаса, бундай гуруҳ **координация гуруҳи** дейилади.


ЕИ мамлакатлари субординация гуруҳидан консолидацияни талаб қилади. Бу ТМКлар учун мажбурийдир. Капиталнинг тақсимланиши тарзида уюшган ҳамда ҳеч бир корхона бошқа корхонага маржириталь ҳукмронлик ўтказа олмайдиган бирлашма жамияти **мультигуруҳ** дейилади.

Масалан,



Бу мультигуруҳдир, чунки ҳеч бирида маржириталь ҳукмронлик мавжуд эмас ва улар биргаликда 100%ни ташкил қилади.

Қуйидаги чизмага эътиборни қаратайлик:



А – бош компания

С – шўъба корхона

В – уюшган аъзо

Д, Ф, Е – мультигурух

Консолидацияланган ҳисоботга А, С компаниялар тушади (мажбурий), В (тушиши мумкин).

Д, Е, Ф – факат ўз ичида консолидацияланиши мумкин.

Корхоналарнинг иштирокига кўра консолидация усуллари қўлланилади. Улар қуйидагилардир:

– субординация гуруҳи глобал интеграция усули орқали консолидация қилинади;

– уюшган аъзолар эквивалент усули орқали консолидация қилинади;

– мультигурух мутаносиб интеграция усули орқали консолидация қилинади.

ЕИнинг 7-Директиваси ҳамда 27-сон БҲХСга биноан капиталларни бирлаштириш учун дастлабки бирлаштириш ёки капиталларнинг натижавий бирлаштирилиши номли англо-саксон усули қўлланилади.

Консолидация натижасида урта ҳисоб-китоб амалга оширилади:

1. Инвестицияларни чегириш. Бунда элиминлаш усули қўлланилади;

2. Иқтисодий операцияларни чегириш. Гуруҳ ичидаги олди-сотди операцияларини ҳисобдан чиқариш;

3. Молиявий операцияларни чегириш. Гуруҳ ичидаги ўзаро қармуносабатларини чегириш. Масалан, бош компания шўъба корхонага қарз берган. Консолидацияланган молиявий ҳисоботда бу операцияни чегириш лозим.

7.2. Консолидацияланган молиявий ҳисобот тузишнинг асосий қоидалари ва тамойиллари

Халқаро ҳисоб андозаларига кўра, консолидацияланган молиявий ҳисобот бош корхона раҳбарлигидаги корхоналар гуруҳи учун

умумлаштирилган молиявий ҳисобот тайёрлаш ва тақдим этиш билан шуғулланади. Консолидацияланган молиявий ҳисобот моддалари корхоналар гуруҳидаги молиявий аҳвол, операциялар натижалари ва молиявий аҳволдаги ўзгаришга оид ахборотга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида ривожлантирилган.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасида бир неча бир неча шўба корхоналар, филиаллар ва ваколатхоналарга эга бўлган бош корхонанинг консолидацияланган молиявий ҳисобот тузиши назарда тутилади. Мазкур модда талаблари вазирликлар, идоралар ва бюджет ташкилотларининг жамлама молиявий ҳисоботларига жорий этилмайди.

Консолидацияланган молиявий ҳисобот иқтисодий ва молиявий жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлган бир нечта компанияларнинг гуруҳи хусусида умумий маълумот олишни таъминлаб, ушбу компаниялар гуруҳининг фаолияти натижалари ва истиқболни ўзида акс эттиради.

Илк маротаба консолидацияланган бухгалтерия ҳисоботи XX асрнинг бошларида АҚШда вужудга келган. Айнан ўша давр жадал иқтисодий ривожланиш даври бўлиб, ҳозирги иқтисодий гигантлар ўша вақтдаги кичик корхоналарни «ютиб юбориш» ҳодисаси мамлакат бўйлаб кенг ёйилган. Бунинг натижасида АҚШда биринчи бўлиб, консолидацияланган молиявий ҳисоботлар тузиш зарурияти пайдо бўлган.

Буюк Британия ва Нидерландияда консолидацияланган молиявий ҳисоботнинг қўлланилиши XX асрнинг 20-йилларига тўғри келади. Бу давлатларда холдинг бизнесларининг кенг қулоч ёзиши консолидацияланган ҳисоботларни тузишни тақозо этган. Ҳозирги кунда бу давлатларда консолидацияланган ҳисоб маълумотлари миллий стандартлар асосида тартибга солинади.

Европанинг бошқа мамлакатларида консолидациялаш жараёни секинлик билан ривожланган. Масалан, Германияда компанияларнинг барча филиаллари бўйича консолидацияланган молиявий ҳисобот тузиш зарурияти бўйича қонун 1960 йилда қабул қилинган бўлса, йирик компанияларнинг хорижда фаолият юритаётган шўба корхоналари бўйича қонун 1990 йилда қабул қилинган. Францияда бу хусусдаги қонун 80-йилларнинг охирида амалга киритилган. Швейцарияда консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузиш миллий стандартлар билан тартибга солиниб, кўпгина йирик компаниялар ўз бўлинмалари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ўз ҳисоботлари-

да акс эттирадилар. Италияда қимматли қоғозлар биржасида рўйхатдан ўтган компаниялар консолидацияланган молиявий ҳисоботларни тузиши мажбурий ҳисобланади. Японияда консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузиш бўйича стандарт 1977 йилда қабул қилинган. Юқорида келтириб ўтилган фикрлардан кўриниб турибдики, жаҳон мамлакатларида бу масалани ҳал қилиш бўйича турли хил қарашлар мавжуд.

Консолидациялашган молиявий ҳисоботларни тузишга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

Ҳисоб амалиётини тартибга солиш даражаси ва шакли. Ҳисоб тизимини тартибга солиш даражаси ва шаклига кўра барча мамлакатлар икки гуруҳга бўлинади:

1. Бухгалтерия ҳисоби услубияти ва амалиёти махсус қонунлар ёрдамида давлат томонидан тартибга солинадиган давлатлар;

2. Бухгалтерия ҳисоби услубияти ва амалиёти ноҳукумат профессионал бухгалтерлар ташкилотлари томонидан ишлаб чиқиладиган махсус стандартлар асосида тартибга солинадиган давлатлар.

Бухгалтерия ҳисоби услубияти ва амалиётини тартибга солиш характериға мос равишда ҳисобот тузиш ва тақдим этиш тартиби ҳам ўзгаради. Бухгалтерия ҳисоботларини тузишни марказлашган давлат бошқаруви назорат қилиб турадиган давлатларда ҳисобот тузиш консерватив характерга эга. Бу консолидацияланган молиявий ҳисобот тузишга ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Сиёсий ва иқтисодий алоқалар. Жаҳон мамлакатлари ўртасида ҳисоб амалиёти ва услубияти бўйича тажриба алмашиш ушбу мамлакатлар ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий алоқаларнинг қай даражада ўрнатилганлигига боғлиқдир. Мексика ва Филиппиннинг АҚШ билан иқтисодий ва сиёсий алоқалари яхши йўлга қўйилганлиги сабабли, бу мамлакатларда консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузиш тартиби ва унинг амал қилиш кўлами АҚШдаги амалиётга тўла-тўқин мос келади. Буюк Британияда тузиладиган консолидацияланган молиявий ҳисоботлар ҳамдўстлик таркибига кирувчи мамлакатлар Австралия, Малайзия, ЖАР ва бошқалар билан бир хил.

Консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузиш трансмиллий компаниялар фаолиятида одатий ҳолат ҳисобланади. Лекин бу жаъраёнда инвестор шу нарсани билиши лозимки, корпорация раҳбарлари кўпинча бўлинмалар фаолияти бўйича зарарлар, йўқотишларни бекитиши, натижада корпорациянинг реал ҳолати ҳисоботда акс этмаслиги мумкин.

Консолидацияланган молиявий ҳисобот тузишнинг афзалликлари билан биргаликда камчиликлари ҳам мавжуд. Агарда компаниянинг фаолияти фақат битта ишлаб чиқариш-технологик линия ёки алоҳида минтақавий бўлинма фаолияти билан белгиланса, ҳисоботда аналитик ҳисоб-китоблар тушиб қолдирилади, консолидацияланган молиявий ҳисоботлар эса компаниянинг бу хатти-ҳаракатини бекитмайди. Йиғма ҳисоботда компаниянинг зарар кўриб ишлайдиган шўъба корхоналари бўйича ишлаб чиқариш ва молиявий кўрсаткичлари кўрсатилмайди. Шу сабабдан молиявий ҳисоблар батафсилроқ, аналитик ҳисоб-китоблар илова қилинган ҳолда тузилиши керак.

Миллий валюталарни қайта баҳолаш муаммолари. Трансмиллий компанияларнинг хориждаги бўлинмалари қайси мамлакат ҳудудида жойлашган бўлса, ўша мамлакатнинг валютасида ҳисоб ва ҳисоботни юритадилар. Бу бухгалтерия ҳисоб-китобларини хорижий валютада юритиш учун ноқулайдир. Шу сабабдан трансмиллий компаниялар йиғма ҳисобот тузишда ўзларининг штаб-квартираси жойлашган мамлакат валютасида барча операцияларни қайта ҳисоб-китоб қилишлари лозим бўлади.

Ҳисоботни бир валютадан бошқасига ўтказиш функционал валютадан келиб чиқади. Функционал валюта – бўлинманинг асосий фаолияти амалга ошириладиган мамлакатнинг валютасидир. Бундан ташқари, функционал валютани танлашда уларда бажариладиган муомалалар турига ҳам эътибор қаратилади. Бўлинмалар томонидан амалга ошириладиган муомалаларнинг иккита йирик гуруҳи бор:

1. Ўзи жойлашган мамлакат иқтисодиётига тўла асосланиб фаолият кўрсатадиган бўлинмаларда бажариладиган операциялар;
2. Асосий операциялар ёки бош компания операциялари давоми кўринишидаги операциялар.

Биринчи гуруҳга киритиладиган операцияларни бажарадиган компаниялар ўзлари жойлашган давлатнинг валютасида ҳисоб ва ҳисобот юритадилар. Иккинчи гуруҳга кирадиган асосий операцияларни бажарадиган компаниялар бош компания ишлатадиган валютада ҳисоб ва ҳисоботларини юритадилар.

7.3. Консолидацияланган молиявий ҳисобот тайёрлаш тартиби

Ўзбекистонда консолидацияланган ҳисоботни тузиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 28 декабрда 580-сон билан рўйхатга олинган «Консолидацияланган молиявий

Консолидациялашган балансни тузиш учун бош ва шўба корхоналарнинг балансларини кўриб чиқамиз:

| Баланс моддалари | Бош корхона | Шўба корхона |
|---|-------------|--------------|
| Пул маблағлари | 200000 | 50000 |
| Бошқа активлар | 1520000 | 120000 |
| Жами активлар | 1720000 | 170000 |
| Кредиторлар | 120000 | 20000 |
| Акциядорлик капитали | | |
| Оддий акциялар, номинал қиймати 10 доллар | 1200000 | 110000 |
| Реинвестицияланган фойда | 400000 | 40000 |
| Жами пассив ва капитал | 1720000 | 170000 |

Фараз қилайлик, бош корхона компаниянинг тўлиқ баланс қийматига мос нархда, шўба корхонадан 100% акцияларини сотиб олмоқда. Шўба корхонанинг баланс қиймати 150000 (170000-200000) долларни ташкил этади. Ушбу муомала бош корхонанинг бухгалтерия ҳисоботида қуйидагича кўрсатилади:

Дебет 0610-«Қимматли қоғозлар» - 150000 АҚШ доллари
Кредит 5010-«Касса» - 150000 АҚШ доллари.

Консолидациялашган баланс тўлдириш учун ишчи жадвал

| Моддалар | Бош корхона баланси | Шўба корхона баланси | Тузатиш ёзувлари | | Консолидациялашган баланс |
|---|---------------------|----------------------|------------------|--------|---------------------------|
| | | | дебет | кредит | |
| Пул маблағлари | 50000 | 50000 | | | 100000 |
| Узок муддатли молиявий инвестициялар | 150000 | | | 150000 | |
| Бошқа активлар | 1520000 | 120000 | | | 1640000 |
| Жами | 1720000 | 170000 | | | 1740000 |
| Кредиторлар | 120000 | 20000 | | | 140000 |
| Оддий акциялар, номинал қиймати 10 доллар | 1200000 | 110000 | 110000 | | 1200000 |
| Реинвестицияланган фойда | 400000 | 40000 | 40000 | | 400000 |
| Жами | 1720000 | 170000 | 150000 | 150000 | 1740000 |

Консолидациялашган баланс тайёрлашда шўба корхонага қўрилган инвестицияларни ҳисобдан чиқариш керак. Бу хўжалик му

маласи «Тузатиш ёзувлари» устунида кўрсатилган. Консолидациялашган балансни тайёрлаганда тузатиш ёзувларини қўллаш актив ва акционерлик капитали ҳисобварақларини қайта ҳисоблашнинг олдин олади. Консолидациялашган ҳисоботда келтирилган акционерлик капиталининг қиймати бош корхонанинг акционерлик капитали қийматига тенгдир. Шўъба корхонага қўйилган инвестициялар қиймати чиқариб ташлангач ва шўъба корхона акционерлик капиталининг ҳажми тузатилгандан кейин аввалги маълумотларни қуйидагича кўрсатиш мумкин:

Сотиб олиш санасига консолидациялашган баланс

| | | | |
|----------------|---------|----------------------|---------|
| Касса | 100000 | Кредиторлар | 140000 |
| Бошқа активлар | 1640000 | Акционерлик капитали | |
| | | Оддий акциялар | 1200000 |
| | | Реинвестицияланган | 400000 |
| | | фойда | |
| Жами активлар | 1740000 | Жами пассивлар | 1740000 |

Молиявий натижалар тўғрисида консолидациялашган ҳисобот ягона хўжалик ташкилоти учун бош ва шўъба корхоналар молиявий натижаларини бирлаштириш йўли билан тўлдирилади, бунда фирманинг ички битимлари ҳисобнинг қайтарилмаслиги учун тузатилади. Консолидациялашган ҳисоботга фирма ичидаги қуйидаги муомалалар таъсир қилади:

- бош ва шўъба корхоналар ўртасида содир бўладиган товарлар ва хизматлар савдо-сотиғи;
- бу компаниялар ўртасидаги қарзлар, дебиторлик қарзлари, облигация қарзлари бўйича мажбуриятларга тегишли фойда ва зарарлар;
- фирманинг ички битимлари бўйича фойда ва зарарлар.

Фараз қилайлик, бош корхона ва унга 100% боғлиқ шўъба корхона ўртасида қуйидаги битимлар содир бўлди: бош корхона шўъба корхонага 240000 АҚШ доллари қийматида товар сотди; шўъба корхона, ўз навбатида, ҳамма товарларини бошқа томонга сотмоқда. Бундан ташқари, шўъба корхона фирманинг ички кредити бўйича бош корхонага фоизлар бўйича 4000 АҚШ доллари тўлади.

Тузатиш ёзувларининг мақсади ушбу икки компанияни ягона бир ташкилот сифатида кўрсатишдир. Шунинг учун «Сотиш» моддага фақат ташқаридаги компаниялар билан содир этилган битимлар иритилиши муҳимдир ва сотилган товарлар таннархига эса – фақат бошқа томондан сотиб олинган хом ашё, материаллар ва ярим тайёр

маҳсулотларга кетган харажатлар киради. Шундай қилиб, фирма ичидаги муомалалардан олинган 240000 АҚШ доллари суммани «Сотиш» моддаси бўйича дебетлаб, «Сотилган товарлар таннархи» моддаси бўйича кредитлаб, тузатилади. Бунинг натижасида молиявий натижалар тўғрисидаги йиғма ҳисобот устунига фақат бошқа компаниялар билан амалга оширилган 1020000 АҚШ доллари қийматига эга бўлган сотиш ҳажми ва сотилган маҳсулотлар таннархига 480000 АҚШ доллари кўрсатилади. Фирма ичидаги берилган кредит бўйича тўловлар «Бошқа даромадлар» моддасини дебетлаш ва «Бошқа харажатлар» моддасини кредитлаш орқали тузатилади.

2002 йил учун консолидациялашган «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот»ни тайёрлаш учун ишчи жадвал

| Моддалар | Бош корхона ҳисоботи | Шўъба корхона ҳисоботи | Тузатиш ёзувлари | | Консолидациялашган ҳисобот |
|----------------------------|----------------------|------------------------|------------------|--------|----------------------------|
| | | | дебет | кредит | |
| Сотиш ҳажми | 860000 | 1) 400000 | 240000 | | 1020000 |
| Бошқа даромадлар | 120000 | 2) 20000 | 4000 | | 136000 |
| Жами | 980000 | 420000 | | | 1156000 |
| Сотилган товарлар таннархи | 420000 | 300000 | | 240000 | 480000 |
| Бошқа харажатлар | 280000 | 100000 | | 4000 | 376000 |
| Жами | 700000 | 400000 | | | 852000 |
| Соф фойда | 280000 | 20000 | 244000 | 244000 | 300000 |

Компаниянинг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботидан ташқари яна тақсимланмаган фойда ва пул оқимлари тўғрисида йил ҳисоботлар ҳам тўлдирилади.

Консолидациялашда асосий ҳолатлар қуйидагилар:

– бир компания иккинчи компаниянинг назорат улушига бўлганда қўлланилади. Ҳар бир компания бухгалтерия ҳисоботи мустақил равишда олиб боради. Бош компания ҳамма назорат қилинадиган субъектларни бир молиявий ҳисоботлар пакетига йиғиб консолидациялашган молиявий ҳисоботлар тўпламини барпо этади.

– молиявий ҳисобот ҳисобварақларида қолдиқлар сунъий тарзда ошириб кўрсатилмаслиги учун ҳамма ҳисобварақлардаги қолдиқлар кўшилади ҳамда гуруҳлар ичидаги муомалалар ва қолдиқлар бирига ейштирилади;

– агар назорат қилувчи компания бошқа компания акцияларининг 100%дан кам бўлган улушга эга бўлса, бухгалтерия баланси ва молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ҳақидаги ҳисоботда бошқа томонларнинг пропорционал эгалик улушини кўрсатиш учун тегишли ҳисобварақлар очилади. Бу ҳолатни шўъба корхоналарнинг иштирок улуши деб тавсифлаш мумкин.

Умуман олганда, консолидацияланган молиявий ҳисоботни тузиш тартибининг белгиланиши бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтаётган Ўзбекистон учун бухгалтерия ҳисоби борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Турли хил мулкчилик шакллари қарор топтирилаётган ҳозирги шароитда консолидацияланган молиявий ҳисоботларни тузиш хўжалик юритувчи субъектлар, аввало, республикамизда самарали фаолият юритаётган холдинг компаниялар, таркибида шўъба корхоналар мавжуд бўлган иқтисодий субъектлар учун зарурдир.

VIII боб. ҲИСОБ СИЁСАТИ

8.1. Ўзбекистон Республикасида молиявий ҳисоботга доир меъёрий ҳужжатлар

Мустақиллик йилларида бухгалтерия ҳисобининг ривожланишига назар ташлар эканмиз, унда услубий ва ташкилий жиҳатдан катта ўзгаришлар рўй берганлигини кўриш мумкин. Ушбу даврда бухгалтерия ҳисобининг марказлаштирилган режали иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган ҳисоб тизими шакллантирила бошланди.

Бухгалтерия ҳисоби янги тизимининг шаклланишига, энг аввало мамлакатимизда дунёнинг бошқа мамлакатлари билан олиб борилаётган ўзаро манфаатли иқтисодий муносабатларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш зарур. Чунки ушбу иқтисодий муносабатларнинг бевосита таъсири остида мамлакатимизда амал қилинаётган қонунлар ва корхоналарнинг молиявий фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқишга ва уларнинг аксариятини батамом янгидан яратишга тўғри келмоқда.

Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобининг бозор муносабатлари талаблари асосида ислох қилишнинг тўртта босқичда амалга оширилиши режалаштирилган:

1. Бухгалтерия ҳисобининг қонуний асосларини яратиш;
2. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун асосида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини ишлаб чиқиш;
3. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини қўллаш бўйича йўриқнома ва услубий тавсиялар ишлаб чиқиш;
4. Юқоридаги қонуний ва меъёрий ҳужжатлар асосида корхоналарнинг иш ҳужжатларини, яъни ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш.

Ушбу дастур асосида республикаимизда бухгалтерия ҳисобининг услубий ва ташкилий масалалари бўйича анча ишлар қилинди. Жумладан, «Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида»ги Низом, «Маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича маҳсулот (иш, хизмат) таннархига киритиладиган харажатлар ва молиявий натижаларнинг шаклланиш таркиби тўғрисида»ги Низом, «Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун, «Бухгалтерия ҳисобининг миллий андозалари». № 1 сонли «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» № 2, № 3, № 4, № 5, каби қонуний ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиб, қабул қилинди.

Бу ҳужжатлар ичида Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунининг бухгалтерия ҳисобини ривож

(туширилган) маҳсулотнинг қиймати реализациядан олинган тушум ҳисобланади. Ижара ҳақи ўзи тўланиши лозим бўлган даврдаги харажат сифатида ижарачининг бухгалтерия регистрларида мос равишда акс эттирилиши лозим. Шундай қилиб, ҳисоблаш тамойили субъектнинг даромадлари ва харажатлари тегишли бўлган келиб тушиш санасидан қатъий назар, ҳисобот даврида акс эттирилишини билдиради.

Молиявий ҳисобот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботдан ташқари, ҳисоблаш қондаси асосида тузилади.

Икки ёқлама ёзиш усули. Икки ёқлама ёзиш усули билан ҳисоб юритиш қондаси хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия муомалаларини икки ёқлама ёзиш тизими асосида юритиш кераклигини билдиради. Икки ёқлама ёзиш тизими бир хил муомала бўйича айнан бир хил суммани бухгалтерия ҳисобининг икки ҳисобварағида – бирининг дебети ва бошқасининг кредитида акс эттирилишидан иборат бўлади.

Узлуксизлик. Узлуксизлик тамойили бухгалтерия ҳисобини юритиш муддати хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият кўрсатиш муддатига мос келиши кераклигини, яъни хўжалик юритувчи субъектда бухгалтерия ҳисоби уни тугатиш ёки банкрот бўлгунига қадар олиб борилиши кераклигини билдиради. Ўз фаолиятини тугатган кундан бошлаб хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисобини юритишни тақозо қилмайди.

Хўжалик муомалалари, активлар ва пасивларнинг пул баҳоси. Барча хўжалик муомалалари, активлар ва пасивлар ягона пул бирлигида баҳоланиши керак. Бу корхона мулкани, унинг мажбуриятларини баҳолаш, ҳар хил иқтисодий қарорлар қабул қилиш раун бошқа субъектлар фаолиятининг ўхшаш кўрсаткичлари билан ўқослаш учун зарурдир.

Ўзбекистон Республикасида сўм ва унинг таркибий қисми – **тийин** пул ўлчови бўлиб ҳисобланади.

Айни вақтда, агар ресурслар, мажбуриятлар ва капитал чет эл валютаси эквивалентида сотиб олинган ёки киритилган бўлса, у ҳолда таҳлилий ҳисобда чет эл валютаси ҳисобини юритиш учун зарур.

Ишончлилик. Ахборотда жиддий ёки олдиндан ўйлаб киритилган хатолар бўлмаса ва фойдаланувчилар унга ишонсалар, у ишончли ҳисобланади. Хўжалик муомалалари ишончлигини бирламчи ҳисоб ҳужжатлари тасдиқлайди.

Молиявий ҳисоботлар ҳамда ҳисоб регистрларидаги маълумотларнинг ишончлилиги учун жавобгарлик ҳисобот шакллари ва бошқа молиявий маълумотларни тузган ва имзолаган шахслар зиммасига юкланади.

Эҳтиёткорлик. Эҳтиёткорлик тамойили молиявий ҳисоботда активлар ва даромадларнинг орттирилган баҳоси ҳамда мажбуриятлар ёки харажатларнинг баҳосини пасайтириб кўрсатилишига йўл қўймасликни англатади. Ушбу тамойилни қўллаш яширин захира-ларни ҳосил қилиш ёки орттирилганлигини таъминлаш активлар ва даромадларни, мажбуриятлар ва харажатларни атайлаб пасайтириб ёки орттириб кўрсатиш ҳуқуқини бермайди.

Мазмуннинг шаклдан устунлиги. Бу тамойил, агар ахборот ишончли бўлсада, лекин юридик жиҳатдан нотўғри шаклда тақдим этилган бўлса ва қарор қабул қилиш учун зарур бўладиган барча маълумотларни ўзида акс эттирсагина қўлланилади. Бундай ҳужжат маълумотлар қандай шаклда тақдим этилишидан қатъий назар, ҳисобга олиниши керак.

Кўрсаткичларнинг қиёсийлиги. Молиявий ахборот фойдали ва мазмунли бўлиши учун у ҳар хил ҳисобот даврлари бўйича қиёсий бўлиши керак. Молиявий ҳисоботда барча қиёсий ахборотни аввалги даврга нисбатан ҳамма маълумотлар бўйича ёритиш зарур. Молиявий ҳисоботда ўтган давр шарҳланган ва ёзма жорий ҳисобот даври учун тақдим этилган ҳамда янгиланган бўлиши керак. Бу жорий ҳисобот даври молиявий ҳисоботларини холис тақдим этилиши учун зарур бўлсагина амалга оширилади.

Молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги. Молиявий ҳисоботда келтирилган ахборотларнинг ишончлилигини таъминлаш учун улар хатолардан холи ва мустақил бўлиши, яъни фойдаланувчилардан қатъий назар, молиявий ахборотларнинг бир хил кўринишда тақдим қилинишини таъминлаши керак.

Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоси. Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳолаш шарти уларнинг ҳақиқий таннархи ёки сотиб олинган нархи баҳолашнинг асоси бўлишини назарда тутди.

Ҳисобот даври даромадлари ва харажатлари мослиги. Ҳисобот даври даромадлари ва харажатлари мослиги фақат ушбу ҳисобот даврида даромад олишни таъминлаган харажатлар акс эттирилишини билдиради. Агар айрим кўринишдаги харажатлар ва даромадларнинг бевосита боғлиқлигини аниқлаш қийин бўлса, харажатлар бир неча

хисобот даврлари орасида тақсимотнинг бирон-бир тартиби асосида тақсимланади.

Тушунарлилик. Молиявий ҳисоботларда берилаётган ахборот фойдаланувчилар учун оддий ва тушунарли бўлиши керак. Натижада фойдаланувчиларга молиявий ҳисоботларни ўқий олиш талабини кўяди.

Аҳамиятлилик. Молиявий ахборотлар фойдаланувчилар қарорлар қабул қилиш жараёнида ёрдам бериши ва муомала молиявий-хўжалик фаолиятига тааллуқли воқеалар баҳолашда ёрдам бериш эҳтиёжларини қондиришда аҳамиятли бўлиши керак.

Мухимлик. Агар ахборотнинг муҳимлиги уни ўтказиб юборганида ёки нотўғри тасаввур қилинганда, молиявий ҳисоботлар асосида ахборотдан фойдаланувчилар томонидан иқтисодий қарорлар қабул қилишларига таъсир этса, ахборот муҳим ҳисобланади.

Мухимлик тамойилига кўра молиявий ҳисоботларда ҳамда тушунтириш хатларида битта моддада бошқа унча муҳим бўлмаган бир хил типдаги моддаларнинг суммаси акс эттирилади.

Ҳаққоний ва ҳолис тақдим этиш. Молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларнинг турларидан қатъий назар, субъектнинг молиявий ҳолати, муомалалар натижалари, пул маблағлари ҳаракати ҳақида ҳаққоний, ҳолис тасаввур ҳосил қилиши керак.

Тугатилганлик. Ишончлиликни таъминлаш мақсадида молиявий ҳисоботдаги ахборот тўлиқ ва тугатилган бўлиши керак, яъни ҳисобот тузиш соҳасида жорий даврдаги ҳамма муомалалар ҳисобга олиниши ва бухгалтерия ёзувлари амалга оширилиши ва тугатилиши шарт.

Изчиллик. Фойдаланувчилар хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволидаги ўзгариш йўналишларини аниқлаш учун турли даврлардаги ҳисоботларни қиёслаш имкониятларига эга бўлишлари керак.

Молиявий ҳисобот бандларини тақдим этиш ва таснифлаш, агар хўжалик юритувчи субъектнинг муомалалари моҳиятидаги ва ҳисоботдаги шаклларни таҳлил қилиш тартиби ёки қонунда ва атроф-муҳитдаги жиддий ўзгаришлар ҳисоботни тақдим этиш турларини ўзгартириш лозимлигини такозо этмаса, у ҳолда даврдан-даврга сақланиб қолиши лозим.

Ўз вақтидалик. Маълумот ўз вақтида тақдим этилсагина, фойдаланувчилар учун фойдали ҳисобланади. Молиявий ҳисобот тузилган кундан кейин фойдаланувчилар ихтиёрига белгиланган муддатда

етказиб берилмаса, молиявий ҳисоботларнинг фойдалилиги пасайиб кетади. Ҳисобот маълумотлари асоссиз кечиктирилса, у ўз аҳамиятини йўқотган бўлади.

Оффсеттинг (ўзаро қоплаш). Активлар пасивлар ўртасида ўзаро қопланишни амалга ошириши мумкин эмас. Даромадлар ва харажатлар ҳисобланган бўлса, шунга қарамасдан хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботлар изоҳида муҳимлик қондасига асосан ушбу суммани ёритиш масаласини кўриши лозим.

Холислик (объективлик). Молиявий ҳисобот субъектнинг молиявий аҳволи, фаолиятининг молиявий натижалари ва пул маблағлари ҳақида холис ахборот бериши керак. Холислик қондасига эришиш учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисоби юриштида ва молиявий ҳисобот тузишда БҲМА ва ҳисоб юриштининг асосий тамойилларини қўллаши лозим.

IX боб. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ БЎЙИЧА АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ ВА ҲИСОБОТИНИ ТУЗИШ

9.1. Молиявий ҳисоботни текширишнинг мақсади

Молиявий ҳисобот аудитининг мақсади аудиторга молиявий ҳисобот барча аҳамиятли жавҳалар бўйича молиявий ҳисоботни тақдим этишга оид белгиланган концептуал асосга мувофиқ тайёрланганлиги ҳақида ўз фикрини билдириш учун имконият яратишдир. Аудиторлик хулосасини тайёрлашда қуйидаги иборалардан фойдаланилади: “Тўғри ва ҳаққоний акс эттиради” ёки “Барча аҳамиятли жавҳалар бўйича ҳаққоний тақдим этилган”. Бу иккала атама бири-бирига тўғри келади

Аудиторлик хулосаси молиявий ҳисоботга нисбатан ишончни оширгани билан фойдаланувчи ушбу хулосани субъект келажакда барқарор фаолият кўрсатиши учун ишонч ҳамда унинг раҳбарияти томонидан мукамал ва самарали иш юритиш кафолати деб ҳисоблай олмайди.

Аудитор Бухгалтерларнинг халқаро федерацияси томонидан чоп этилган “Малакали бухгалтерларнинг ахлоқ кодекси”га риоя қилиши лозим. Ўз касбий мажбуриятларини бажаришда аудитор қуйидаги ахлоқий тамойилларга риоя қилиши керак:

- (а) мустақиллик;
- (б) ҳалоллик;
- (в) холислик;
- (г) касбий билимга эгалик ва тегишли синчковлик;
- (д) сир сақлашлик;
- (е) касбий хулқ-атворга эгалик;
- (ж) техникавий стандартларга риоя қилиш.

Аудитор аудитни АХСга мувофиқ ўтказиши лозим. Улар тушунтириш ва бошқа материаллар шаклида тақдим этилган тегишли қўлланма ва асосий тамойиллар ҳамда керакли муолажалардан иборат.

Аудитор молиявий ҳисобот аҳамиятли даражада бузиб кўрсатилишига олиб келадиган вазиятлар мавжуд бўлиши мумкинлигини тан олиб, аудитни маълум даражадаги касбий ишончсизлик билан режалаштириши ва бажариши лозим. Масалан, одатда аудитор субъект раҳбариятининг тақдимотларини исботлаш учун далиллар топишни назарда тутди ва ушбу тақдимотлар сўзсиз тўғри деб ҳисобламайди.

“Аудитнинг кўлами” атамаси муайян вазиятларда аудит мақсадига эришиш учун керакли бўлган аудиторлик муолажаларга тааллуқли.

Аудитни стандарт талабларига мувофик амалга ошириш учун керакли бўлган аудиторлик муолажалар аудитор томонидан стандарт талаблари, тегишли касбий идоралар, амалдаги конунчилик, меъёрий хужжатлар ва, керак бўлса, аудит бўйича келишув шартлари ва ҳисоботни тақдим этиш талабларини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим.

Аудит стандартларига мувофик аудит умумий ҳолда кўрилаётган молиявий ҳисобот аҳамиятли янглишларга эга эмаслиги тўғрисида керакли ишончлиликни таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Керакли ишончлилик – бу аудитор умумий ҳолда кўрилаётган молиявий ҳисобот аҳамиятли четга чиқишларга эга эмас деган хулосага келиши учун унга керакли аудиторлик далилларини тўплаш билан боғлиқ концепция. Оқилона ишончлилик концепцияси аудит ўтказиш жараёнига умумий ҳолда алоқадордир.

Бироқ, аудитор томонидан аҳамиятли янглишларни аниқлаш имкониятига таъсир этувчи аудитга хос чекловлар мавжуд. Бундай чекловлар қуйидаги омиллардан келиб чиқади:

- тестлардан фойдаланиш;
- бухгалтерия ҳисоби ва ички назоратнинг ҳар бир тизимга хос бўлган чекловлар (масалан, тил бириктириш имконияти);
- аксарият аудиторлик далиллар ўзининг моҳиятига кўра якуний эмас, балки исботловчи бўлиши.

Бундан ташқари, аудитор томонидан бажариладиган иш қуйидагилар бўйича фикр юритишни такозо этади:

(а) аудиторлик далилларни тўплаш, масалан, аудиторлик муолажалар тавсифи, муддати ва ҳажмини белгилашда;

(б) тўпланган аудиторлик далиллар асосида қилинган хулосалар, масалан молиявий ҳисоботни тайёрлашда субъект раҳбарияти томонидан берилган баҳоларни оқилоналигини аниқлаш.

Бундан ташқари, молиявий ҳисоботнинг алоҳида таъкидлари бўйича хулоса чиқариш имконини берувчи мавжуд далиллар ишонарлигига таъсир этиши мумкин бўлган чекловлар мавжудлиги (масалан, ўзаро боғлиқ томонлар орасидаги операцияларга нисбатан.) Бундай ҳолатларда айрим аудитнинг халқаро стандартлари алоҳида тасдиқлашларнинг тавсифига биноан қуйидагилар мавжуд бўлмиганда етарли даражада тегишли аудиторлик далиллар таъминлаш учун аниқ муолажаларни белгилайди;

(а) одатда назарда тутиладиган таваккалчилик даражасидан юқорироқ аҳамиятли янглишлар таваккалчилигини оширувчи ғайри одатий вазиятлар; ёки

(б) аҳамиятли янглишиш вужудга келаётганлигиги тўғрисида ҳар қандай белги.

Аудитор молиявий ҳисобот бўйича фикр шакллантириш ва билдириш учун масъуллигига қарамасдан, молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш бўйича масъулият субъект раҳбарияти зиммасида қолади. Молиявий ҳисобот бўйича аудит тақдим этиладиган молиявий ҳисобот юзасидан субъект раҳбариятини масъулиятдан озод этмайди.

Аудиторлик текширувини ўтказиш шакллари услубий характерга эга бўлганлиги туфайли кўпинча уни аудитни ўтказиш техникаси деб аташади. Аудиторлик текширувини ўтказиш муддати, текширув-да фойдаланиладиган манбаларнинг ҳажми ва тури, уни амалга оширишнинг усулларига боғлиқ равишда аудиторлик текширувини ўтказишнинг турли хил шакллари фарқланади.

Аудит ўтказишнинг муддатига боғлиқ равишда аудиторлик текшируви қуйидаги турларга бўлинади:

1. Қайта аудиторлик текшируви;
2. Жорий аудиторлик текшируви;
3. Якуний аудиторлик текшируви.

Қайта аудиторлик текшируви ҳали бошланмаган ишларни назорат қилишни кўзда тутлади. Бундай аудиторлик текширувини ўтказишдан мақсад кейинчалик ҳар хил хатоликлар ва қонунбузарлик ҳолатларини олдини олишдан иборат. Корхона ва ташкилотларда олдинги аудиторлик текшируви асосан меҳнат муносабатлари, моддий ва молиявий ресурслар бўйича ўтказилади. Олдинги аудиторлик текшируви ходимларнинг малака даражасини ошириш, қонунчиликка риоя қилиш, хўжалик ресурсларининг мақсадли ва самарали ишлатилишини таъминлайди.

Олдинги аудиторлик текшируви, одатда ички аудиторлар ҳамда корхона мутахассислари томонидан ўтказилади. Кейинги вақтларда аудиторлик текширувининг ушбу шакли ташқи аудиторлар томонидан ҳам ўтказилмоқда.

Олдинги аудиторлик текшируви энг кўп қўлланиладиган объект бу инвестиция лойиҳалари самарадорлигини баҳолашдир. Айнан инвестиция лойиҳаларининг самарадорлиги баҳоланганда ички аудиторлар ҳали лойиҳа амалга оширилмасдан олдин унга йўналтирила-

диган харажатларнинг мақсадли эканлигини ҳамда уларнинг оқланувчанлик даражасини аниқлайдилар.

Жорий аудиторлик текшируви хўжалик муомаласи содир бўлаётган вазиятда ўтказилади. Аудиторлик текширувининг бу шакли хатолар ва камчилик юз берган вақтда уларни тезкор равишда тўғрилаш ҳамда бу вазиятда илғор тажрибаларни қўллашни татбиқ этишни таъминлайди.

Бу шаклнинг афзаллиги шундаки, хатолар юз берган вақтда уларни ўз вақтида тўғрилаш имкониятини беради. Шунингдек, жорий аудиторлик текшируви корхонада «доимий» хатоларни аниқлаш имкониятини ҳам беради.

Жорий аудиторлик текшируви ички аудиторлар томонидан ҳам, ташқи аудиторлар томонидан ҳам ўтказилади. У ташаббускорлик ҳамда мажбурий тарзда ўтказилади. Мажбурий аудитда жорий аудиторлик текшируви молиявий ҳисоботлардаги маълумотларнинг ишончли эканлигини тасдиқлаш учун қўлланилади.

Якуний аудиторлик текшируви хўжалик муомалалари содир бўлганидан, иш бажариб, тугалланганидан кейин ўтказилади. Бу шаклдаги аудиторлик текшируви анча кеч, яъни муомалалар содир бўлгандан кейин ўтказилсада, унинг ўрни муҳимдир. Якуний аудиторлик текширувининг муҳим вазифаларидан бири – бу корхонада йўл қўйилган камчилик ва хатолар хусусидаги маълумотларни раҳбариятга беришдир. Бу маълумотлар асосида корхона кераклича хулосалар чиқариши ҳамда кейинги режаларда, лойиҳаларда аудит натижаларидан фойдаланиши мумкин.

Мажбурий аудит, одатда, якуний аудиторлик текшируви шаклида бўлади. Чунки барча хўжалик муомалалари ўтган ҳисобот даврида содир бўлган ҳамда аудитор хулоса ёзаётганда бевосита ўтган давр учун ёзади. Якуний аудиторлик текширувининг энг муҳим устунлиги шундаки, у аудит қилиш жараёнида барча объектларни қамраб олади. Чунки аудиторлик фирмаси ёки аудитор хулоса ёзишда корхонанинг бутун фаолиятини ўрганиб чиқиши лозим бўлади.

Аудиторлик текширувлари манбалари нуктаи назаридан иккита бўлинади:

1. Ҳужжатли текшириш;
2. Ҳақиқий текшириш.

Ҳужжатли текшириш хўжалик муомалаларининг тўғри бажарилганлигини аниқлаш мақсадида ҳужжатлар бўйича текширишнинг амалга оширилишини аниқлатади. Ҳужжатли текширишнинг манбалари

бирламчи ва йиғма ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари, ташкилотнинг бизнес-режа ҳамда ҳисоботлари ва бошқалар ҳисобланади.

Ҳақиқий назорат текшириладиган объектнинг реал, амалдаги ҳолатини аниқлаш мақсадида инвентаризация, лаборатория анализи ва бошқа усуллар ёрдамида ўтказилади. Бундай назорат тури аудиторлик амалиётида корхонадаги мавжуд мулкнинг нақдлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Бундан ташқари ҳужжатли текширув пул маблағлари, қимматли қоғозлар, товар-моддий захираларнинг ҳақиқий ҳолати, асосий воситалардан фойдаланиш даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Амалга ошириш усули нуктаи назаридан аудиторлик текширувлари қуйидаги турларга бўлинади:

- камомад ва хатоларнинг айбдорларини қидириш;
- хўжалик тортишуви;
- иқтисодий таҳлил.

Камомад ва хатоликларнинг айбдорларини қидириш корхонага моддий зарар етказган шахсларни ва уларнинг етказган зарар суммаларини аниқлашдан иборат. Бундай текширув усулининг муҳим хусусияти, у моддий зарар суммасини қоплашдан иборат бўлиб қолмасдан, зарар суммалар бўйича айбдорлар жиноий жавобгарликка ҳам тортилиши мумкин.

Хўжалик тортишуви – бу корхонанинг бошқа корхона ва ташкилотлар билан бўлаётган ўзаро ҳисоб-китобларининг қонунийлигини аниқлаш усулидир. Хўжалик тортишуви корхоналар билан маҳсулот етказиб бериш муносабатларида ҳам, солиқ органлари билан муносабатларда ҳам юзага келиши мумкин.

Кўпинча хўжалик тортишувлари «тинчлик йўли» билан ҳал этилади, агарда у кенгроқ кўламда бўлса, суд органлари орқали ҳал этилади.

Агар икки томон ўртасида ўзаро баҳсли вазият вужудга келса, бир томоннинг ташаббуси билан аудитор хўжалик тортишуви усулини қўллайди. Бундай текширув натижалари маълумотномалар, тавсиялар ва бошқа ҳужжатларда расмийлаштирилади.

Иқтисодий таҳлил корхона молия-хўжалик фаолиятининг самарадорлигига баҳо беришда кенг қўлланилади. Иқтисодий таҳлил натижасида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, мулкнинг ликвидлиги ва бошқа молиявий коэффициентлар аниқланади. Иқтисодий таҳлил натижалари жадваллар, графиклар, формулалар, матнли ёзувлар кўринишида расмийлаштирилади.

Аудиторлик текширувидан олдин аудит гуруҳи бошлиғи томонидан дастур ишлаб чиқилади ва унда қуйидагилар кўрсатилади:

- аудитнинг мақсади;
- текширишга қўйилган корхонанинг асосий участкалари ва ҳисоб бўлимлари;
- гуруҳ аъзолари ўртасида вазифаларнинг бириктирилиши;
- текшириш бошланиши, тугатилиши ва давом этиш муддати.

Аудитнинг мақсади аудитор корхонага нима мақсадда келганлиги ва текшириш корхона учун қандай аҳамиятга эга бўлиши билан белгиланади. Аудитор корхона ҳисоб ишларида мавжуд камчиликларни баргараф этиш учун келади.

Аудит давомида иш олиб бориладиган участкалар дастурда кўрсатилади. Энг аввало, корхона молия-ҳўжалик фаолиятида ва унинг молиявий натижаларини шаклланишида энг муҳим аҳамиятга эга бўлган участкалар танлаб олинади.

Агар текшириладиган участкалар нотўғри танланса, бунга аудитор жавобгар ҳисобланади. Ҳар бир текшириладиган участкада текшириш тури – тўлиқ ёки танлов йўли билан белгиланади.

Тўлиқ танлаш касса муомалаларида, банк ҳужжатлари, бўнак ҳужжатлари, таъсисчилар билан ҳисоблашиш ҳақи, ишлаб чиқариш захиралари, ҳисоблашишлар бўйича олиб борилади.

Агар у алоҳида олиб борилса, танлаб, текшириш бўлади.

Материаллар ҳужжатларининг етишмаслиги туфайли, одатда тўлиқ текшириш қийинлашади.

Янги аудиторларга касса ва бўнак ҳужжатларини, малакали аудиторларга бош дафтар ва ҳисоботни текшириш юклатилади.

Аудиторлик текширувининг давомийлиги ҳар хил бўлади. 2 ҳафталик текшириш аниқроқ ва тўлиқроқ маълумот бериши, ҳар ҳисобаблар туфайли текшириш чўзилиши мумкин.

Текшириш дастурини тузиш, мутахассисларни гуруҳларга бўлиш, аудиторлик ҳулосасини ёзиш учун мижоз корхона ҳақида маълумотни эга бўлиши керак. Унда қуйидагилар баён этилади:

- корхонанинг тармоқ хусусияти;
- корхонанинг ташкилий тузилиши;
- ишлаб чиқариш алоқалари (мол етказиб берувчилар, пудриччилар билан);
- молиявий алоқалари;
- юридик мажбурияти (ДСИ, давлат мақсадли фондлари олди мажбурият).

Корхона ҳақидаги маълумот куйидагилар ҳисобланади:

а. Ҳисоб ишларига алоқадор бўлмаган ходимлар, ўрта звено ишчилари, олий бошқарув ходимларининг берилган саволларга фикрлари.

б. Асосий ишлаб чиқариш участкалари, цехлар, омборларни бориб кўриш ва кўздан кечириш.

с. Ички ва ташқи ҳисоботлар ва нашрлар. Ташқи ҳисоботиларга – иш билан боғлиқ нашрлар, тармоқ бўйича аналитик ҳисоботлар таҳлили, асосий рақобатчи ва тармоқдаги ўртача кўрсаткичлар билан таққослаш ва ҳоказолар. Ички ҳисоботлар – таъсисчилар умумий йиғилишининг баённомаси, лойиҳа-смета ҳисоботлари, ички аудитор ҳисоботи ва бошқалар.

Аудитор мижознинг тадбиркорлик фаолиятига таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни билиши шарт.

Ҳар бир иқтисодий субъектнинг индивидуал хусусиятидан келиб чиқиб, аудит стратегияси танлаб олинади. Текшириш стратегиясида куйидагилар белгилаб олинади:

- текшириш дастурини тузишда ахборотлар йиғиш;
- йиғилган ахборотларни ўқиш;
- аудиторлик таваккалчилигини қайта баҳолаш;
- текширишнинг моҳиятини, давомийлигини, чегараларини

белгилаш.

Текшириш стратегияси аудит режаси кўринишида расмийлаштирилади.

Аудит қаерда ўтказилишидан қатъи назар - хусусий ёки давлат секторидами – аудитнинг асосий тамойиллари ўзгармасдан қолаверади. Давлат секторининг аудити мақсади ва кўлами бўйича фарқланиши мумкин. Бу кўп ҳолатларда аудиторлик ваколатларидаги фарқлар, ҳуқуқий талаблар ёки ҳисоботни тақдим этиш шаклидаги фарқлар билан боғлиқ (масалан, давлат сектори субъектидан кўшимча молиявий ҳисоботлар тайёрлашни талаб қилиниши мумкин).

Давлат сектори субъектларини аудит қилишда аудитор ҳар қандай бошқа тегишли меъёрий ҳужжатларнинг аниқ талабларини, аудит ўтказишда ваколатга таъсир этувчи тегишли вазирликларнинг қарорлари ва тавсиялари, шунингдек, аудитга нисбатан қўйиладиган ҳар қандай махсус талаблар, шу жумладан миллий хавфсизлик масалаларини ҳисобга олиш заруриятини назарда тутиши лозим. Аудит ўтказишда ваколатлар, хусусий сектор аудитидан фарқли равишда ўзига хос тавсифга эга бўлиши мумкин, кўп ҳолатларда муаммолар-

нинг кенгрок доирасини қамрайди ва кенг қўламли тавсифга эга бўлади. Ваколатлар ва талаблар, шунингдек, аудиторнинг эркин ҳаракат қилиш даражасига, масалан аҳамиятлиликни аниқлашда товламачилик ва хатолар ҳолатлари ҳақида аудиторлик ҳисоботини тайёрлашда, шунингдек, аудиторлик ҳисоботи шаклини танлаб олишда таъсир этиши мумкин. Аудитга ёндашиш ва услубиётда ҳам фарқланишлар бўлиши мумкин. Шунга қарамадан мазкур фарқланишлар аудитнинг асосий тамойиллари ва керакли муолажаларига тааллуқли эмас.

9.2. Аудиторлик хулосаси ва уни тузиш тартиби

Аудиторлик хулосаси бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботнинг таркибий қисми бўлиб, ундан фойдаланувчилар учун ушбу ҳисобот ишончлилиги ахборот манбаси бўлиб хизмат қилади. Бухгалтерия ҳисоботидан фойдаланувчилар аудиторлик хулосасида баён қилинган фикрга таяниб, аудиторга ёки аудиторлик фирмасига ишонч билдирадидлар. Ушбу ишонч, энг аввало, аудитор томонидан бажарилган ишнинг сифати билан қўлга киритилади ва оқланади.

Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунда белгиланишича, аудиторлик хулосаси молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби юритиш тартибининг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклда ифодаланган, хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очик бўлган ҳужжатдир.

Аудиторлик хулосаси аудиторлик ҳисоботи асосида тузилади.

Аудиторлик хулосаси аудитор (аудиторлар), аудиторлик ташкилотининг раҳбари томонидан имзоланган ва аудиторлик ташкилоти муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак (19-модда).

Аудиторлик ташкилоти томонидан ишлаб чиқиладиган аудиторлик хулосасини тайёрлаш ишларида *аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари* (АФМС) қоидаларининг талабларини инобатга олиш зарур. Аудиторлик хулосасини тайёрлашда асосан № 70 «Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик хулосаси» номли аудиторлик фаолияти миллий стандартидан (АФМС) фойдаланилади.

Аудит натижалари корхонадаги жараёнлар ва молия-хўжалик фаолияти натижаларини ташкил этиш ва ҳисобга олишни ҳолисона ақс эттириши лозим. Бошқача қилиб айтанда, аудиторлик текшируви

мумкин қадар объектив бўлиб, унинг хулосаси маълум маънода хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти устидан чиқарилган «хукм» ҳисобланади. Шунингдек, давлат органлари топшириғига биноан ўтказилган текширув натижалари бўйича тузилган аудиторлик хулосаси Ўзбекистон Республикаси процессуал қонунчилигига мувофиқ тайинланган экспертиза хулосасига тенглаштирилади.

Аудиторлик хулосаси учта: кириш, таъкидловчи ва яқунловчи қисмдан иборат бўлиши лозим.

Кириш қисмида қуйидагилар кўрсатилади:

- аудиторлик ташкилотининг юридик манзили ва телефонлар;
- лицензиясининг тартиб рақами;
- аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия берган орган номи ва берилган вақти, шунингдек, лицензиянинг амал қилиш муддати;

- аудиторлик ташкилотини давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги гувоҳноманинг рақами;

- аудиторлик ташкилотининг ҳисоб-китоб счёти;

- текширувда иштирок этган барча аудиторлар ҳамда аудиторлик ташкилоти раҳбарининг насаби, исми-шарифи.

- аудиторлик текшируви ўтказиш учун асос ва хўжалик юритувчи субъектнинг умумий тавсифи.

Шу билан бирга аудиторлик хулосасининг **кириш** қисмида текширувдан ўтказилган молиявий ҳисоботлар рўйхати, санаси ва ҳисобот даври кўрсатилган ҳолда акс эттирилиши лозим. Шунингдек, кириш қисмида аудиторлик текширувидан ўтказиладиган ҳисоботнинг тайёрланиши ва ишончлилиги учун масъулият хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига юклатилиши, мазкур молиявий ҳисобот бўйича берилган аудиторлик хулосаси учун эса аудиторлик ташкилоти жавобгар эканлиги кўрсатилиши лозим.

2. Аудиторлик хулосасининг таъкидловчи қисмида аудиторлик хулосаси АФМСга мувофиқ ўтказилганлиги таъкидланиши лозим.

Таъкидловчи қисм молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотларнинг ишонччилигини ва қонунчиликка ҳамда хўжалик юритувчи субъект молия-хўжалик фаолиятининг ҳақиқий аҳволига мувофиқлигини баҳолашини кўрсатиши лозим. Шунингдек, таъкидловчи қисмда ўтказилган аудиторлик текшируви фикр билдириш учун етарли асос бериши тўғрисида аудиторлик ташкилотининг тасдиғи акс эттирилиши лозим.

3. **Аудиторлик хулосасининг якунловчи қисмида** хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботи ишончлилиги ва қонунчиликка мувофиқлигини тасдиқлаш тўғрисида ёзув ёзилади.

Текширув аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилганда, аудиторлик хулосасини аудиторлик ташкилотининг раҳбари ёки аудиторлик ташкилотининг у ваколат берган бошқа ходими имзолайди ва аудиторлик фирмаси муҳри билан тасдиқлайди.

Хўжалик юритувчи субъект фақат аудиторлик хулосасининг якуний қисминигина манфаатдор шахсларга тақдим қилиши лозим. Шу муносабат билан аудиторлик хулосасининг тахлилий ва якуний қисмлари алоҳида имзоланиши ва муҳрланиши мумкин. Аудиторлик хулосасининг иккита тури мавжуд: а) ижобий аудиторлик хулосаси; б) салбий аудиторлик хулосаси.

Ижобий аудиторлик хулосасида бухгалтерлик баланси ва молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг ишончлилиги аудитор томонидан тасдиқланади. Қоидага кўра ижобий аудиторлик хулосаси аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий ҳолати ва содир этилган молия-хўжалик муомалаларининг Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқлигини ишонарли акс эттиради деган фикрга келинган вақтда тузилиши лозим.

Салбий аудиторлик хулосаси молиявий ҳисобот корхонанинг молиявий аҳволи тўғрисида ишонарли маълумот бермаган ва бухгалтерлик ҳисоботи ҳамда унинг молия-хўжалик фаолияти ҳисоби амалдаги меъёрий қонунчилик талабларига мос келмаган ҳолда юритилган вақтда тузилади. Бундай хато-камчиликлар ўз вақтида тузатилмаса молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларни чалғитиши мумкин.

Салбий аудиторлик хулосаси тузиш аудиторлик амалиётида камдан-кам учрайдиган ҳолат бўлиб, бунга қуйидаги муайян вазиятлар сабаб бўлиши мумкин:

– аудитор томонидан аниқланган бухгалтерия ҳисоботидаги хато-камчиликлар жиддий ва салмоқли бўлган ҳолатлар; айрим миқдор корхоналарда бундай ҳолатлар уларнинг иқтисодий носорлиги билан биргалликда юзага, ҳатто **амал қилаётган корхона принципининг** бузилишига етиб боради;

– молиявий ҳисоботни тасдиқлаш учун зарур бўлган дастлабки ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва ҳисоб регистрлари ҳамда бошқа ҳужжатларнинг катта қисми корхона маъмурияти томо-

нидан тақдим этилганда; бунда аудиторлик ташкилоти вужудга келган вазиятдан келиб чиққан ҳолда №70-АФМСга мувофиқ аудиторлик хулосаси тузишдан воз кечиши ҳам мумкин;

– ижобий аудиторлик хулосаси тузишга тўсқинлик қиладиган бошқа объектив вазиятлар ҳам, хусусан, вазият тақозоси билан вужудга келадиган соҳани чеклашлар;

– мижоз-корхона маъмурияти молиявий ҳисобот маълумотларини асосан тўғри деб, аудиторлик хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги асосий хулосалари билан рози бўлмасдан, тегишли ҳисоб ёзувларини тузатишни батамом рад этиш ҳолатлари ва ҳақозо.

Салбий аудиторлик хулосаси хўжалик юритувчи субъект томонидан содир этилган молиявий ва хўжалик муомалалари молиявий ҳисоботда ишонарли акс эттирилган, аммо қонунчиликка мос келмайдиган ҳолларда ҳам тузилади.

Салбий аудиторлик хулосасини тузишга, қоидага кўра, хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик ташкилоти томонидан аниқланган хато-камчиликларни бартараф қилиш мақсадида молиявий ҳисоботга ўзгартишлар киритиш тўғрисида билдирилган фикрга норозилиги сабаб бўлади.

Аудиторлик текшируви натижасида аниқланган хато-камчиликлар хўжалик юритувчи субъект томонидан тузатилганда салбий аудиторлик хулосаси тузилмайди.

Аудитор бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботининг сифати тўғрисида аудиторлик хулосаси туза олиш учун етарли даражада ишончли далиллар тўплаш олмаганда хулоса тузмайди. Бундай ҳолат аудиторлик текшируви ҳажмининг чекланганлиги оқибатида молиявий ҳисобот тўғрисида фикр билдириш учун аудиторлик далил-исботлар етарли бўлмаганида юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ шартнома тузувчи аудиторлик ташкилоти ва мижоз-корхона тадбиркорлик субъектлари сифатида тенг ҳуқуқли бўлса ҳам мақоми бўйича тенг бўла олмайдилар, чунки аудиторлик ташкилоти текшириладиган хўжалик тизимини назорат қилади. Бундан мижоз-корхона маъмурияти аудиторлик ташкилотининг хулоса тузишдан воз кечиш эҳтимоли олдиндан аниқланиб қўйилишига рози бўлиши лозим деган хулоса келиб чиқиши мумкин. Умуман олганда, бундай эҳтимоллик жуда кам учрайди, аммо қонунчиликда белгилаб қўйилган.

Аудиторлик хулосаси тузишдан воз кечиш айрим махсус ҳолларда юзага келади. Булар: аудитор мустақиллигини йўқотиши, ба-

ланс тузилган санадан кейиги содир бўлган жиддий ходисалар ёки вазиятнинг ноаниқлиги, хўжалик юритувчи субъект томонидан ёки айрим мураккаб вазиятлар туфайли аудит ўтказиш соҳасининг чеклаб қўйилиши.

Аудиторнинг хулоса тузишдан воз кечиши ёзма равишда, №70-АФМС да кўрсатилган шакл бўйича расмийлаштирилиб, унинг мазмуни пухта асосланган бўлиши лозим.

Аудиторлик текшируви ҳажмининг чекланганлиги – бу хўжалик юритувчи субъект вакиллари ёки учинчи шахсларнинг бошлаб қўйилган аудиторлик текширувини аудитор аудиторлик хулосаси тайёрлаш учун етарли деб ҳисоблайдиган ҳажмда ўтказишга тўсқинлик қилишга қаратилган очикдан-очик кўрсатадиган ҳатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигидир.

Аудиторлик хулосаси тузишдан воз кечиш ариза кўринишида бўлиб, «Аудиторлик ташкилотининг аудиторлик хулосаси тузишдан воз кечиш тўғрисидаги аризаси»деб номланади.

Агар салбий хулоса тузилса ёки хулоса тузилмаса, аудитор таъкидловчи қисмда текширув натижаларини, аниқланган амалдаги қонунчилик бузилиши фактларини ва корхона фаолиятидаги бошқа камчиликларни батафсил баён қилади.

Аудиторлик хулосаси камида уч нусхада тузилиб, унинг икки нусхаси аудиторлик текшируви буюртмачиси, яъни корхона раҳбариятига тақдим қилинади.

Хўжалик юритувчи субъектлар аудиторлик текшируви якунланганидан сўнг 15 кун ичида аудиторлик хулосасининг бир нусхасини ўзлари жойлашган ҳудуддаги солиқ органига тақдим қиладилар.

Аудиторлик хулосаси молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун тушунарли бўлиб, унда аудиторнинг иккиланиш ва(ёки) норозилигидан келиб чиққан чеклашлар аниқ кўрсатилиши лозим. Аудиторлик хулосаси барча молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар олиш имконига эга бўлган очик ахборот ҳисобланади. Аудиторлик хулосаси тегишли молиявий ҳисоботлар билан биргаликда хўжалик юритувчи субъект томонидан чоп эттирилиши мумкин.

Агар кўрсатилган камчиликлар бухгалтерия ҳисоботининг ҳаққонийлигига таъсир қилмайдиган бўлса, аудитор хулоса тузишга киришади. Акс ҳолда аудитор бухгалтерия ҳисобининг юритилиши ва корхона томонидан тақдим қилинган ҳисоботлар тўғрисида тасдиқлашдан бош тортиши лозим. Фақат кўрсатилган камчиликлар тугатилгандан сўнггина текширувларни якунлаши ва уларнинг на

тижалари бўйича хулоса тузиш мумкин. Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузишдаги камчиликларни тугатиш учун корхонага берилган вақт, одатда, агар бундай ишларнинг жиддийлиги ва сермеҳнатлиги реал баҳоланса, икки - уч ойдан ошмаслиги лозим.

Аудиторга барча зарур маълумотлар ўз вақтида тақдим этилмаган ёки бузиб кўрсатилган ҳолда тақдим этилганлигини у билмаган бўлса, бунга аудитор жавобгар ҳисобланмайди. Бу ҳолларда барча жавобгарлик зарур маълумотларни аудиторга тақдим этиши лозим бўлган текшириладиган корхона маъмурияти ва унинг масъул ходимларига юклатилади.

Шу боисдан, корхона раҳбари ва молия-ҳисоб хизмати ходимлари олдиндан, аудиторлик хулосасини охириги таҳрирда тузгунга қадар танишиб чиқишлари, агарда уларда айрим ҳолатларга нисбатан норозилик, мулоҳаза ёки қандайдир таклифлари бўлса, ушбу билдирилган фикрлар диққат билан эшитилиб, корхона ходимлари иштирокида муҳокама қилиниши ва асосланган ҳолда чиқариб ташланиши ёки хулосанинг охириги таҳририда инobatга олинishi лозим.

Корхона бир ой ўтмасдан қайта текшириш натижасида ижобий хулоса олса, бу ҳол аудиторларга ишончсизлик билдиришга олиб келиши мумкин. Шунингдек, агар текширувда ҳеч қандай криминалга оид ҳолат аниқланмаган бўлсада, хулосаларни очикдан-очик ёки ниқобланган ишоралар билан шакллантириш мумкин эмас. Аммо, шунга қарамасдан корхона ишида сунистеъмом ҳоллари учраса, судлов-тергов органлари томонидан чуқур текширилиб, улар очиб ташланади. Яна бир марта шунини таъкидлаш лозимки, аудитор хулосада фақат қўл остидаги ҳужжатлар ёки аниқ формулалар, рецептуралар, нормалар, лимитлар ва бошқа маълумотларга асосланган, бeнyксон, аниқ ҳисоб-китоблар билан тасдиқланган фактларни келтириши лозим.

Аудиторлик хулосасида ҳеч қандай тахминлар, гумонлар, мишмишлар ва бошқа тасдиқланмаган манбалардан олинган маълумотларни келтириш мумкин эмас. Шунингдек, хулосада жудаям эҳтиросларга берилган сўзлар, келтирилган фактлар бўйича шарҳлар, масалан, «ўта кетган, ашаддий совуққонлиги натижасида. . . » каби жумлалар бўлмаслиги керак.

Аудиторлик текшируви яқунланганидан сўнг барча материаллар (ишчи ва аналитик жадваллар, ҳисоб-китоблар, аудиторлик текшируви ва хулосалар ҳамда экспертиза далолатномаларининг бирламчи нусхалари, ҳисоб ходимлари, моддий жавобгар шахслар ва бошқа-

ларнинг тушунтириш хатлари) ҳар бир текширилган корхона учун махсус очилган папкаларда сақланиши лозим. Навбатдаги текширув аниқ мақсадга йуналтирилган ва самарали бўлиши учун мазкур корхонани текширишда олдин иштирок этмаган янги ходимлар ўтказса, ушбу материаллар уларга яқиндан ёрдам бериши мумкин.

Булардан ташқари, ойдинлаштирилиши лозим бўлган айрим саволлар ёки текшириладиган корхона томонидан даъволар (масалан, аудиторлар томонидан мижоз-корхонанинг ҳисоб ва ҳисоботларини текшириш натижалари бўйича салбий хулоса аниқланганда) пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳақиқатни қарор топтириш учун аудиторлик ҳисоботи ва хулосасидаги ишчи материалларга мурожаат қилинади.

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказмай тузилган ёхуд аудиторлик текшируви натижалари бўйича тузилсада, лекин аудиторлик текшируви давомида аудитор (аудиторлар) томонидан олинган ва ўрганилган хўжалик юритувчи субъект ҳужжатлари мазмунига мувофиқ бўлмаган аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси қасддан сохта тузилган ҳисобланади.

Аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик хулосаси қасддан сохта тузилганлиги аудиторлик фаолиятини амалга оширишга доир лицензиянинг амал қилишини белгиланган тартибда тугатишга, шунингдек, айбдор шахслар қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

9.3. Аудиторлик ҳисоботи ва уни тузиш тартиби

Аудитнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, умумлаштирилган ва баҳоланган текширув натижаларини камида иккита ҳужжат билан расмийлаштириш мақсадга мувофиқдир:

1. Аудит ҳақидаги шартномада кўзда тутилган давр ичидаги корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисида ҳисобот;

2. Бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосаси.

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунда белгиланишича: **аудиторлик ҳисоботи** аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисобот-

даги қондабузарликлар тўғрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек, аудиторлик текшируви ўтказиш натижасида олинган бошқа ахборотдан иборат бўлган ва хўжалик юритувчи субъект раҳбарига, мулкдорга, катнашчилари (акциядорлари)нинг умумий йиғилишига йўлланган ҳужжат (18-модда)дир.

№70 – «Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик хулосаси» номи АФМСга мувофиқ аудиторлик ҳисоботининг таркиби қуйидагича:

а) («Аудиторлик ҳисобот» ёки «Аудиторлик ташкилотининг ҳисоботи» деган ҳар иккала ном ҳам бир хил маънога эга);

б) адресат номи;

в) кириш қисми;

г) таҳлил қисми;

д) яқуний қисм.

Аудиторлик ҳисоботи молиявий ҳисоботни аудиторлик текширувидан ўтказган аудитор(лар) томонидан бетма-бет имзоланиши лозим. Аудиторлик ҳисоботи аудиторлик текширувининг буюртмачисига, буюртмачининг барча зарур реквизитлари кўрсатилган ҳолда жўнатилади.

Аудиторлик ҳисоботининг кириш қисмида аудиторлик ташкилотининг реквизитлари, шу жумладан аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензиянинг рақами ва санаси, аудиторлар ва аудиторлик текширувида қатнашган бошқа шахслар ҳақида маълумотлар ҳамда аудиторлик текширувини ўтказиш учун асос ва хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг умумий тавсифи кўрсатилади.

Аудиторлик ҳисоботининг таҳлилий қисми аудиторлик фаолияти миллий стандартига таянади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

* хўжалик юритувчи субъектда ички назоратнинг аҳволини текшириш натижалари (батафсил баёни);

* бухгалтерия ҳисоботи ва молиявий ҳисоботнинг аҳволини текшириш натижалари;

* молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш чоғида қонунчиликка риоя қилинишини текшириш натижалари;

* солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ҳамда тўлашнинг тўғрилигини текшириш натижалари;

* активлар (маблағлар) сақланишини текшириш натижалари.

Қорхонадаги ички назоратнинг аҳволини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборотлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

* ички назорат тизими хўжалик юритувчи субъект фаолияти тавсифи ва миқёсларига мос келишини умумий баҳолаш;

* аудиторлик текшируви чоғида аниқланган ички назорат тизимининг хўжалик юритувчи субъект фаолияти тавсифи ва миқёсларига катта мос келмаслик ҳолатларини баён қилиш.

Хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботининг аҳолини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборотлар қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

* бухгалтерия ҳисобининг юритилиши ва молиявий ҳисоботни тузишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини баҳолаш;

* бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш тартибини аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнида аниқланган катта қоидабузарлик ҳолатларини баён қилиш.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш чоғида қонунчиликка риоя қилинишини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборотлар қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

* хўжалик юритувчи субъект томонидан содир этилган молия-хўжалик муомалаларининг қонунчиликка мос келишини баҳолаш;

* хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилган молия-хўжалик муомалаларини аудиторлик текширувидан ўтказиш жараёнида аниқланган катта номувофиқликларни баён қилиш.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ҳамда тўлашнинг тўғрилигини текшириш натижалари тўғрисидаги ахборотлар қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

* солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тузилган ва тегишли органларга тақдим қилинган ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини баҳолаш;

* солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблашнинг белгиланган тартибини бузиш фактларини, солиққа тортиладиган базани аниқлашдаги хатоларни баён қилиш.

Активлар сақланишини текшириш натижалари активларни инвентаризация қилишга асосланиши ва уларнинг ҳақиқатда мавжудлиги ҳамда бутлиги тўғрисидаги ахборотларни ўз ичига олиши лозим.

Аудиторлик ҳисоботининг якуний қисмида аниқланган хато камчиликлар ва қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича аудиторлик ташкилотининг тавсиялари ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича маслаҳатлар ва таклифлари акс эттирилади.

№ 70 – АФМС га мувофиқ аудиторлик ташкилоти тузилган аудиторлик ҳисоботи учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар ҳисобланади. Шунингдек, аудиторлик ҳисоботидаги ахборотлар махфий бўлади ва уни ошкор этиш мумкин эмас. Ушбу ахборотларга алоқадор шахслар ахборотларни ошкор қилганлиги учун қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилади³.

Аудиторлик текширувининг натижалари асосида тузилган ҳисоботда корхона молия-хўжалик фаолияти ва унинг натижаларининг умумий ахволи, шунингдек, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тузишнинг ҳолати, таҳлил ишларининг даражаси ҳамда корхонадаги ҳисоб-таҳлил ходимларининг тавсифи акс эттирилади. Аудиторлик ҳисоботи маълумотлари корхона бозор шароитларига қандай мослашаётганлиги ва муваффақиятли ривожланиши ҳамда фойдасини кўпайтира олишга қодирлигини ёки аксинчалигини билдириши лозим. Албатта, текширилаётган корхонадаги аҳвол безаб кўрсатилмасдан, аудиторга тақдим қилинган ахборот ҳақиқий бўлгандагина эҳтиросларга берилмаган ва реал аудиторлик ҳисоботи ҳамда хулоса шаклланади. Акс ҳолда, аудиторлик текшируви бефойда ва уни ўтказиш учун сарфланган маблағ эса зое кетади.

Аудитор ҳисоботда келтирилган камчиликлар бўйича уларни бартараф қилишга қаратилган ўз таклифларини ҳам кўрсатиб ўтиши лозим. Лекин текширилаётган корхона ходимларига «яхшилик» қилиш мақсадида аудитор шахсан ўзи дастлабки ҳужжатлар, ҳисоб регистрлари ва бухгалтерия ҳисоботларидаги хатоларни тўғрилаши мутлақо мумкин эмас. Шу билан бирга аудиторларга у ёки бу нохуш фактларни бошқача қилиб ёритишга ёки текширувчилар учун қулай хулоса тузиб беришга мажбурлаш мақсадида руҳий, жисмоний ёки бошқача тазийқлар ўтказган ҳолларда улар қатъийлик ва принципиаллик билан иш тутишлари лозим.

Аудитор аниқланган хато ёки камчиликлар тўғрисида корхона раҳбариятига билдиради ва уларни тузатиш бўйича аниқ тавсиялар беради.

Аудиторлик текшируви жараёнида аудитор молиявий ҳисобот миқдорининг молиявий ҳолатини тўғри акс этишига қафолат олиш мақсадида, муайян муолажаларни амалга оширади. Шу билан бир қаторда, ҳисоботда бир қатор бузиб кўрсатишлар аниқланмасдан қолиб кетиш ҳафви борлигини инкор қилиб бўлмайди.

³ №70 «Аудиторлик ҳисоботи ва молиявий ҳисобот тўғрисида аудиторлик хулосаси» номли АФМС. 7 параг. 16-17 бандлар.

Аудиторнинг молиявий ҳисоботда аҳамиятли даражада бузиб кўрсатишлар мавжуд бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги ҳар бир шубҳаси, ўз шубҳаларидан кечиш ёки уларни тасдиқлаш учун, ундан муолажаларни кенгайтиришни талаб қилади.

Молиявий ҳисоботдаги бузиб кўрсатишлар, яъни бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш бўйича белгиланган қоидаларга риоя қилмаслик натижасида бухгалтерия маълумотларини нотўғри акс эттириш ва тақдим этишни икки тури мавжуд: атайлаб қилинган ва билмасдан содир этилган.

Молиявий ҳисоботда **атайлаб қилинган** бузиб кўрсатишларни содир этиш текширилаётган иқтисодий субъект ходимларининг олдиндан билган ҳолда ҳаракат қилиши (ёки ҳаракат қилмаслиги) натижасидир. Улар молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларни чалғитиш учун ғаразгўйлик мақсадида амалга оширилади. Шунинг билан бир қаторда, аудитор молиявий ҳисобот маълумотларида бузиб кўрсатишларга олиб келадиган иқтисодий субъект ходими томонидан олдиндан билган ҳолда қилинган ҳаракатлар (ёки ҳаракат қилмаслиги) тўғрисида хулоса фақат бунга ваколатга эга бўлган идора томонидан чиқарилиши мумкинлигини унутмаслиги лозим.

Молиявий ҳисоботда **билмаган ҳолда** бузиб кўрсатишлар текширилаётган субъект ходимлари томонидан билмасдан туриб ҳаракат қилиши (ёки ҳаракат қилмаслиги) натижасидир. Улар ҳисоб ёзувлари ва ҳисоб-китоблардаги хатолар, ҳисоб тўлиқлиги юзасидан назорат етарли бўлмаганлиги, ҳисобда хўжалик фаолиятига оид воқеалар, мол-мулкнинг мавжудлиги ва ҳолати нотўғри акс этилиши натижасида ҳосил бўлиши мумкин.

Молиявий ҳисоботни атайлаб ва билмаган ҳолда бузиб кўрсатиш аҳамиятли (яъни, улар молиявий ҳисобот ишончилигига шундай даражада таъсир этадики, натижада юқори малакали фойдаланувчи унинг асосида нотўғри хулосаларга келиши ёки нотўғри қарорлар қабул қилиши мумкин) ёки аҳамиятсиз бўлиши мумкин.

Аудит ўтказиш жараёнида аудиторлик ташкилоти молиявий ҳисоботни бузиб кўрсатиш таваккалчилигини баҳолаши лозим. Бунда атайлаб ва билмаган ҳолда ҳам бузиб кўрсатиш пайдо бўлишига таъсир этувчи муайян омиллар мавжудлигини назарда тутиш керак.

Бузиб кўрсатишлар пайдо бўлишига сабаб бўлган иқтисодий субъектнинг ички хўжалик юритиш фаолиятига мансуб омиллар қуйидагилардир:

– иқтисоднинг инқирозий тармоқларига катта миқдорда молиявий қўйилмаларни амалга ошириш;

– иқтисодий субъект сотувлари (ишлаб чиқариш) ҳажмининг тез ўсишига ёки фойданинг кўп миқдорда камайишига айланма маблағларнинг номувофиқлиги;

– маълум бир вақт мобайнида иқтисодий субъектнинг бир ёки бир нечта буюртмачилар ёки мол етказиб берувчиларга қарам бўлишлиги;

– фойданинг катта миқдорда ўзгартиришга олиб келувчи шартномавий муносабатлар амалиётида ёки ҳисоб сиёсатида ўзгаришлар;

– иқтисодий субъект томонидан, айниқса йил охирида, молиявий натижалар миқдорига аҳамиятли таъсир кўрсатувчи одатдан ташқари келушувларни амалга ошириш;

– бажарилган хизматларга очикдан-очик номувофиқ тўловлар мавжудлиги;

– иқтисодий субъект ташкилий-бошқарув тизими хусусиятлари, ушбу тизимда камчиликлар мавжудлиги;

– капитал таркиби ва фойдани тасдиқлаш хусусиятлари;

– бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашда белгиланган қоидалардан четга чиқиш.

Бузиб кўрсатишлар ҳосил бўлишига сабаб бўлувчи иқтисодий субъект молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширувчи аниқ бир тармоқ ва умуман, мамлакат иқтисодиётини хусусиятлари ҳолатини акс эттирувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

– иқтисодиёт тармоғи ва умуман, мамлакат иқтисодиёти ҳолати, инқироз, депрессия ёки юксалиш;

– тармоқ инқироз ҳолатида бўлиши муносабати билан иқтисодий субъект инқироз ҳолатига тушиб қолиш эҳтимолининг ошиши;

– иқтисодий субъектнинг ишлаб чиқариш фаолияти, ишлаб чиқариш технологик хусусиятлари.

Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботида бузиб кўрсатиш мавжуд бўлишини ҳисобга олиб, аудитор ташкилоти аудиторлик муолажаларини ишлаб чиқиш жараёнида молиявий ҳисоботдаги бузиб кўрсатиш таваккалчилигини баҳолайди. Шунинг билан бир қаторда, аудиторлик ташкилоти молиявий ҳисоботда бузиб кўрсатиш мавжуд эканлиги ҳолатларини атайлаб излаб топиши тавсия этилмайди.

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботида бузиб кўрсатиш аниқланган ҳолда аудиторлик ташкилоти уларни текширилайёт-

ган ҳисоботга барча аҳамиятли томонлардан таъсирини баҳолаши лозим.

Молиявий ҳисоботда бузиб кўрсатишлар аниқланиши муносабати билан аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъектда бузиб кўрсатишларга олиб келувчи вужудга келиши мумкин бўлган қуйидаги камчиликларни ҳисобга олиши лозим:

– бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни ташкил этиш ва юритишга оид қонунчилик билан белгиланган тартиблардан четга чиқишлар;

– ҳисобот даврида алоҳида хўжалик операцияларини ақс эттиришда ва мул-мулкни баҳолашда корхонада қабул қилинган ҳисоб сифоига риоя қилмаслик ёки унинг йўқлиги;

– солиқ ва валюта қонунчиликларини бузиш;

– молиявий ҳисоботда бузиб кўрсатишларга олиб келувчи бошқа хато ва камчиликлар.

Молиявий ҳисоботда бузиб кўрсатишлар аниқланганда аудитор қуйидагилардан келиб чиқиб, ишлаб чиқилган аудиторлик муолажаларини қайтадан тўғрилаши лозим:

– корхонада содир этилган ва бузиб кўрсатишларга олиб келган хато ва камчиликлар турларидан;

– аниқланган бузиб кўрсатишлар аҳамиятлилиги даражасидан;

– текширув давом этганда бузиб кўрсатишлар келиб чиқиши таваккалчилиги ва бузиб кўрсатишлар аниқланмай қолиниши таваккалчилигидан.

Агар аудитор ҳолатлар бўйича аҳамиятли бузиб кўрсатишни аниқласа, у ушбу масалани хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти билан муҳокама қилиши лозим. Раҳбарият билан масала юзасидан муҳокама ўтказилганда аудитор бошқа маълумотлар ва раҳбариятнинг аудитор сўровларига жавоблари асосланганлигига ҳар доим ҳам тўғри баҳо бера олмайди ва, шу боис, у ҳақиқатдан ҳам фикрлар ва мулоҳазаларда фарқлар мавжудлигини кўриб чиқиши лозим.

Агар аудитор ҳолатлар бўйича аҳамиятли бузиб кўрсатишлар мавжудлигига ҳақиқатдан ҳам ишонч ҳосил қилса, у раҳбариятдан малакавий учинчи томон, масалан, хўжалик юритувчи субъектнинг ҳуқуқшуноси билан маслаҳатлашишни илтимос қилиши ва олинган жавобни таҳлил қилиши лозим.

Агар аудитор бошқа маълумотлар ҳақиқий ҳолатни бузиб кўрсатиши тўғрисида хулоса чиқарса ва буларни хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти тўғрилашдан бош тортса, аудитор ўз нуқтаи назари тўғрисида ижрочи ҳайъатга ёзма маълумот тақдим этиши ва

кейинги ҳаракатлар тўғрисида ўз ҳуқуқшуноси билан маслаҳатлашиши керак.

Аудиторлик ташкилоти молиявий ҳисоботда бузиб кўрсатишларга олиб келувчи турли хато ва камчиликларни олдини олиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизими қай даражада самарали эканлигини баҳолаши лозим. Агар аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботида бузиб кўрсатишлар вужудга келишини олдини олишга қаратилган ички назорат тизими қобилият даражаси (олдин кўзда тутилгандан) пастроқ эканлиги тўғрисида хулосага келса, аудиторлик ташкилоти ички назорат тизими ишончилигига берган дастлабки баҳосини қайтадан кўриб чиқади ва шу муносабат билан қўлланиладиган аудиторлик муолажалар ҳажми ва тавсифларига аниқликлар киритади.

Аудит жараёнида молиявий ҳисоботда бузиб кўрсатишлар ҳолатлари аниқлаганда, аудиторлик ташкилоти уларни тегишли равишда расмийлаштирилган ишчи ҳужжатларда батафсил акс этиши лозим.

Аудиторлик ташкилоти молиявий ҳисоботда аниқланган бузиб кўрсатишлар тўғрисидаги маълумотларни мажбурий аудит ўтказишда молиявий ҳисобот тўғрисидаги аудиторлик хулосасига, турли мақсадлар йўналишида ўтказилган ташаббусли аудит ўтказишда эса - аудиторлик ҳисоботида киритиши лозим.

Агар бухгалтерлик (молиявий) ҳисобни юритиш, тегишли ҳисоботларни тузиш ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига риоя қилиш бўйича кўрсатилган камчиликлар аудит ўтказиш чоғида буюртмачи корхона томонидан тузатилмаса, бухгалтерлик (молиявий) ҳисоботнинг ишончилигини тасдиқлаш мумкин эмаслиги тўғрисида аудиторлик текширувининг хулосасида ёзилади.

ИЛОВАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг
2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғига 1-сонли илова

Приложение № 1
к приказу Министерства финансов Республики Узбекистан
от 27 декабря 2002 года № 140

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ 1-сонли шакл БУХГАЛТЕРСКИЙ БАЛАНС форма № 1

_____ 20__ йилга
на _____ 20__ год

БГУТ бўйича 1-шакл
Форма № 1 по
ОКУД

Кодлар
Коды

0710001

Корхона, ташкилот
Предприятие, организация _____

КТУТ бўйича
по ОКПО

Тармоқ
Отрасль _____

ХХТУТ бўйича
по ОКОНХ

Ташкилий-ҳуқуқий шакли
Организационно-правовая форма _____

ТПШТ бўйича
по КОПФ

Мулкчилик шакли
Форма собственности _____

МШТ бўйича
по КФС

Вазирлик, идора ва бошқалар
Министерства, ведомства и другие _____

ДБИТ бўйича
по СООГУ

Солиқ тўловчининг идентификацион рақами
Идентификационный номер налогоплательщика

СТИР
ИНН

Худуд
Территория

МГОБТ
СОАТО

Манзил
Адрес _____

Жўнатилган сана
Дата высылки

Ўлчов бирлиги, минг сўм
Единица измерения, тыс. сум.

Қабул қилинган сана
Дата получения

Тақдим қилиш муддати
Срок предоставления

| Кўрсаткичлар номи Наименование показателя | Сатр коди Код стр. | | |
|--|-----------------------------|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| Актив | | | |
| I. Узоқ муддатли активлар | | | |
| I. Долгосрочные активы | | | |
| Асосий воситалар: | | | |
| Основные средства: | | | |
| Бошлангич (кайта тиклаш) қиймати (0100, 0300) | | | |
| Первоначальная (восстановительная) стоимость (0100, 0300) | 010 | | |
| Эскириш суммаси (0200) | | | |
| Сумма износа (0200) | 011 | | |
| Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 010 - 011) | | | |
| Остаточная (балансовая) стоимость (стр. 010-011) | 012 | | |
| Номоддий активлар: | | | |
| Нематериальные активы: | | | |
| Бошлангич қиймати (0400) | | | |
| Первоначальная стоимость (0400) | 020 | | |
| Амортизация суммаси (0500) | | | |
| Сумма амортизации (0500) | 021 | | |
| Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 020 - 021) | | | |
| Остаточная (балансовая) стоимость (стр. 020-021) | 022 | | |
| Узоқ муддатли инвестициялар, жами (сатр.040+050+060+070+080), шу жумладан: | | | |
| Долгосрочные инвестиции, всего (стр.040+050+060+070+080), в том числе: | 030 | | |
| Қимматли қоғозлар (0610) | | | |
| Ценные бумаги (0610) | 040 | | |
| Шўъба хўжалиқ жамиятларига инвестициялар (0620) | | | |
| Инвестиции в дочерние хозяйственные общества (0620) | 050 | | |
| Қарам хўжалиқ жамиятларига инвестициялар (0630) | | | |
| Инвестиции в зависимые хозяйственные общества (0630) | 060 | | |
| Чет эл капиталли мажуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640) | | | |
| Инвестиции в предприятие с иностранным капиталом (0640) | 070 | | |
| Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690) | | | |
| Прочие долгосрочные инвестиции (0690) | 080 | | |
| Урнатиладиган асбоб-ускуналар (0700) | | | |
| Оборудование к установке (0700) | 090 | | |
| Капитал қўйилмалар (0800) | | | |
| Капитальные вложения (0800) | 100 | | |
| Узоқ муддатли дебиторлиқ қаралари (0910, 0920, 0930, 0940) | | | |
| Долгосрочная дебиторская задолженность (0910, 0920, 0930, 0940) | 110 | | |
| шундан: муддати ўтган | | | |
| из неї: просроченная | 111 | | |
| Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар (0950, 0960, 0990) | | | |
| Долгосрочные отсроченные расходы (0950, 0960, 0990) | 120 | | |
| 1 бўлим бўйича жами (сатр. 012+022+030+090+100+110+120) | | | |
| Итого по разделу I (стр. 012+022+030+090+100+110+120) | 130 | | |
| II. Жорий активлар | | | |
| II. Текущие активы | | | |
| Товар-моддий захиралари, жами (сатр.150+160+170+180), шу жумладан: | | | |
| Товарно-материальные запасы, всего (стр.150+160+170+180), в том числе: | 140 | | |
| Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600) | | | |
| Производственные запасы (1000, 1100, 1500, 1600) | 150 | | |

| | | | |
|---|-----|--|--|
| Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700) | 160 | | |
| Незавершенное производство (2000, 2100, 2300, 2700) | | | |
| Тайёр махсулот (2800) | 170 | | |
| Готовая продукция (2800) | | | |
| Товарлар (2900 дан 2980 нинг айирмаси) | 180 | | |
| Товары (2900 за минусом 2980) | | | |
| Келгуси давр харажатлари (3100) | 190 | | |
| Расходы будущих периодов (3100) | | | |
| Кечиктирилган харажатлар (3200) | 200 | | |
| Отсроченные расходы (3200) | | | |
| Дебиторлар, жами (сатр.220+230+240+250+260+270+280+290+300+310) | 210 | | |
| Дебиторы, всего (стр.220+230+240+250+260+270+280+290+300+310) | | | |
| шундан: муддати ўтган | 211 | | |
| из неѐ: просроченная | | | |
| Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси) | 220 | | |
| Задолженность покупателей и заказчиков (4000 за минусом 4900) | | | |
| Ажратилган бўлиналарнинг қарзи (4110) | 230 | | |
| Задолженность обособленных подразделений (4110) | | | |
| Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларининг қарзи (4120) | 240 | | |
| Задолженность дочерних и зависимых хозяйственных обществ (4120) | | | |
| Ходимларга берилган бўнақлар (4200) | 250 | | |
| Авансы, выданные персоналу (4200) | | | |
| Мол сўказиб берувчилар ва лудратчиларга берилган бўнақлар (4300) | 260 | | |
| Авансы, выданные поставщикам и подрядчикам (4300) | | | |
| Бюджетта солиқ ва йиғимлар бўйича бўнақ тўловлари (4400) | 270 | | |
| Авансовые платежи по налогам и сборам в бюджет (4400) | | | |
| Махсадли давлат жамғармалари ва сугурталар бўйича бўнақ тўловлари (4500) | 280 | | |
| Авансовые платежи в государственные целевые фонды и по страхованию (4500) | | | |
| Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600) | 290 | | |
| Задолженность учредителей по вкладам в уставный капитал (4600) | | | |
| Ходимларнинг бошка операциялар бўйича қарзи (4700) | 300 | | |
| Задолженность персонала по прочим операциям (4700) | | | |
| Бошка дебиторлик қарзлари (4800) | 310 | | |
| Прочие дебиторские задолженности (4800) | | | |
| Пул маблағлари, жами (сатр.330+340+350+360), шу жумладан: | 320 | | |
| Денежные средства, всего (стр.330+340+350+360), в том числе: | | | |
| Кассадаги пул маблағлари (5000) | 330 | | |
| Денежные средства в кассе (5000) | | | |
| Хисоблашиш сўтидаги пул маблағлари (5100) | 340 | | |
| Денежные средства на расчетном счете (5100) | | | |
| Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200) | 350 | | |
| Денежные средства в иностранной валюте (5200) | | | |
| Бошка пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700) | 360 | | |
| Прочие денежные средства и эквиваленты (5500, 5600, 5700) | | | |
| Қиска муддатли инвестициялар (5800) | 370 | | |
| Краткосрочные инвестиции (5800) | | | |
| Бошка жорий активлар (5900) | 380 | | |
| Прочие текущие активы (5900) | | | |
| II бўлим бўйича жами (сатр.140+190+200+210+320+370+380) | 390 | | |
| Итого по разделу II (стр. 140+190+200+210+320+370+380) | | | |
| Баланс активн бўйича жами (сатр.130+390) | 400 | | |
| Всего по активу баланса (стр.130+стр.390) | | | |

| Кўрсаткичлар номи Наименование показателя | Сатр коди Код стр. | | |
|--|-----------------------------|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| Пассив | | | |
| I. Уз маблағлари манбалари | | | |
